

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



# ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

Педагогик маҳоратни ривожлантириш  
стратегиялари



МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ  
йўналиши**

**“ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
СТРАТЕГИЯЛАРИ”  
модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент – 2019**

**Модулнинг ўқув-услугий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчилар: М.Ж.Муталипова, М.П.Имомов - Тармоқ маркази катта ўқитувчилар**

**Такризчи: Заведующий кафедрой педагогики педагогического института ФГАОУ ВО НИУ «БелГУ», доктор педагогических наук, прф. Н.Л.Шеховская**

*Ўқув-услугий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2019 йил 30 августдаги 1/3.5.- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>12</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>26</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>108</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>111</b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>115</b>

# І. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, педагогик маҳорат асосларига доир янги билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни назарда тутди.

педагогик такт ва техника, педагогик таъсир кўрсатиш, педагогик мулоқот ҳамда ўқитувчининг мимик ва пантомимик маҳорати, нутқ техникаси асосларига

Ушбу дастурда ўқитувчи фаолиятида педагогик маҳоратнинг мазмун моҳияти, педагогик қобилият ва унинг турлари, касбий маҳоратни такомиллаштириш йўллари, педагогик такт, диққатни тўғри тақсимлаш ва кузатувчанлик, педагогик техника, ўқитувчининг ишонтиришга асосланган таъсир кўрсатиш маҳорати, педагогик мулоқот, педагогик таъсир кўрсатиш, педагогик таъсир кўрсатиш усуллари, педагогик фаолиятда актёрлик ва режиссёрлик маҳорати, ўқитувчининг ўзини-ўзи бошқариш маҳорати, муомала одоби, ўқитувчининг ташқи қиёфаси, имиджи, нутқ техникаси асослари: нафас олиш, товуш, дикция ва ритм масалалари баён этилган.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Педагогик маҳоратни ривожлантириш стратегиялари” **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларини педагогик маҳоратга доир билимларини такомиллаштириш, педагогик маҳоратни қўллашга доир замонавий ёндашувларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Педагогик маҳоратни ривожлантириш стратегиялари” **модулининг вазифалари:**

- педагогик маҳоратни ривожлантириш йўллари аниқлаштириш;
- тингловчиларнинг ўқитувчи фаолиятида педагогик маҳоратнинг тутган ўрни ва мазмун-моҳиятига доир билимларини такомиллаштириш;
- тингловчиларнинг педагогик фаолиятнинг турли кўринишларида ўқитувчининг муомала маданияти, педагогик такт, педагогик техника, тингловчилар билан алоқа ўрнатиш ва мулоқотга кириша олиш методикаларини тўлиқ ўзлаштиришларига эришиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Педагогик маҳоратни ривожлантириш стратегиялари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- педагогик маҳорат;
- педагогик қобилият ва унинг турлари;
- педагогик одоб ва педагогнинг муомала одоби;
- педагогик такт ва тактика;
- педагогик техника ва унинг таркибий қисмлари;
- нутқ техникаси ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

#### **Тингловчи:**

- касбий фаолиятда педагогик кадрлардан фойдаланиш;

- педагогик тактикани тўғри танлай олиш;
- педагогик низоларни бартараф этиш;
- аудиторияни бошқара олиш, диққатни тўғри тақсимлаш, нафас олиш ва овоз тембрини мослаш;

- педагогик артистизмга доир **кўникмаларни эгаллаши;**

#### **Тингловчи:**

- педагогик меҳнатни илмий ташкил этиш;
- илғор тажрибалардан фойдаланиш;
- педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш;
- педагогик мулоқотни тўғри ташкил этиш;
- ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш **малакаларини эгаллаши;**

#### **Тингловчи:**

- педагогик фаолиятнинг қайта тушунилиши ва мустақил такомиллаштирилишини таъминловчи мустақил таҳлилни эгаллаш (рефлексив);
- мустақил таълим ва ўз касбий-методик даражани ошириб бориш (когнитив);
- конструктив равишда ҳаракат қилишга имкон берадиган ахборотни олиш, қайта ишлаш ва татбиқ қилиш, технологик қарорлар, тамойил ва ёндашишлар тизимини лойиҳалаштириш (ахборот);
- касбий фаолият самарадорлигини таъминловчи оғзаки ва ёзма мулоқот технологияларини эгаллаш (коммуникатив) **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

#### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар:**

“Педагогик маҳоратни ривожлантириш стратегиялари” модулини ўқитиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

“Педагогик маҳоратни ривожлантириш стратегиялари” модулини ўқитиш жараёнида қуйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;

- амалий машғулотлар жараёнида кейс, лойиҳа ва ассисмент технологияларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Педагогик маҳоратни ривожлантириш стратегиялари” модули мазмуни ўқув режадаги “Педагогнинг лойиҳалаш маданияти” ва “Педагогик квалиметрия” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогик маҳорат бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик маҳоратни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимооти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Мустақил таълим
			жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	
1.	Педагогик маҳоратнинг мазмун моҳияти ва ўқитувчи фаолиятидаги ўрни.	2	2	2		
2.	Педагогик техника - педагогик маҳоратнинг асосий элементи сифатида.	2	2	2		
3.	Педагогик такт, педагогик назокат ва одоб-ахлоқ.	2	2	2		

4.	Педагогик мулоқот. Педагогик таъсир кўрсатиш. Педагогик таъсир кўрсатиш усуллари.	2	2	2		
5.	Ўқитувчининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш йўллари.	2	2		2	
6.	Ўқитувчининг мимик, пантомимик, актёрлик ва режиссёрлик маҳорати.	2	2		2	
7.	Ўқитувчи фаолиятида педагогик такт масалалари. Ўқитувчи имиджи.	2	2		2	
8.	Педагогик таъсир кўрсатиш - коммуникатив қобилиятнинг асосий усули сифатида.	2	2		2	
9.	Ўқитувчининг педагогик фаолиятида касбий рефлексиянинг ўрни.	2	2		2	
<b>Жами:</b>		<b>18</b>	<b>18</b>	<b>8</b>	<b>10</b>	

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1 - мавзу: Педагогик маҳоратнинг мазмун моҳияти ва ўқитувчи фаолиятидаги ўрни.**

“Педагогик маҳорат” тушунчасининг мазмуни ва моҳияти. Педагогика фани тарихида ўқитувчи маҳорати масалаларининг ёритилиши. Ҳозирги даврда ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш. Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият ва унинг турлари.

### **2-мавзу: Педагогик техника - педагогик маҳоратнинг асосий элементи сифатида.**

Педагогик техника ҳақида тушунча. Педагогик техниканинг таркибий қисмлари. Ўқитувчининг педагогик техникасини шакллантириш йўллари. Ўқитувчининг ташқи қиёфаси. Ўқитувчининг ташқи қиёфасини шакллантириш маданияти. Ўқитувчининг мимик ва пантомимик ҳаракатлари. Гавда тутиш

эстетикаси. Педагогик фаолиятда актёрлик ва режиссёрлик маҳорати. Нутқ ҳақида тушунча. Нутқнинг ўқитувчи фаолиятидаги ўрни. Нутқ техникаси асослари: нафас олиш, товуш, дикция, ритмика. Ўқитувчининг нутқ малакасини шакллантириш йўллари.

### **3-мавзу: Педагогик такт, педагогик назокат ва педагогик одоб-ахлоқ.**

“Такт” ва “педагогик такт” тушунчаси. Ўқитувчи фаолиятида педагогик такт. Педагогик тактни қўллаш шартлари. “Педагогик одоб” тушунчаси. Педагогик одобнинг намоён бўлиш хусусиятлари. Педагогнинг муомала одобининг тузилиши ва ўзига хосликлари. Ўқитувчи назокати ва дилкашлиги.

### **4-мавзу: Педагогик мулоқот. Педагогик таъсир кўрсатиш. Педагогик таъсир кўрсатиш усуллари**

Педагогик мулоқот ва унинг функциялари. Педагогик мулоқотнинг тузилиши. Педагогик мулоқот услублари. Коммуникатив қобилият ва унинг тузилиши. Коммуникатив таъсир кўрсатиш методлари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот**

#### **Ўқитувчининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш йўллари.(2с.)**

Педагогик маҳорат тизимининг компонентлари, педагогик қобилият турлари, педагогик ижодкорлик, ўқитишнинг касбий ва шахсий хусусиятлари, педагогик маҳоратни шакллантирувчи омиллар, қобилиятга педагогик - психологик нуқтаи назардан тавсиф.

### **2-амалий машғулот**

#### **Ўқитувчининг мимик, пантомимик, актёрлик ва режиссёрлик маҳорати.(2с.)**

Мулоқотнинг новербал воситалари ёрдамида ўз муносабатини педагогик мақсадга мувофиқ ифода этиш малакаларини ривожлантиришга доир машқлар. Фонцион нафас олишни ривожлантиришга доир машқлар. Овозни ривожлантиришга доир машқлар.

### **3-амалий машғулот**

**Ўқитувчи фаолиятида педагогик такт масалалари. Ўқитувчи имиджи.**

**(2с.)**

Ўқитувчининг тактик маҳорати, тактикани танлаш ва уни қўллаш қоидалари, педагогик одоб - касбий-ахлоқий хусусиятлар йиғиндиси сифатида, педагогик такт ўқитувчи ахлоқининг амалий кўринишларидан бири сифатида, экстраверт ва интроверт шахслар.

### **4-амалий машғулот**

**Педагогик таъсир кўрсатиш - коммуникатив қобилиятнинг асосий усули сифатида. (2с.)**

Педагогик мулоқот босқичлари, педагогик мулоқотда учрайдиган камчиликлар. Талаба ва ўқитувчи ўртасидаги мулоқот. Коммуникатив қобилият турлари. Талаб, истиқбол, рағбатлантириш ва жазолаш, жамоатчилик фикри. Ишонтириш ва уқтириш.

### **5-амалий машғулот**

**Ўқитувчининг педагогик фаолиятида касбий рефлексиянинг ўрни.(2с.)**

Бугунги кун ўқитувчисига қўйилаётган талаблар. Ўқитувчининг таълим жараёнида касбий омилкорлиги. Касбий маҳорат ва омилкорликни таъминловчи хусусиятлар.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маъруза-мунозара, муаммоли маъруза, вебинар маъруза, визуал маъруза, виртуал амалий машғулотлар);
- ўқув мунозараси (оғзаки ва ёзма давра суҳбати, форум, ақлий хужум, симпозиум, дебат);
- фасилитацион таълим (Open Space – “Очиқ муҳит” стратегияси. World Cafe – Жаҳон кафеси стратегияси. Appreciative Inquiry – “Ижобий ўзгаришлар парадигмаси” стратегияси. Dynamic facilitation – Динамик фасилитация стратегияси. Graphic facilitation – Графикли фасилитацион стратегиялар. Action

Learning – Бошқалар тажрибаси асосида ўқитиш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### 1. БИР НЕЧА МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ МАЪРУЗА ТАЙЁРЛАШ

Тингловчилар интерфаол машғулотларда самарали иштирок этишлари учун маърузаларга тайёрланиб келишлари лозим. Бунинг учун тингловчиларига маърузалар тайёрлаш йўллари ва имкониятлари ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш лозим. Ана шундай имкониятлардан бири – бу бир неча манбалардан фойдаланиб маъруза тайёрлаш ҳисобланади. Мазкур маъруза жавдвал ҳолатида тайёрланиб, тингловчига жавоб бериш учун таянч сигнал вазифасини бажаради. Бунинг учун тингловчи беш устундан ва материалнинг ҳажмига қараб бир неча устундан иборат оддий жадвал тузади. Юқоридаги қатордаги устунларда ахборотнинг турли манбалари номини кўрсатишади: дарсликлар, журнал мақолалари, интернет материаллари, интервьюлар.

Чап томондан биринчи катаннинг ҳар бир қаторига тингловчи мавзуга тегишли ёки жавоб олиниши зарур бўлган саволни ёзади:

Саволлар	Дарслик	Журнал мақолалари	Интернет материаллари	Интервью
Нутқнинг қандай функциялари мавжуд?				
Нутқ қандай шаклларда намоён бўлади?				
Ўқитувчининг нафас олиш техникаси қандай тузилишга эга?				
Овоз аппарати қандай қисмлардан иборат?				

Товушнинг ҳаракатчанлиги ва ўзгарувчанлиги қандай омилларга боғлиқ?				
Томоқни қуриб қолишдан асраш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?				
Нутқ техникасини ривожлантириш йўлларига нималарни киритиш мумкин?				


## **2. ЁЗМА ВА ОҒЗАКИ “ДАВРА СУҲБАТИ”**

Ёзма “Давра суҳбати” – бу биргаликдаги ўқитиш методи бўлиб, бунда қоғоз ва ручка доимо айлана бўйлаб, ўйин иштирокчиларининг кичик гуруҳи орасида узатиб турилади. Мисол учун, шериклардан бир қандайдир ғояни ёзиб, кейин варақни чап томонидаги шеригига узатади. У ўша ғояга ўзининг қандайдир мулоҳазаларини қўшади ва варақни кейинги кишига узатади. Ушбу русум-қоиданинг бошқа вариантида ҳар бир иштирокчи ёзувини ўзининг ранги билан ёзади. Бу умумий фикрни шакллантиришда қўшилган ҳиссани кўринарли даражада кўрсатиб туради ва ўқитувчига тушунишга ва ҳар бирининг иштирокини қайд қилишга ёрдам беради.

Оғзаки “Давра суҳбати” - бу биргаликда ўқитиш методи бўлиб, олдингисига ўхшайди, фақат у оғзаки шаклда ўтказилади. Ҳар бир иштирокчи навбати билан олдинги одам айтган фикрни илғаб олади ва ривожлантиради.

## Ёзма “Давра суҳбати”

(Ҳар ким ёзади ва варақни чап томондаги қўшнисига узатади)



## Оғзаки “Давра суҳбати”

(Ҳар ким ўз фикрини айтади ва сўзни чап томондаги қўшнисига беради)

### МАЪРУЗА-МАСЛАҲАТ

#### Мақсади:

- тингловчиларда ўз устида ишлаш малакаларини ривожлантириш;
- уни амалиётда қўллай олиш учун материални ўзлаштириш.

Мазкур метод мавзунинг ўрганишда унинг амалий йўналганлиги билан уйғунлигини таъминлайди. У қуйидаги вариантларда амалга оширилиши мумкин.

**Савол-жавоблар.** Ўқитувчи ўқув материални баён этади (бунда маърузанинг 50-70% вақти сарфланиши мумкин), у кўриб чиқиладиган назарий қоидаларнинг амалиётда қўлланилишига доир катор нюансларга алоҳида эътибор қаратади, қолган вақтда тингловчиларнинг саволларига жавоб беради.

**Саволлар-жавоблар-мунозара.** Машғулотдан бир неча кун олдин ўқитувчи тингловчиларни навбатдаги ўтиладиган мавзунинг номи билан таништиради ва улардан ёзма равишда саволлар тўплайди. Машғулотнинг биринчи қисми мавзунинг асосий жиҳатларини баён этиш тарзида ўтказилади ва тингловчиларнинг саволларига жавоблар берилади. Уларни ривожлантириш ва тўлдириш асосида ўқитувчи материални баён этади. Машғулотнинг иккинчи қисми мазкур муаммога доир эркин фикрлар алмашиш шаклида ўтади ва

тингловчиларнинг қўшимча саволларига жавоблар берилади. Якунида лектор (маърузачи) мунозара якунларини чиқаради.

Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, тингловчилардан жуда кам саволлар бўлади ёки умуман бўлмайди. Бунинг сабабларига қуйидагилар киради:

1) ўрганилаётган материални амалиётда қўллаш тингловчиларда қийинчилик туғдирмайди; мазкур ҳолатда одатдаги анъанавий маърузанинг ўзи етарли;

2) мавзу умуман янги, шунинг учун тингловчилар хатто уни амалиётда қўллаш жараёнида дуч келадиган қийинчиликларни тасаввур қила олишмайди;

3) тингловчилар кўриб чиқиладиган муаммонинг чуқурлиги ва мураккаблигини етарлича баҳолай олишмайди, ўз тажрибаларига ортиқча баҳо беришади.

Ишдаги фаолликни ошириш учун дастурлаштирилган консультацияни қўллаш мумкин. У одатдаги гуруҳли консультациядан шуниси билан фарқ қиладики, бунда лекторнинг ўзи тингловчиларга саволлар билан мурожаат қилади.

Дастлаб лектор тингловчилардан саволларга жавоб сўрайди, кейин эса хато ва нотўғри жавобларни таҳлил этади.

Дастурлаштирилган консультация қоидага мувофиқ, маъруза ва маърузалар цикли тугаганидан сўнг ўтказилади. Тингловчилар материални яхши ўзлаштирадилар, уларда муаммони тўғри ҳал этиш алгоритми шаклланади.

Дастурлаштирилган консультацияда ҳар бир иштирокчида қизиқиш ҳосил қилиш учун қайта алоқадан фойдаланиш мумкин. Барча иштирокчиларга савол ва улардан бири тўғри бўлган уч-беш жавоб тақдим этилади. Қачонки, маърузачи тўғри жавобни айтганда, нотўғри жавобни айтган тингловчиларда савол пайдо бўлади. Маърузачи бундай ҳолатда тўғри жавоб берган тингловчилардан ўз жавобларини изоҳлаб беришни ёки ўзи саволни тушунтириб беради.

### 3. ТУШУНЧАЛАРНИ АНИҚЛАШ

#### **Мақсади:**

- тингловчиларни гаптаги ҳар бир хорижий тилдаги сўзни тушуна олишга ўргатиш;

- тингловчиларнинг гаптаги ҳар бир сўзга эътиборли муносабатда бўлиш заруриятини англашларига ёрдам бериш;

- ўқув топшириғини бажаришда гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш кўникмасини шакллантириш.

Ўқитувчи изоҳни **тушуниш** – бу тингловчиларнинг нарса ёки ҳодисаларда билдирадиган образларни тасаввур эта олиш эканлигини айтишдан бошлайди. Бу фақатгина тасаввур этишгина эмас, балки сўзни тушунишнинг биринчи даражаси.

Сўзни тўлиқ тушуниш қачонки, тингловчилар нарса ёки ҳодисанинг тузилишига оид таркибий қисмлар(нималардан ташкил топган) ва унинг функционал ўзига хосликлари (нимага ёрдам беради, у билан нима қила олиш мумкин ва бошқалар)ни айтиб бера олганда, юзага келади.

#### **Машғулот қуйидаги тарзда ўтказилади:**

1. Барча тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинишади.

2. Ҳар бир гуруҳ матнни олади. Барча гуруҳлардаги матнлар бир хил ёки турли хил бўлиши мумкин.

Ўқитувчи гаплардаги нотаниш сўзларни топиш ва изоҳли луғатлар, ўқитувчининг ёрдамида уларнинг маъносини изоҳлаб беришни сўрайди.

3. Гуруҳларда матн устида ишлаш бошланади. Тингловчилар биргаликда нотаниш, тушунарсиз сўзларни топишади ва уларнинг маъносини биргаликда изоҳлашади.

4. Топшириқ бажариб бўлинганидан сўнг, “кичик гуруҳларга ҳужум” бошланади. Савол берувчи ва жавоб берувчи гуруҳлар қуръа ташлаш йўли билан аниқланиши мумкин. Барча гуруҳлар навбати билан дастлаб биринчи гуруҳга савол беришади, иккинчи ва бошқалар. Масалан:

Бир гуруҳ савол беради.

Савол берилган гуруҳ аъзоси тезда жавобни айтиши лозим.

Гуруҳ жавоб бергандан сўнг унинг тўғрилиги экспертлар гуруҳи томонидан баҳоланади. Баҳолаш 0 баллдан 5 баллгача бўлиши мумкин.

5. Яқунларини чиқариш. Ўқитувчи кўп балл йиғган гуруҳни эълон қилиши мумкин. Мазмуни нотўғри тушунилган сўзларга изоҳ берилади.

#### **4. ЎЗARO ЎРИН АЛМАШИНУВЧИ ЖУФТЛИКЛАР ВА ГУРУҲЛАР**

##### **Мақсади:**

- тингловчиларни материалнинг тузилиши, асосий фикрларни белгилай олиш, эса сақлаб қолиш мумкин бўлган шаклда уларни тасаввур эта олишга ўргатиш;

- нутқ маданиятини ривожлантириш;

- фасилитаторлик қобилиятини таркиб топтириш.

1. Биринчи босқичда педагог асосий фикрларни тасаввур этишнинг турли шакллари ҳақида ҳикоя қилиб беради.

Асосий фикрларни тасаввур этишнинг биринчи тури оддий – бу асосий фикрларни сўз ёки қисқа гаплар тарзида тасаввур этишдир. Мазкур сўз ёки гаплар устунлар тарзида номер қўйиш орқали ёзилади.

Асосий фикрларни тасаввур қилишнинг иккинчи шаклида ўзак белгилаб олинади ва ана шу ўзак атрофида асосий фикрлар жамланади.

Асосий фикрларни шакллантиришнинг учинчи шакли – бу уларни қисқартириш ёки шартли белгилар билан алмаштиришдир.

2. Иккинчи босқичда тингловчилар кичик гуруҳларга бирлашадилар. Ҳар бир кичик гуруҳ ўзига берилган матнни олади ва уни ўқийди. Матнлар ҳаммада ҳар хил.

3. Шундан сўнг гуруҳда ҳар бир тингловчи мустақил равишда мазкур матнга доир таянч конспектни тузишади.

4. Навбатдаги босқичда тингловчилар жуфтликларда ўзларининг таянч конспектлари ҳақида фикр алмашишади. Мазкур босқичда ўзининг таянч конспектини ўзгартириш имконияти мавжуд.

5. Навбатдаги босқичда таянч конспект гуруҳий муҳокама этилади. Гуруҳ ўзаро келишган ҳолда қандайдир яратилган таянч конспектни қабул қилади. Мазкур босқичда гуруҳ бутун жамоанинг олдида “овоз чиқариб” айтиб берувчи тингловчини аниқлаб олиши керак.

6. Мазкур босқичда гуруҳнинг бир аъзоси аниқланган таянч конспект бўйича чиқиш қилади ва ўқилган матннинг мазмунини баён этади. Барча тингловчилар эшитишлари керак. Мазкур даврда меъёрларнинг бажарилишини таъминлайдиган техник экспертнинг мажбурияти намоён бўлади.

7. Биринчи гуруҳ аъзоси чиқишини тугатгандан сўнг бошқа гуруҳ савол бериши мумкин. Саволларга жавоб берилади. Мазкур турдаги иш баҳоланиши мумкин (баллар жадвалда қўйилади). Саволларнинг навбат билан берилишини техник эксперт йўлга қўяди.

8. Саккизинчи босқичда бошқа гуруҳнинг вакили агар асоси мавжуд бўлса, қилинган чиқишни тўлдиради.

9. Тўққизинчи босқичда бошқа гуруҳ вакили чиқиш, саволларга жавоблар бўйича норозилигини ифода этади.

Ана шу ерда биринчи матн билан ишлаш якунланади. Педагог ёки илмий эксперт якунларни чиқаради.

Кейинги босқичда бошқа гуруҳ вакили ўзининг таянч конспектини намоёиш этади. Мазкур ҳаракат ҳамма чиқишлар тугагунча давом этади.

Инсценировка якунларни чиқариш билан тугалланади. Ҳар бир гуруҳ тўплаган балларни ҳисоблаш ва жами баллар устунига ёзиб қўйилиши керак. Ана шу асосдан келиб чиқиб, ўринларни ҳам белгилаш мумкин.

## **5. КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ**

Учта ва ундан кўп жиҳатлар ёки саволларни таққослаш тақозо этилганида ушбу метод, айниқса фойдали бўлади. Жадвал қуйидагича тuzилади: вертикал бўйича таққосланадиган нарсалар, горизонтал бўйича эса, ушбу таққослаш бажариладиган хусусият ва хоссалар жойлаштирилади.

Масалан, концептуал жадвал орқали педагогик қобилиятларни таққослаб кўрсатиш мумкин.

<b>Қобилият-лар</b>	<b>Қайси касбий компетенцияга таалуқли эканлиги</b>	<b>Қўлланилиш доираси</b>	<b>Аҳамияти</b>
Гностик			
Коммуникатив			
Коммуникатив			
Эмпатик			
Суггестив			

## **6. Т-ЧИЗМА**

Т-чизма мунозара вақтида кўшалок жавоблар (ҳа/йўқ, тарафдор/қарши) ёки таққослаш-зид жавобларни ёзиш учун универсал график органайзер ҳисобланади. Масалан “Педагогик низолар” матнини “тарафдор ва қарши” тамойилига асосланиб ўқилганидан сўнг, бир жуфт тингловчи қуйида келтирилганидек, Т-чизмани тузиши ва беш дақиқадан кейин, чизманинг чап томонида педагогик низоларни келтириб чиқарувчи сабабларни ёзиши мумкин. Сўнгра беш дақиқа мобайнида улар бу фикрга қарши иложи борича кўп сабабни келтиришлари керак. Ана шу вақт охирида улар яна беш дақиқа мобайнида ўз Т-чизмаларини бошқа жуфтлик чизмалари билан таққослашлари мумкин.

Педагогик низоларни юзага келтирувчи сабаблар	Педагогик низоларнинг олдини олиш имкониятлари

## 7. ТУШУНЧАЛАР АСОСИДА МАТН ТУЗИШ

“Тушунчалар асосида матн тузиш” методи билиш-изланиш туридаги мустақил ишлар сирасига кириб, бу иш турли хил мантиқий амалларни талаб этади: таҳлил қилиш ва умумлаштириш, далил ва ҳодисаларни қиёслаш, улардаги муштараклик ва фарқли томонларни аниқлаш, асосий ва иккинчи даражали белгиларни ажратиш, сабаб-оқибат алоқаларини очиб бериш ва ҳоказо. Одатда тингловчилар номаълум ҳодисалар, янги материалларга дуч келадилар, янги билимларни эгаллаш ва ўқув муаммосини ҳал қилиш йўллари излаб топишни талаб этадиган муаммоли вазият пайдо бўлади.

### Мазкур методни қўллаш технологияси:

Масалан, “Ўқитувчи фаолиятида педагогик такт” мавзуси бўйича:

- 1) такт, тактика, педагогик тактика, позиция, “юқоридан пастга”, “пастдан юқорига”, “ёнма-ён”, аралашмаслик;
- 2) низо, педагогик низо, турлари, низоли вазият, конфликтоген;
- 3) одоб, этика, ахлоқий сифатлар, педагогик одоб, педагогик деонтология.

## 8. ЎН МИНУТЛИК ЭССЕ

Эссе – бу муаллифнинг индивидуал нуқтаи назарини ифода этиш шакли бўлиб, бирор нарса-ҳодиса ёки жараён ҳақидаги умумий ёки дастлабки дунёқарашни ўз ичига олади.

Ўн минутлик эссени ёзиш қоидалари (“Замонавий педагог” мавзусида):

1. Таклиф этилган мавзуга доир сўзлар ҳажми 500 тадан 1000 тагача бўлиши мумкин.

2. “Педагог деганда кўз олдимга ... келади”, “Менинг фикримга кўра педагог ... бўлиши керак”, “Замонавий педагог ... каби сифатларга эга бўлиши керак” каби жумлалардан фойдаланинг.

3. Ўзингиз ҳавас қилган, сиз учун идеал бўлган устозларингиздан бири мисолида орзуингиздаги педагог тимсолини гавдалантиринг.

## 9. БЛИЦ-ЎЙИН

Ўйинни ўтказиш тартиби:

1) тингловчиларга жадвалнинг чап томонида берилган тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади;

2) дастлаб индивидуал равишда тушунчаларга мос жавобни ўнг томондаги фикрлар орасидан танлаб, тартибланган рақамини “индив. жавоб” устунига (масалан “1” рақамли тушунчага “10” рақамдаги жавоб) ёзиш сўралади;

3) сўнгра худди шундай тартибдаги иш кичик гуруҳларда амалга оширилади. Яъни “гуруҳ жавоби” устунни тўлдирилади. Кичик гуруҳ аъзоларида мазкур устунга ёзиш учун ягона жавоб бўлиши лозим;

4) ўқитувчи тўғри жавобларни ўқийди. Тингловчилар ўзларига берилган қоғознинг “калит” устунига жавобларни ёзиб чиқишади.

5) тингловчилар мустақил равишда калитга асосланиб, “индивидуал хато” ва “гуруҳ хатоси” устунларини тўлдиради. Ҳар бир тингловчининг ва кичик гуруҳ натижалари таҳлил этилади.

## 10. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг педагогик маҳоратга доир қарашларини ўрганишга доир БЛИЦ-ўйин

Фикрлар	Гуруҳ жавоби	Гуруҳ хатоси	Калит	Индив. хато	Индив. жавоб	Педагог-олимлар
Устоз шогирдига зуғум қилишга, кўп ҳолларда ён беришга						Алишер Навоий

интилмаслиги керак						
Илм берувчининг овози тингловчиларни нг ҳаммасига эшитиларли, меъёрида бўлиши керак						Абу Наср Форобий
Мударрис ота- онасининг мансаби, бойлигига қараб болага муомала қилмаслиги лозим.						Имом Ал- Бухорий
Яхши ўқитувчи тингловчиларга тайёрини бермайди, тушунтиришга ўргатади						Абу Али ибн Сино
Таълим олувчилар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш лозим						Адольф Дистерверг

## 11. “АССЕСМЕНТ” МЕТОДИ

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

## Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.



### Тест

Педагогик фаолиятнинг қайта идрок этилишига доир компетенция қандай номланади?

- А) Ахборот олиш
- Б) Когнитив
- С) Рефлексив
- Д) Коммуникатив



### Қиёсий таҳлил

“Такт” ва “тактика” тушунчалари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатларни таҳлил этинг.



### Симптом

Ўқитувчининг педагогик фаолиятга назарий тайёрлиги...



### Амалий кўникма

Педагогик техниканинг асосий элементларидан 3 тасига мисол келтиринг.

## 12. ИНСЕРТ” МЕТОДИ

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни

ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодаляйдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки катнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

<b>Белгилар</b>	<b>1-матн</b>	<b>2-матн</b>	<b>3-матн</b>
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

### **13. “БРИФИНГ” МЕТОДИ**

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

#### **Ўтказиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида катнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Тингловчилар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

#### 14. “ПОРТФОЛИО” МЕТОДИ

“Портфолио” – ( итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, тингловчи ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гуруҳий
Таълимий фаолият	Тингловчилар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Тингловчилар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1 - МАВЗУ: ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ ВА ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДАГИ ЎРНИ.

##### РЕЖА:

1. “Педагогик маҳорат” тушунчасининг мазмуни ва моҳияти.
2. Педагогика фани тарихида ўқитувчи маҳорати масалаларининг ёритилиши.
3. Ҳозирги даврда ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш.
4. Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

**Таянч тушунчалар:** педагогик маҳорат, касбий маҳорат, педагогик инсонпарварлик, педагогик қобилият, шахсий ва касбий фазилатлар, педагогик ижодкорлик, инсонийлик, фидойлик, касбга садоқат, касбий лаёқат, инсонпарварлик сифатлари.

<p><b>1. “Педагогик маҳорат” тушунчасининг мазмуни ва моҳияти.</b></p>
--

Педагогик маҳорат нима? Унинг моҳияти нималардан иборат? Уларни эгаллаш учун нималарни билиш керак? Ҳозирги замон педагогикаси ва психологияси «педагогик маҳорат»

тушунчасига турлича изоҳ беради. Жумладан, “Педагогик энциклопедия”да таъриф қуйидагича изоҳланган: “Ўз касбининг моҳир устаси бўлган, юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган, ёндош фанлар соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиятини мукамал эгаллаган мутахассис”. Ушбу таърифнинг моҳиятидан келиб чиқиб ўқитувчининг педагогик маҳорати тушунчаси мазмунини шундай изоҳлаш мумкин:

1. Маданиятнинг юқори даражаси, билимдонлик ва ақл заковатнинг юксак кўрсаткичи;
2. Ўз фанига доир билимларнинг мукамал соҳиби;
3. Педагогика ва психология каби фанлар соҳасидаги билимларни пухта эгаллаганлиги, улардан касбий фаолиятида фойдалана олиши;
4. Ўқув – тарбиявий ишлар методикасини мукамал билиши.

Педагогик маҳорат тизими қуйидаги ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган асосий компонентлардан иборат:

1. Педагогик инсонпарварлик йўналиши;

2. Касбга оид билимларни бошқа фанлар билан алоқадорликда мукамал билиш;

3. Педагогик қобилиятга эга бўлиш;

4. Педагогик техника сирларини пухта эгаллаш.

Барча касблар орасида ўқитувчилик касби ўзгача ва муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, ўқитувчи ёш авлод қалби камолотининг меъмори, ёшларга таълим-тарбия берувчи инсондир. Бугунги кунда у ёшларни ғоявий – сиёсий жиҳатдан чиниқтириб, табиат, жамият, ижтимоий ҳаёт, тафаккур тараққиёти қонуниятларини ўргатади, ёшларни меҳнат фаолиятига тайёрлаб, касб–хунар сирларини пухта эгаллашларида кўмаклашади ва жамият учун муҳим бўлган ижтимоий–иқтисодий вазиятларни ҳал этади. Ана шу маъсулият ўқитувчидан ўз касбининг моҳир устаси бўлишни, таълим олувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъдоди, эътиқоди ва амалий кўникмаларини ҳар томонлама ривожлантириш йўлларини излаб топадиган касб эгаси бўлишни талаб этади. Бунинг учун доимо ўқитувчининг касбий маҳоратини, кўникма ва малакаларини ошириб бориш, ғамхўрлик қилиш, унга зарур шарт – шароитлар яратиш, керакли моддий ва илмий –методик ҳамда техник ёрдам кўрсатиш, ўқитувчининг ижодий ташаббускорлигини мунтазам ошириб боришга кўмаклашиш лозим.

Шунга асосан, «Педагогик маҳорат» модули ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг касбий фаолияти сирларини, моҳирлигини ўргатувчи ва уни такомиллаштириш тўғрисида маълумотлар бериб боровчи модул бўлиб, ўқитувчида педагогик маҳоратнинг моҳият мазмунини, ҳозирги замон талаблари доирасида касбий фаолиятини ривожлантиришнинг йўлларини, воситаларини, шаклларини ўрганади.

Педагогик маҳорат ўқитувчи – тарбиячига педагогик ижодкорлик, педагогик техника, таълим – тарбия жараёнида ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, мулоқот олиб бориш тактикаси, нутқ маданияти, тафаккури, тарбиячининг маънавий – маърифий ва тарбиявий ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, бу жараёнда хулқ–атворни ва ҳиссиётни жиловлай олиш хусусиятларини ўргатади ва ўз касбини ривожлантириб боровчи **педагогик фаолиятлар** тизими тўғрисида маълумотлар беради. Педагогик маҳорат ўқитувчининг педагогик фаолияти замирида такомиллашиб боради.

- Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун жамият олдида, давлат олдида жавоб берадиган, таълим-тарбия беришда махсус тайёрланган ўқитувчилар меҳнати фаолиятидир.

Педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, таълим олувчиларга нисбатан чуқур хурматда бўлмаган ўқитувчи таълим-тарбия самарадорлиги ва

инсон камолотини таъминловчи фикрга эга бўлмайди. Педагогик жараённинг вазифаси билим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш бўлиб, ўқитувчининг фаолият мезонини белгилаб беради. **Ўқитувчининг фаолияти педагогик жараённинг ҳаракат воситасидир.** Ўқитувчи педагогик фаолияти ижобий натижалари меҳнат малакасини, яъни эгаллаган билимларини ўзининг ҳаётий ва амалий фаолиятида нечоғлик қўллай билиши билан белгиланади.

Ўқитувчининг педагогик фаолияти самарали бўлиши учун зарур бўлган қобилиятлар тизимини: билим, болани тушуна олиш, кузатувчанлик, нутқ малакаси, ташкилотчилик, келажакни кўра билиш, диққатни тақсимлаб олиш, вазиятни тўғри баҳолаш, юзага келиш эҳтимоли бўлган ҳар хил зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиш, ёшларни билим олишга қизиқтириш кабилар ташкил этади.

Мазкур модулнинг мазмунида касбга доир топшириқ ва вазифаларни ечиш учун ўқув – тарбия жараёнини бошқариш, унга раҳбарлик қилишда педагогик–психологик таълимот нуқтаи – назаридан ёндашиш, таълим – тарбияни миллий анъаналаримиз руҳида замонавий методлар асосида моделлаштириш, ўқув – тарбиявий жараёнда илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш учун ўқитувчи маҳоратининг зарурлиги ҳақидаги маълумотларнинг ёртилиши назарда тутилади. Шунга кўра, «Педагогик маҳорат» модули касбга оид билим ва қобилиятларни ўқитувчиларда шакллантириш, ижодкорликни тарбиялаш, маҳорат, кўникма ва малакаларни эгаллашлари учун, педагогик техника, педагогик ҳамкорлик, педагогик назокат, нутқ маданияти тўғрисида маълумотлар бериб боради.

Бу мақсад ва вазифаларнинг ҳал этилиши ўқитувчи – тарбиячини замон билан ҳамнафас бўлишга, ёшларни тарбиялаш дарди билан яшаш ва келажакни аниқ кўра олишга ўргатади. Ҳар бир ўқитувчи шахсида мамлакатимизнинг долзарб муаммоларини, мақсад ва вазифаларини виждонан тасаввур қилиб, аниқ бажариб бориши учун шижоат билан ўз имконияти, билими, тажрибаларини ишга солишга ўргатади, ҳамда педагогик фаолиятга ижодий ёндашиш малакаларига эга бўлишни тарбиялайди.

Ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан педагогик маҳоратга қуйидагича таъриф берилади: **Педагогик маҳорат** – ўқитувчининг шахсий (болажонлиги, хайрихоҳлиги, инсонпарварлиги, меҳрибонлиги ва ҳ.к.) ва касбий (билимдонлиги, зукколиги, фидойилиги, ижодкорлиги, қобилияти ва ҳоказо.) фазилатларини белгиловчи хусусият бўлиб, ўқитувчининг таълим-тарбиявий фаолиятида юқори даражага эришишини, касбий маҳоратини доимий такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи фаолиятдир. У ўз фанини мукамал билган, педагогик–психологик ва методик тайёргарликка эга бўлган, ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг оптимал йўлларини

излаб топиш учун, амалий фаолият олиб борадиган ҳар бир ўқитувчининг касбий фаолиятида намоён бўлади.

Шундай қилиб, педагогик маҳорат эгаси бўлиш учун ўқитувчи ўз ўқув предметини давр талаблари асосида билиши, педагогик ва психологик билимларга эга бўлиши, ҳамда инсонийлик, изланувчанлик ва фидойиликни ўзида таркиб топтириши лозим. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, қуйидаги тўртта компонент педагогик маҳоратнинг **асосий ташкил** этувчилари ҳисобланади:

- ўқитувчилик касбига садоқат;
- ўз фанини ўқитиш методикасини мукамал билиши;
- педагогик қобилиятларини намойиш эта олиши;
- педагогик техникани ўз ўрнида қўллай билиши.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, ўқитувчилик касби мураккаб ва масъулиятли жараёндан иборат. Ушбу касбнинг шарафлилиги ва мураккаблиги шу билан белгиланадики, ўқитувчи доимо онгнинг ягона соҳиби бўлмиш инсоннинг таълим–тарбияси билан шуғулланиб, у билан мулоқот олиб боради. Ўқитувчининг шахсий фазилатлари сирасига иймон–эътиқоди, дунёқарашининг кенглиги, фаоллиги, одоб–ахлоқи, фуқаролик бурчини ҳис қилиши, маънавияти, дилкашлиги, талабчанлиги, қатъийлиги ва ўз мақсадларига интилиши, инсонпарварлиги, ҳуқуқий билимдонлиги, мамлакатимизнинг ижтимоий–сиёсий талабларига ўз фикр мулоҳазаси билан фаол иштирок этиши киради.

Ўқитувчининг касбий хусусиятларига: ўз касбини, болаларни севиши, зийраклиги, ҳозиржавоблиги, вазминлиги, педагогик назокати, тасаввури, қобилияти, ташкилотчилиги, нотиклик маданияти, чуқур ва кенг илмий савияси, касбий лаёқатлилиги, маънавий эҳтиёжи ва қизиқиши, интеллекти, янгиликни англай ва қўллай олиши, касбий маълумотни мунтазам оширишга нисбатан интилиши ва бошқа фазилатлари киради.

Ўқитувчининг касбий педагогик тайёргарлиги шартли равишда қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- 1) Ўқитувчининг шахсий фазилатлар бўйича тайёргарлиги.
- 2) Ўқитувчининг руҳий – психологик тайёргарлиги.
- 3) Ўқитувчининг ижтимоий – педагогик ва илмий – назарий жиҳатдан тайёргарлиги.
- 4) Ўқитувчининг махсус ва ихтисосликка оид услубий билимларни эгаллаб бориши.

Яна таъкидлаш жоизки, педагогик маҳорат ўқитувчи – тарбиячи шахсий ва касбий сифатларининг йиғиндиси бўлиб, ўқитувчи маҳоратини шакллантиришни таъминловчи омилларни, педагогик–психологик, методик

билимларни доимий эгаллаб бориши лозим. Юксак педагогик маҳоратни шакллантиришни таъминловчи **омиллар** қуйидагилар:

а) ихтисослик бўйича ўқув предметини, замон, илм–фан, техника тараққиёти даражасида мукамал билиши, унинг бошқа ўқув фанлари билан ўзаро алоқадорлигини таъминлаш малакасига эга бўлиши;

б) таълим олувчиларнинг ёш, физиологик, психологик ҳамда шахсий хусусиятларини ҳисобга олиши, уларнинг фаолиятини объектив назорат қилиши ва баҳолаши;

в) таълим жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш асосида ўз фаолиятини ташкил этиши;

г) ўқув – тарбиявий жараёни замон талаблари даражасида ташкил қилиш учун асосий педагогик– психологик, методик маълумотга эга бўлиши;

д) фанларни ўқитиш жараёнида замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланишни билиши;

е) жамоани «кўра билиш», таълим олувчиларнинг қизиқишлари, интилишлари, улар учрайдиган қийинчиликларни тушуниш ва ҳамдард бўла олиш, ўз вақтида улар фикрини англай билиш, зукколик билан ҳар бир таълим олувчининг характер хусусияти, қобилияти, иродасини тушуниш ҳамда уларга муваффақиятли таъсир кўрсатишнинг шакл, усул, воситаларидан хабардор бўлиши;

ж) ўз шахсий сифатлари (нутқининг равонлиги, ташкилотчилик қобилияти, бадий эҳтиёжи, диди ва ҳоказо) ни такомиллаштириш малакасига эга бўлиши.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати касбий фаолият давомида шаклланиб боради. Юксак савияли педагогик кадрлар тайёрлашга нисбатан талаблар, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўз касби билан узлуксиз тараққиётга мослаша оладиган ўқитувчининг шаклланиши, бўлажак ўқитувчи умуммиллий мавқеининг ўсиб боришини таъминлайди.

**2. Педагогика фани тарихида ўқитувчи маҳорати масалаларининг ёритилиши.**

Таълим ва тарбия тарихини ўрганар эканмиз, унинг ривожланиши, йиллар давомида шаклланиб бориши устоз ва шогирд фаолиятига боғлиқлигининг гувоҳи бўламиз. Энг қадимги даврлардаёқ мударрислар

(ўқитувчилар) таълим ва тарбиянинг самарали таъсир усулларини қидириб топиб, ҳаётга татбиқ эта бошлаганлар. Бунинг натижасида эрамиздан олдинги даврлардаёқ таълим-тарбиянинг самарадорлигига эришилиши учун ўқитувчига бўлган талаблар кучайиб борди. Ўқитувчи маҳоратини такомиллаштириш юзасидан турли ғоялар, назария ва тавсиялар пайдо бўла бошлади.

Милоддан аввалги VII – VI асрларда Ўрта Осиёда ишлаб чиқариш кучларининг ортиб бориши билан ижтимоий ҳаётда ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Турк ва форс тилида сўзлашувчи халқлар ўртасида ўзаро маданий алоқалар юзага келди. Ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлашда асрлар давомида қўлланиб келинган, ерли миллатнинг ўзига хос урф – одати ва анъаналарига мос равишда татбиқ этилган таълим ва тарбиянинг ноёб усул ва воситалари, тадбир ва шакллари вужудга кела бошлади. Ҳали мактаб бўлмаган, педагогик фикр таркиб топмаган даврдаёқ қабила аъзоларининг болаларда меҳнатсеварлик, ахлоқ-одоб, нафосат, дўстлик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик сифатларини таркиб топтириш соҳасидаги ақл идроки ва усуллари йиллар давомида ҳаёт тажрибаси ва синовларидан ўтиб, сайқалланиб ўша даврнинг олижаноб меваси сифатида бизнинг давримизгача етиб келди.

VII асрларга келиб Ўрта Осиёда илм-фан ва маданият соҳасидаги ривожланиш бевосита таълим ва тарбия берувчи мударрисларнинг қизғин фаолияти ҳамда уларга қўйиладиган талабларнинг ниҳоятда ранг-баранглиги ва хилма-хиллиги билан диққатга сазовордир. Илк ибтидоий жамоа ва қулдорлик даврларидан бошлаб, болаларнинг таълим ва тарбиясига жавобгар уламолар ҳамда мударрислар насиҳат, тушунтириш, рағбатлантириш, макташ, намуна кўрсатиш, танбеҳ бериш, таъқиқлаш, мажбур қилиш, пўписа қилиш, кўрқитиш каби усуллардан фойдаланганлар. Бироқ мударрисларнинг ўзи болага таълим-тарбия бериш учун мукамал амалий ва назарий билимга эга бўлиши керак эди. Шу сабабли мударрислар саводли мадраса толиблари орасидан танланган ва маълум муддат тайёргарликдан ўтишган.

Буюк алломаларимиз ўз асарларида мударрислар касбининг нозиклигини, маъсулиятли эканлигини ва мураккаблигини, шу билан бирга шарафли эканлигини, ёритиб, муаллимнинг маҳорати, уларга қўйилган талаблар, фазилатларига оид қарашлар, шогирдлар билан муносабатга киришиш маҳорати, муомаласи тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирганлар. Уйғониш даврининг етук намоёндалари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Унсурул Маолий Кайковус, Абул-Қосим Умар Аз-Замахшарий, Шайх Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Жалолиддин Давоний, Ҳусайн Воиз ал-Кошифий кабиларнинг ижодий мероси педагогик тафаккурни шакллантиришда бўлажак мураббийларга муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Улар авлодлардан авлодларга ўтиб, ўз қимматини йўқотмаган мударрисларни, тарбиячиларни тайёрлаш тажрибаларини умумлаштириб, бойитиб боришган. Зеро, инсоният келажаги ва курраи заминнинг гуллаб яшнаши фақат таълим ва тарбияга боғлиқ эканлигини буюк мутафаккирлар чуқур ҳис қилишган. Шунинг учун муаллимлар кучи ва ғайрати билан баркамол авлодни тарбиялаш уларнинг энг ёрқин орзуси бўлиб келган.

Ўзбекистон деб аталмиш муаззам заминимизда яшаб ўтган алломаларнинг бу борада ўз ўрни ва ҳурмати бор. Баркамол авлодни тарбиялаш, бунда муаллимнинг ўрни тўғрисида алломаларимиз ижодий меросидан жуда кўп мисоллар келтиришимиз мумкин.

Шарқ алломалари адабий меросларида таъкидланган, ўқитувчилар ҳақида билдирилган доно фикрларни ёшидан, педагогик маҳоратидан, қандай дарс беришидан қатъий назар барча ўқитувчилар билишлари ва уларга қатъий риоя қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Антик даврдаги мактаблар Спарта, Афина ва Рим тарбия тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида фаолият олиб борганлар. Қадимги Юнонистонда бундай жойлар академия деб номланган. «Академия» сўзи афсонавий қаҳрамон Академа номидан келиб чиққан. Эрамиздан аввалги V асрда Афина яқинидаги Академа сўзи билан номланувчи жойда Платон ўз шогирдларига маърузалар ўқиган бўлиб, кейинчалик таълим-тарбия бериш учун ташкил этилувчи масканлар ҳам шундай ном билан атала бошланган. Қадимги Юнонистонда болаларга таълим-тарбия бериш файласуфлар зиммасига юклатилган.

Улар нотиклик санъатининг етук намоёндалари бўлиб, ўзларининг чиройли сўзлари, баланд ва таъсирчан овозлари билан таълим олувчиларнинг тафаккурига, онгига кириб борганлар, таълим ва тарбияда улкан ютуқларга эришганлар. Шу сабабли, нотиклик санъати ва нутқ маданиятининг назариясига, унинг чексиз тарбиявий аҳамиятига илк маротаба қадимги Эрамиздан аввалги V аср Юнонистонда ёшларга таълим-тарбия бериш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг энг такомиллашган даври бўлган. Шу сабабли “Нотиклик санъати” ҳам қизғин ривожланган давр ҳисобланади. Бу даврда нотикликнинг учта қонунияти умумий шиор сифатида эътироф этилган:

- ўқувчиларга тушунтириш (маълум бир мавзуни);
- ўқувчилар онгини уйғотиш (инсон тафаккурини, онгини, мақсадини);
- ҳар бир тингловчига ҳузур-ҳаловат ва қониқиш уйғотиш.

Нотик ушбу қонуниятларга амал қилган ҳолда ўқувчиларга, яъни “тингловчиларга ҳаловат бағишлаш” орқали уларни эзгуликка, адолатпарварликка, ватан олдидаги бурчга садоқатли бўлишга, яхши амалларни бажаришга, ахлоқ ва одоб қоидаларига риоя қилишга чорлар эди. Бу унинг жамият олдидаги асосий вазифаси ҳисобланарди. Нотиклик санъатини чуқур эгаллаган, ўзларининг гўзал ва чиройли нутқлари билан жамиятда ҳурмат ва эътибор қозонган Динарх, Гиперид, Горгий, Исократ, Исей, Эсхил, Демосфен каби намоёндалар машҳур давлат арбоблари бўлиб етишганлар.

Юнон файласуфлари ўқитувчиларнинг таълим ва тарбия беришда оғзаки нутқнинг шакл ва қонуниятларини, мулоҳаза ва исбот каби мантиқ илми қоидаларини чуқур ўзлаштиришлари лозимлигини қатъий талаб қилганлар. Шунинг учун педагог ўқитувчилар ўз фикрлари ва туйғуларини ўқувчилар ҳамда тингловчилар тафаккури ва онгига чуқур сингдира олганлар ва кескин таъсир ўтказганлар. Ҳар бир педагог ўзларининг нотиклик санъати устида тинимсиз машғулотлар олиб борганлар, сеҳрли овоз соҳиби бўлиш учун нутқ техникасининг барча қонуниятларига амал қилганлар. Улар ўз нутқларини мафкуравий ва сиёсий кураш ҳамда ёш авлодни тарбиялаш қуроли деб ҳисоблаганлар.

Машҳур файласуф олим Сукрот (эрамиздан аввалги 469 — 399) ўқувчилар билан савол-жавоб усули орқали таълим-тарбия беришнинг суҳбат методига асос солган. Сукротнинг шогирди Платон ўз устози ғояларини давом эттириб, ўқувчилар билан савол-жавоб усулини нотиклик санъатининг бир шакли сифатидаги аҳамияти чексиз эканлигини баён этади ҳамда уни инсон тафаккури ва онгини, дунёқарашини оғзаки нутқ билан бойитувчи ноёб услуб сифатида баҳолайди.

Юнонистонда ёшларга таълим-тарбия беришда нотиклик санъатининг аҳамиятини ёритиб бериш ҳамда унинг ривожланиши файласуф олим Демосфен (эрамиздан аввалги 384—322) номи билан узвий боғланган. У ёшлик йиллариданоқ нотиклик санъатига қизиқди. Туғма дудуқ бўлишига қарамасдан, ўқувчи ва тингловчиларнинг истехзоларига бардош бериб, қизгин ва шиддатли меҳнати билан нотиклик маҳоратини намоёиш эта олган. Барча дунёвий билимларни фақат нотиклик санъатининг олижаноб қудрати асосида тингловчилар тафаккурига етказиш мумкин деб таъкидлаган эди файласуф. Фақат Демосфен Юнонистонда нотиклик санъатининг етук намоёнчаси, яъни элитаси сифатида машҳур бўлди. У давлат трибунасини сиёсий ва мафкуравий кураш майдонига айлантирди.

Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини такомиллаштириш тўғрисидаги муаммолар европа олимлари Я. А. Коменский, Джон Локк, Г. Песталоцци, А. Дистерверг, К. Д. Ушинский кабиларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Жумладан, чех олими, машҳур педагог Я. А. Коменский ўқитувчининг энг муҳим хусусиятлари қаторига болаларни севиши, юксак ахлоқи, билимдонлиги, иқтидори, қобилияти кабиларни киритади ва уларнинг моҳиятини атрофлича тавсифлаб беради.

Ян Амос Коменский ўз даврида ўқитувчиларнинг бола дунёқарашини ривожлантиришдаги ролига юқори баҳо бериб, ўқитувчилик «ер юзидаги ҳар қандай касбдан кўра юқорироқ турадиган жуда фахрли касб» эканлигини айтади. Муаллифнинг фикрича, ўқитувчи ўз бурчларини чуқур англай олиши

ҳамда ўз кадр-қимматини тўла баҳолай билиши зарур. Я.А.Коменский ўқитувчи образини тасвирлар экан, унинг шахсида қуйидаги фазилатлар намоён бўлиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди: виждонли, ишчан, саботли, ахлоқли, ўз ишини севувчи, ўқувчиларга меҳр билан муомала қилувчи, уларда билимга ҳавас уйғотувчи, ўқувчиларни ўз ортидан эргаштирувчи ва диний эътиқодни шакллантирувчи.

И.Г.Песталоцци ўқитувчининг касбий сифатларига баҳо бериш билан бирга, асосан унинг таълимни такомиллаштиришдаги роли ҳамда фан асосларини эгаллашдаги аҳамияти ва вазифаларига тўхталиб ўтади.

А. Дистерверг ўқитувчининг таълимдаги ролига юқори баҳо бериб, у ўз фаолиятини чуқур билиб, педагогик маҳоратини ошириб бориши ўқувчиларни қалбдан ёқтириши натижасида юзага келади деб уқтиради. Ўқитувчи таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини, қобилиятини, фаолиятини мукамал билиши учун муайян даражада психологик билимларга ҳам эга бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтган.

Педагог олим Джон Локк ўқитувчи психологиясининг энг муҳим жиҳатларини ишлаб чиққан. Улар орасига мўътадиллик, ғайрат-шижоатлилик, эҳтиёткорлик каби ҳислатларни киритиб, ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги ролини асарларида ёритиб берган.

А.И.Герцен, Л.Н.Толстой, И.Г.Чернишевский, К. Д.Ушинский каби рус педагог олимлари ғарб мутафаккирлари ғояларининг ворислари сифатида мазкур муаммоларга ўз мулоҳазаларини билдирганлар.

Таникли рус педагоги К.Д.Ушинский таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг роли ва шахсига юқори баҳо бериб, ўқитувчи касбига оид илмий мулоҳазаларида ҳеч бир Қонун ёки Программа, таълим-тарбия тўғрисидаги метод ёки тамойиллар ўқитувчи шахсининг педагогик фаолиятдаги маҳорати ўрнини боса олмайди деб ҳисоблайди.

К.Д.Ушинский ўқитувчи маънавияти ва касбий фаолиятига юқори баҳо беради ҳамда уларнинг касбий малакаларини доимий равишда такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги ғояни илгари суради. Мазкур ғоянинг ижтимоий аҳамиятини тасдиқловчи тизим – ўқитувчиларни қайта тайёрловчи курслар тизимини ташкил этишни у илк бор асослаб берган.

Ўқитувчида педагогик маҳоратни шакллантиришнинг илмий – назарий асослари педагог олим В.А. Слостёнин томонидан ҳам тадқиқ қилинган. У касбий – педагогик тайёргарлик, ўқитувчининг шахси ва касбий шаклланиш йўналиши ва бунда педагогик маҳорат тўғрисида сўз юритиб, шундай ёзади: “Ўқитувчи мунтазам равишда педагогик назарияларга таянсагина, ўқитувчилик маҳоратини эгаллайди. Чунки, педагогик амалиёт доимий равишда педагогик

назарияга мурожаат қилишни тақозо этади. Биринчидан, илмий назариялар – тараққиётнинг умумий қонуниятлари, тамойиллари, қоидаларини акс эттирувчи илмий билимлардир, амалиёт бўлса, доимо аниқ вазиятга асосланади. Иккинчидан, педагогик фаолият – фалсафа, педагогика, психологияга оид билимлар синтезига асосланувчи яхлит жараёндир. Бу билимлар синтезисиз педагогик амалиётни мақсадли қуриш жуда мушкул”<sup>1</sup>. Демак, ўқитувчидан нафақат педагогик маҳоратни мукамал эгаллаш талаб этилади, балки педагогик амалиётни тўғри ва мақсадли ташкил қилиш учун чуқур илмий – назарий маълумотларга ҳам эга бўлиш лозим.

Буюк рус адиби Л.Н.Толстой ўқитувчи фазилатининг мукамаллигини ўз мутахассислигига нисбатан ижобий муносабатда бўлиши билан бир вақтда болаларга бўлган муносабатида, уларни худди ўз фарзандларидек жон-дилидан севишида эканлигида кўрган. Маълумки, педагогик маҳорат тизимида ўқитувчининг педагогик назокати (одоби) муҳим мавқега эга. Ўқитувчи назокатсиз, касб одобисиз юксак чўққилар сари одимлай олмайди. Масалага шу нуқтаи – назардан ёндашилганда, муаллифнинг сўзлари, ўқитувчи педагогик маҳоратига қўйилган талабларга мос ва ҳамоҳангдир.

Шундай қилиб, европа мутафаккирлари ўз илмий асарларида ўқитувчининг бир қатор муҳим фазилатлари ҳақида фикр юритганлар. Буларнинг қаторига қуйидаги фикрларни алоҳида қайд этиш лозим: ўқитувчининг ҳар томонлама баркамол бўлиши, ўзининг юксак ҳислатлари ва ҳис-туйғулари билан бошқа касбдаги кишилардан ажралиб туриши, болалар руҳиятига осон кира олиш қобилияти, дарсларни ўзлаштиришда орқада қолганлар билан индивидуал ишлар олиб бориш, ўқувчилар диққатини ўзига қаратиш маҳорати, мустақил ишлаш ва ўз маҳоратини, малакасини ошириш, педагогик-психологик одоб (такт)га эга бўлиш, нотиклик санъатини пухта билиш кабилардир. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари томонидан таҳлил қилинган ўқитувчи касби ҳақидаги кўпгина мулоҳазалар ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда, демак, миллати ва келиб чиқишидан қатъий назар аждодлар ғоясини такомиллаштириш эвазига таълимни юксак босқичларга кўтариш мумкин.

### **3. Ҳозирги даврда ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш**

Барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар самараси янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали кадрларга

<sup>1</sup> Педагогика: Учеб. пособие для студентов пед. институтов /Под ред. Ю.К. Бабанского. – М: Просвещение, 1983, 600-бет.

боғлиқ. Кадрларни тайёрлаш эса аввало ўқитувчи-мураббийлар зиммасига юклатилган. Шу сабабли, чуқур билимга эга бўлган, замонавий ўқитувчи-кадрлар тараққиётимизнинг муҳим омили сифатида қаралиб келинмоқда. Ўқитувчиларимиз бугунги замон талабларига мос билимлар соҳиби, янгиланган таълим мазмунини эгаллаган бўлишлари керак. Ўқитувчи ходимлар ўзларининг касб-кўникмалари ва муаллимлик маҳоратларини доимо такомиллаштириб боришлари шарт.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалиётга татбиқ этиш, Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақиятини таъминлаш, таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқариш усталарининг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига боғлиқдир.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб фаолият жараёни бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук намоёндалари жалб этилган. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб бугунги кун ўқитувчиси шахсига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни англанилади. Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши зарур? Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ушбу муаммо бўйича кўплаб педагог ва психолог олимлар ўз фикр ва мулоҳазалари билан чиқдилар. Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини миллий анъана ва урф-одатларимиздан, қадриятларимиздан келиб чиқиб янада такомиллаштириш, уларнинг педагогик фаолиятини ҳозирги замон талаблари даражасида янада такомиллаштириш учун методик қўлланмалар, тавсияномалар пайдо бўлди. Ҳозирги кунда ҳам ушбу муаммо бўйича илмий изланишлар, илмий тадқиқотлар давом этмоқда.

XXI асрга келиб ўқитувчининг вазифаси янада такомиллашиб бормоқда. Эндиликда глобал ўзгаришлар, фан-техника ва ахборот-коммуникация технологияларининг кун сайин ривожланиб бориши ўқитувчидан юксак маҳоратни, ўткир иродани, психологик қувватни, чуқур билим ва мулоҳазали бўлишни талаб қилади.

Ўқитувчи педагогик, психологик ва мутахассислик йўналишлари бўйича махсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга ва таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахсдир. Ушбу нуқтаи назардан қуйидаги бурч ва масъулиятлар улардан талаб қилинади:

1. Ўқитувчи энг аввало масъулиятни ҳис этувчи тарбиячи, тажрибали нотик, маданият ва маърифат тарғиботчисидир.

2. Ўқитувчи табиатан таълим олувчиларни сева олиши, ўз меҳрини, ҳистуйғуларини ҳар лаҳзада таълим олувчилар ички дунёси билан боғлай олиши, уларнинг ҳам меҳрига, хурматига сазовор бўлиши керак.

3. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ва уларга холисона баҳо бериб, бу борада таълим олувчиларга тўғри, асосли маълумотларни доимий бера олиши лозим.

4. Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва ахборот технологиялари янгиликларидан ва ютуқларидан хабардор бўлиб бориши талаб этилади.

5. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур ва пухта билимга эга бўлиши, барча фанлар интеграциясини ўзлаштириб бориши, бунда ўз устида тинимсиз илмий изланишлар олиб бориши лозим.

6. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиши, ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим-тарбия фаолиятини ташкил этиши керак.

7. Ўқитувчи касбий педагогик фаолиятида таълим ва тарбиянинг энг самарали замонавий шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

8. Ўқитувчи ижодкор, таълим-тарбиявий фаолият ташаббускори ва ёш авлод келажаги учун жавобгар шахсдир.

9. Ўқитувчи касбий фаолияти жараёнида юксак даражадаги педагогик маҳорат, коммуникатив лаёқати, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, такт) қоидаларини чуқур ўзлаштириб бориши шарт.

10. Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши зарур.

11. Ўқитувчининг кийиниш маданияти ўзига хос бўлиши, яъни содда, озода, бежирим кийиниши, таълим-тарбия жараёнида таълим олувчиларнинг диққатини тез жалб этувчи турли хил безаклар (олтин, кумуш тақинчоқлар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз қиёфаси, ҳатто, соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийиниши талаб этилади.

12. Ўқитувчи таълим муассасасида гуруҳ жамоасининг асосий ташкилотчиси ва таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг фаол иштирокчисидир.

13. Ўқитувчи педагогик мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси эканлигини унутмаслиги шарт. Шунинг учун касбий фаолиятида ўзида бир қатор педагогик сифатларни таркиб топтириб бориши зарур.

14. Ўқитувчи энг аввало, мулоҳазали, босиқ, ҳар қандай педагогик вазиятни тўғри баҳолай оладиган ҳамда мавжуд зиддиятларни бартараф этишнинг уддасидан чиқа олиши керак. Мулоқот жараёнида ўқитувчининг

сўзларидан суҳбатдошига нисбатан хайрихоҳлик, самимийлик, дўстона муносабат, яхши кайфият сезилиб турсин.

Ҳозирги шароитда жамиятнинг ўқитувчилик касбига нисбатан қўяётган талаблари кун сайин ортиб бормокда ва бу талабларни амалда тўғри ташкил қилиш вазифаси ўқитувчига боғлиқ.

Ижодий фаолият олиб борувчи ўқитувчи фақатгина таълим олувчиларни муваффақиятли ўқитиш ва тарбиялаш, илғор ўқитувчилар иш тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб қолмасдан, тадқиқотчилик кўникма ва малакаларига ҳам эга бўлиши зарур. Ҳозирги замон ўқитувчиси фан ва техника тараққиётининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиши, ўз касбий фаолиятида янги педагогик технологияларни унумли қўллаш олиши тақозо этилади.

**4. Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият ва унинг ўзига хос хусусиятлари.**

Қобилият – шахснинг индивидуал-психологик хусусияти бўлиб, муайян фаолият юзасидан лаёқати ва ишни муваффақиятли амалга ошириш субъектив шарт–шароитини ифодаловчи индивидуал психик

сифатлар йиғиндисида айтилади, зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш динамикасидаги фарқларни аниқлайди. Қобилиятлар индивидуал-психологик хусусият бўлгани сабабли, шахснинг бошқа сифатлари ва хусусиятларига, яъни ақл сифатларига, хотира ва характер хусусиятларига, ҳис-туйғуларига қарама-қарши қўйилмайди, балки улар билан бир қаторга қўйилиши керак.

Қобилиятни инсон туғма, табиат инъоми сифатида тайёр ҳолида олмайди, балки ҳаётий фаолияти давомида шакллантиради.

Говард Гарднер қобилиятларни интеллектлар тўплами деб атади ва унинг еттита жиҳатини ажратиб кўрсатди. Биз интеллектнинг ушбу жиҳатларидан олтитасини ўқитувчи педагогик маҳоратини такомиллаштириш нуқтаи назаридан таҳлил қилишимиз мумкин. Психолог олим Ольга Матвеева ушбу жиҳатларни психологик технология билан кучайтириб модификациялайди ва ўқитувчининг касбий фаолиятида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, қуйидаги қобилиятларни кўрсатиб ўтади:

1. Мулоқот қилиш (коммуникатив) қобилияти: *Ўқитувчининг дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда гуруҳда ижобий руҳий иқлим ярата олиши.*

2. Воқеаларни олдиндан кўра олиш қобилияти: *ушбу қобилият тури ҳар бир ўқитувчининг сергаклигида, таълим олувчиларнинг руҳиятини, ички дунёсини кўра олишида намоён бўлади. Шунда ўқитувчи ким нимага қодир эканлигини олдиндан башорат қила олади.*

3. Эшитиш ва ҳис қилиш қобилияти: *Бундай қобилиятга эга бўлган инсонлар муסיқани севишади, оҳангни яхши ҳис қилишади, декламация асосида яхши ўқишади, эшитган нарсасини хотирада сақлайди, айниқса шеър ва қўшиқларни севиб тинглайди.*

4. Кинестетик (тери-мускул) қобилият: *ўқитувчининг ўз ҳатти ҳаракатларини мувофиқлаштириш қобилияти, ҳаракат оҳангини ҳис қилиб йўналтиради, вақтни, ҳаракат суръатини ҳис қилиш, маиший қулайликларни ярата олиш,, ҳаёт марҳаматларидан роҳатланиш.*

5. Мантикий қобилият: *мулоҳаза юритишини, рақамларни, математикани, мураккаб масалаларни севиш, сабабият ва натижаларни тушуниш малакаси, воқеликда асосийни иккинчи даражалисидан ажрата олиш;*

6. Шахсинг ички қобилияти: *ўз-ўзини билиш, тушуниш ва ҳис қилиш қобилияти. Эркин шахсда қўрқув ёки ноэркинлик туйғуси камдан-кам ҳолда бўлади.*

Қобилият ўқитувчининг индивидуал имкониятларини характерлайди. Бир хил шароитда қобилиятли ўқитувчилар ўз фаолиятларида ҳам қобилияти паст кишиларга қараганда кўпроқ ютуқларга эришадилар.

Қобилият шахсинг ҳам умумий, ҳам махсус ривожланишида тезроқ силжиб боришини, унинг ижрочилик ва ижодкорлик фаолиятларида энг юқори натижаларга эришишини таъминлайди. Қобилиятли киши мутахассисликни тез эгаллай олади ва юқори маҳоратга эришади ҳамда ишлаб чиқариш, фан ёки маданиятга янгилик кирита олади.

Қобилият билимдан фарқ қилади. Билим – бу илмий мутолаа натижасидир, қобилият эса инсоннинг психологик ва физиологик тузилиши хусусиятидир. Қобилият билим олиш учун зарурий шарт-шароит бўлиб, шу билан бирга, у маълум даражада билим олиш маҳсулидир. Умумий ва махсус билимларни ўзлаштириш, шунингдек, касбий маҳоратни эгаллаш жараёнида қобилият мукаммаллашиб ва ривожланиб боради.

Қобилиятга яқинроқ турадиган тушунчалар кўникма ва малакалардир. *Кўникмалар* – ўқитувчининг касбий фаолияти жараёнида ҳосил қилинган тажриба ва билимлар асосида бажариладиган ишнинг мукаммал усулидир. *Малакалар* – ўқитувчининг онгли фаолиятни бажариши жараёнида ҳосил қилинган касбий интеллектуал фаолиятнинг автоматлашган компонентлари йиғиндисидир.

Улар ўқитувчи касбий фаолияти механизмининг асосини ташкил қилувчи жараёнлардир, улар қобилият билан биргаликда педагогик маҳоратга эришишни таъминлайдиларки, бунинг натижасида ўқитувчи касбий фаолиятида улкан ютуқларни қўлга киритади. Қобилиятли, аммо ношуд ўқитувчи кўп нарсага эриша олмайди. Қобилият кўникма ва малакаларда рўёбга чиқади.

Дарҳақиқат, қобилиятли кишининг кўникма ва малакалари кўп қиррали ва мукаммаллашган бўлади. Кўникмаларни умумлаштириб **моҳирлик** ҳам деб атайдилар. Моҳирлик ҳам қобилиятнинг ўзгинасидир. Демак, қобилият кўникма ва малакаларнинг пайдо бўлиш жараёнида шаклланади.

Педагогикада ўқитувчи қобилияти – бу имкониятдир, унинг моҳирлиги зарурий даражаси фақатгина ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида такомиллашиб боради ва ютуқларга эришишида замин яратади. Туғма қобилиятлар зехн дейилади. **Иқтидор, истеъдод, даҳолик** – инсоннинг ижодий фаолияти жараёнида эришиладиган қобилиятларнинг ривожланиш босқичлари ҳисобланади. Қобилиятлар, характер каби, - шахснинг фақатгина маълум фаолиятидагина мавжуд бўлган сифатларидир.

Психологияда қобилият – инсоннинг касбий билим, кўникма ва малакаларни қийинчиликсиз, осонлик билан мукаммал эгаллаши ва бирор фаолият билан муваффақиятли шуғулланишига айтилади. У ўқитувчининг касбий фаолиятида ҳам ёрқин намоён бўлади.

Касбий фаолиятнинг таълим мазмунини белгиловчи сифатлари ўқитувчининг ижодкорлигида намоён бўлади. Ижодкорлик – бу сифат жиҳатидан янги, оригинал ва такрорланмас бирор янгиликни пайдо қилувчи фаолиятдир.

**Маҳсулдор** ижодкорликда белгиланган ҳар қандай муаммо муваффақиятли ҳал қилинади; ижод қилишга лаёқатли бўлган ўқитувчиларнинг асосий қисмида бу жиҳатлар намоён бўлади.

**Эвристик** ижодкорлик, жамиятда рўй бераётган касбий фаолиятга оид янгиликларни дадил ўзлаштириш ва тарғиб қилишни англатади, яъни унинг асосида ғоялар (фаразлар) ҳосил қилиш жараёнини интенсификация қилиш ва уларнинг ҳақиқатга яқинлигини (эҳтимоллигини, ишончлилигини) изчил амалга ошириш ва бунда янги ҳолатда дадил ҳаракат қилиш қобилияти, фикрлаш жараёни асосида тафаккурни ривожлантириш кузатилади.

**Креатив** ижодкорликда ўқитувчи ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янги назарияларни яратади, ўз фикрлари ва таклифлари билан чиқади, моҳир ва тажрибали, лаёқатли ўқитувчиларгина бунга эришиши мумкин.

Табиий анатомик-физиологик лаёқат нишонлари қобилиятларнинг физиологик асосини ташкил этади. Кейинчалик қобилиятга айланадиган лаёқат нишонларининг мажмуи инсоннинг истеъдоди дейилади.

Инсондаги билиш ва лаёқат нишонлари жараёнларининг йиғиндиси, истеъдодининг юксак чўққиси – унинг интеллектини белгилайди. “Интеллект – бу ақлан иш кўриш, рационал фикрлаш ва ҳаётий муаммоларни моҳирона ҳал қилишнинг глобал қобилияти” (Векслер), яъни интеллект инсоннинг атроф муҳитга тўлиқ мослаша олиш қобилияти деб қаралади.

Интеллектнинг таркибий тузилиши олимлар томонидан қуйидагича таърифланади:

*1- чизма. Интеллектнинг асосий сифатлари.*



Бирок, кишидаги табиий лаёқат нишонлари мукамал касбий фаолиятнинг муваффақиятли олиб борилишини таъминламайди. Киши ўзидаги лаёқат нишонларини доимий равишда ривожлантириб бориши керак, бу эса фақат шижоатли касбий фаолият жараёнида амалга оширилиши мумкин.

**Ўқитувчи педагогик қобилиятини ривожлантириш функциялари.**

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да баркамол, эркин фикрловчи шахсни тарбиялаш ҳамда комил инсон ғояси – миллий ва умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзодга хос энг юксак маънавий эзгуликка ундайдиган олийжаноб ғоя сифатида улуғланган. Мазкур ғояни ёш авлод онгига сингдиришда ўқитувчи кадрларнинг роли бекиёс. Бу эса улардан аввало мукамал касб қобилиятига эга бўлишни, билими, маҳорати, илмий назарий ва амалий салоҳиятидан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Педагогик қобилиятлар ўз функциясига кўра **умумий ва махсус** турларга бўлинади. Умумий қобилиятлар мавжуд бўлганда ўқитувчи ўз педагогик касбий фаолиятини мукамал эгаллаб, моҳирона олиб бориш билан бирга, бошқа турли хил фаолиятлар билан ҳам муваффақиятли шуғулланади. Умумий қобилиятга эга бўлган ўқитувчилар таълим-тарбия жараёнида ҳар қандай қийинчилик ва зиддиятларни қийналмасдан бартараф этадилар.



### 3–чизма. Шахс қобилиятлари, табиий истеъдодлар ва уларнинг фарқи.

Ўқитувчининг педагогик қобилиятини таҳлил қилган Н.В. Кузьмина шундай ёзади: “Таълим – тарбияда рўй берадиган кўпгина камчиликлар ўқитувчи ўз педагогик қобилиятининг амалий йўналишларини яхши билмаслиги, истеъдоднинг ўқитувчида йўқлиги натижасида рўй беради”.

Махсус қобилиятга эга бўлган ўқитувчилар фақат ўзлари эгаллаган касбий йўналишлари бўйича муайян фаолият билан муваффақиятли шуғулланадилар.

**Бирор фаолиятнинг муваффақиятли, мустақил ва мукамал бажарилишини таъминлайдиган ноёб қобилиятлар бирикмаси талант дейлади.**

Барча мутахассисликларда бўлгани каби ўқитувчилик касбида ҳам педагогик қобилият – унинг шахсий истеъдод хусусиятларини белгилаб, касбий фаолият турини муваффақиятли амалга оширишда субъектив шарт - шароитлар яратади.

Ҳар қандай қобилият – шахсга тегишли бўлган мураккаб тушунчадир, у фаолиятнинг талабларига мос хусусиятлар тизимини ўз ичига қамраб олади.

Ҳар қандай фаолият ҳам мураккаб бўлиб, у кишига турли-туман талаблар қўяди. Агар шахс хусусиятлари тизими шу талабларга жавоб бера олса, киши фаолиятни муваффақият билан амалга оширишда ўз қобилиятини кўрсата

олади, агар хусусиятларидан қайси бири ривожланмаган бўлса, шахс меҳнатининг муайян турига нисбатан кам қобилиятли, деб характерланади.

**Мана шунинг учун ҳам қобилият деганда бирорта хусусиятнинг ўзини эмас, балки инсон шахсининг фаолият талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлай оладиган хусусиятлар ансамбли ёки синтезини тушуниш лозим.**

Ўқитувчи қобилиятини ўрганишда хусусиятлар «ансамбли» иборасини биз шунинг учун ҳам ишлатамизки, бунда хусусиятларнинг оддийгина биргаликда мавжуд бўлишини эмас, балки уларнинг узвий боғланган бўлишини, муайян тизимда ўзаро таъсир қилишини кўзда тутаямиз. Бу тизимда хусусиятлардан бири олдинги ўринга чиқиб, етакчи хусусиятга эга бўлса, айти вақтда бошқалар учун ёрдамчи хусусиятлар ролини ўйнайди.

Ўқитувчининг педагогик маҳоратни такомиллаштиришида қобилият билим олиш ва малака ҳосил қилишни таъминлайди. Қобилиятли кишининг юқори унумли меҳнати уни моддий ҳаёт даражаси билан таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, қобилиятли ўқитувчига педагогик фаолият ва меҳнат энгилроқ бўлади ва у камроқ чарчайди, чунки сеvimли меҳнати унга хузур-ҳаловат бағишлайди.

Қобилият билим, кўникма ва малакалар маҳсули, шу билан бирга фаолият усуллари эгаллаш тезлиги, теранлиги ва мустаҳкамлигида намоён бўлади. Қобилият касбий фаолият жараёнида сайқалланиб боради. Бунинг учун ўқитувчида лаёқат, зеҳн ва қизиқиш бўлиши керак.

### **Педагогик қобилиятнинг асосий сифатлари ва хусусиятлари.**

Педагогик–психологияда ўқитувчи қобилиятининг чекланган турлари йўқ. Педагогик қобилият турлари фаннинг, жамиятнинг ривожланишига қараб кўпайиб ва ўзгариб туриши мумкин. Фалсафада қобилият узоқ вақтгача “ўзгармас ирсият” наслдан – наслга ўтувчи жараён сифатида талқин этилган. Олимларнинг узоқ йиллар олиб борган илмий-тадқиқотлари ва кузатишлари натижасида педагогик қобилиятнинг қуйидаги асосий сифатлари ажратиб кўрсатилган:

1. Ўз касбига мухаббат, ўқувчиларни сева олиши.
2. Ўз мутахассислик фанини яхши билиши, унга қизиқиши.
3. Педагогик тактга (одоб ва гўзалликка) эга бўлиш.
4. Болалар жамоасига сингиб кета олиш.
5. Ўз меҳнатига ижодий ёндашиш.
6. Жавобгарликни ҳис этиш.
7. Тарбиявий билимларни эгаллаганлиги.

Ўқитувчи фаолиятидаги педагогик қобилиятнинг ўзига хос тизимлари мавжуд. Қобилиятлар тизими қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилинади:

- асосий хусусиятлар;
- таянч хусусиятлар;
- етакчи хусусиятлар;
- ёрдамчи хусусиятлар.

Педагогик қобилиятлар фақат педагогик фаолиятнинг самарали бўлишини ва шарт-шароитини ифодаласдан, балки кўп жиҳатдан муваффақиятли ишлашнинг натижаси ҳамдир. Педагогик қобилиятда ўқитувчининг ўзаро фикр алмашуви билан боғлиқ хусусиятлари асосий рол ўйнайди. Қуйидаги педагогик қобилиятнинг **асосий хусусиятлари** ўқитувчининг юксак педагогик-психологик билимлари натижасида доимий шаклланиб боради:

Коммуникатив қобилият: ўқитувчининг педагогик жамоа ва ота-оналар, маҳалла аҳли билан бўладиган ўзаро мулоқотида уларнинг руҳий ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдард бўлиш, мулоқотга киришишида пок кўнгиллик. Ўқитувчи бунда психологик билимларга эга бўлиши, муомала маданиятини мунтазам ўзида шакллантириб бориши лозим.

Перцептив қобилият: ташқи оламни ва муҳитни сезиш, идрок этиш, яъни кузатувчанлик муҳим рол ўйнайди. Ўқитувчининг шижоати натижасида ривожланади, такомиллашади. Ўқитувчи ўқувчининг психологиясини, психик ҳолатини ўзига сингдириб идрок этади, синф жамоасининг ҳолатига педагогик вазиятига одилона баҳо беради.

Эмпатик қобилият: болаларга бўлган муҳаббатдан келиб чиқадиган ўқувчиларнинг ҳис-туйғусини, психологик ҳолатларини қалбдан ҳис этиш, тушуниш, идрок этиш, уларга ачиниш хусусиятларидир.

Таълим жараёнини муқобиллаштириш қобилияти: ўқитувчи ўз билимини ўқувчи онги ва тафаккурига кам куч сарфлаш эвазига етказа олиши, таълим ва тарбияда белгиланган муддатда мақсадга эришиш қобилиятидир.

Дидактик қобилият: ўқувчилар билан мулоқот қилишда, педагогиканинг таълим ва тарбиявий қонуниятларини ҳамда методларини чуқур ўзлаштирган ҳолда самарали дарс бериш қобилиятидир. Шунингдек, дарс педагогик технологиялар асосида жаҳон андозаларига, ҳозирги замон талабларига жавоб бериши керак.

Ташкилотчилик қобилияти: педагогик қобилиятнинг таркибий қисмидир. У синф ўқувчиларининг ўқитувчи томонидан турли жамоат ишларига, тўғарақларга жалб қила олишида, синф жамоасининг ҳар бир ўқувчига фаол вазиятни таъминлаб беришида намоён бўлади.

Конструктив қобилият: ўқитувчининг ўқув–тарбиявий фаолиятни пухта режалаштириши асосида юзага келадиган касбий педагогик вазият босқичларини олдиндан кўра олиши.

Билиш қобилияти: ўқитувчининг ўз фанини ва бошқа фанларни чуқур билишида, ўзлаштиришида намоён бўлади.

Англаш (тушуниш) қобилияти: ўқитувчининг зийраклигида, воқеа ва ходисаларга адолатли муносабатда бўлиши.

Педагогик қобилиятларнинг **таянч хусусиятлари** кузатувчанлик – кўра билиш кўникмасидир. Бу – индивидуал нарсанинг ўзига хос томонини, ижодий фаолият учун бошланғич материални кўра билиш демакдир. Рассомнинг кузатувчанлиги, табиатшунос олимнинг кузатувчанлигидан фарқ қилиши ўз-ўзидан равшан. Уларнинг кузатувчанлиги турлича йўналишда бўлганлиги сабабли, уларнинг ҳар бири ўз тафаккури ва дунёқарашига эга.

Қобилиятнинг **етақчи хусусияти** ижодий тасаввур қилишдир. Бу хусусият фақат рассомга, математика ўқитувчисига, адабиётшуносга хос бўлмасдан, балки айнан барча фан ўқитувчиларига ҳам тегишли.

Ҳар қандай касб сирларини мукамал эгаллаш учун қобилият керак. Педагогик қобилият соғлом ўқитувчидагина шаклланади. Бироқ у юқори, ўртача ва паст даражада бўлиши мумкин. Ушбу турли даражадаги қобилиятларда мужассамлашган ҳислатлар ва хусусиятлар орасида баъзилари ёрдамчи рол ўйнайди.

Педагогик қобилиятлар тизимига кирадиган **ёрдамчи хусусиятлар** ва ҳислатлар қуйидагилардан иборат:

- ақл–идрокнинг муайян турлари, ҳозиржавоблик; камчиликларга танқидий эътибор, собитқадамлик;
- ўқитувчининг нутқи: нотиклик санъати, сўз бойлигининг теранлиги;
- актёрлик хусусияти: мимика ва пантомимика, хаёлий фантазия ишлата олиш, руҳий ҳиссиётни жиловлай олиш.
- педагогик такт ва педагогик назокатга эга бўлиш.

?	<b>НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:</b>
---	---

1. “Педагогик маҳорат” тушунчасининг мазмун моҳиятини тушунтиринг.

2. “Педагогик маҳорат» тушунчасига “Педагогик энциклопедия”да берилган турлича таърифларга изоҳ беринг.

3. “Ўқитувчининг педагогик маҳорати” тушунчаси мазмунини изоҳланг.

4. Ўқитувчининг педагогик фаолияти самарали бўлиши учун зарур бўлган қобилиятлар тизими ҳақида маълумот беринг.
5. Педагогик маҳоратнинг **асосини ташкил** этувчи тўртта компонентни тушунтиринг.
6. Ўқитувчининг касбий педагогик тайёргарлиги бўйича йўналишлари ҳақида маълумот беринг.
7. Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини такомиллаштириш тўғрисида Юнонистон ва Европа олимларининг фикрларини айтинг.
8. Шахс қобилиятлари, табиий истеъдодлар ва уларнинг фарқи ҳақида гапиринг.
9. Моҳирлик, туғма қобилият, зеҳн тушунчаларини изоҳланг.
10. Иқтидор, истеъдод, даҳоликни – инсоннинг ижодий фаолияти жараёнида эришиладиган қобилиятларнинг ривожланиш босқичлари сифатида изоҳланг.
11. Ўқитувчининг касбий фаолиятига қобилият қандай аҳамият касб этади?
12. Кўникма ва малакаларнинг қобилиятга таъсири нимада?
13. Ижодкорлик тушунчасини изоҳлаб беринг?
14. Истеъдод ва талант тушунчаларига таъриф беринг?
15. Қобилиятга педагогик – психологик нуқтаи назардан тавсиф беринг?
16. Шахс қобилияти ва табиий истеъдодлар нимани англатади?
17. Педагогик қобилиятнинг асосий сифатлари нималардан иборат?
18. Қобилиятнинг умумий ва махсус турлари ва уларнинг фарқи?
19. Педагогик қобилиятнинг ўзига хос хусусиятларига таъриф беринг?
20. Педагогик қобилиятнинг таянч ва етакчи хусусиятлари?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Исаев И.Ф. Профессионально-педагогическая культура преподавателя: Учебное пособие для вузов / И. Ф. Исаев. – М.: Академия, 2002.
2. Холиқов А.А. Педагогик маҳорат. Дарслик. –Т.: Тафаккур бўстони, 2011.
3. Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, Curriculum and Culture. – Routledge, USA, 2012.
4. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
5. Очилов М. Муаллим қалб меъмори. – Т.: Ўқитувчи, 2000.

## 2 - МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА - ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА

### РЕЖА:

1. Педагогик техника ҳақида маълумот.
2. Нутқ техникаси ва унинг ўзига хосликлари.
3. Мимика ва пантомимиканинг ўқитувчи педагогик маҳоратида тутган ўрни.
4. Педагогик фаолиятда актёрлик ва режиссёрлик маҳорати
5. Педагогик техникани эгаллаш йўллари

**Таянч тушунчалар:** Педагогик техника, нутқ техникаси, мимика, пантомимика, жестикуляция, актёрлик ва режиссёрлик маҳорати, диққат, кузатувчанлик, ҳаёл, нафас олиш, овозни бошқариш, нутқ темпи, дидактик, ташкилотчилик, конструктив, коммуникатив қобилиятлар.

#### 1. Педагогик техника ҳақида маълумот

**Педагогик техника** – ўқитувчининг нафақат таълим–тарбия жараёнида, балки бутун касбий фаолиятида зарур бўлган умумий педагогик билим ва малакалари мажмуидир. Педагогик техниканинг муҳим жиҳатлари – бу аввало ўқитувчининг маҳоратини белгиловчи касбий кўникмалари ҳисобланади, яъни унинг саводли ва ифодали сўзлай олиши, ўз фикр-мулоҳазасини ва билиминини тушунарли тилда таъсирчан баён қилиши, ҳис-туйғусини жиловлай олиши, ўзининг шахсий хусусиятларига хос мимик ва пантомимик қобилиятларга эга бўлиши, аниқ имо-ишора, маъноли қараш, рағбатлантирувчи ёки истехзоли табассум, сўзнинг чексиз кудрати орқали ўқувчилар онгига ва тафаккурига таъсир ўтказиши, ҳозиржавоблик, психологик билимларга эга бўлиши кабилардир.

Ўқитувчининг педагогик техникаси қандай кўникма ва малакалардан иборат эканлиги, педагогик техника воситасида ўқитувчи таълим муассасаларида таълим-тарбиявий фаолиятни замонавий талаблар асосида қандай ташкил қилиши, таълим олувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатишида қандай аҳамиятга эга эканлиги каби муаммолар ҳозирги кунгача дунё олимларининг диққатини ўзига жалб этиб келмоқда.

Ҳозирги кунда педагогик техника тушунчаси иккита гуруҳга бўлиб ўрганилади. Биринчи гуруҳ компонентлари ўқитувчининг шахсий ахлоқий фазилятлари ва хулқи билан боғлиқ бўлиб, таълим–тарбия жараёнида ўз–ўзини бошқариш малакаларида ( рефлексия) намоён бўлади:

- таълим-тарбия жараёнида ўз хатти-ҳаракатларини бошқариши (мимика, пантомимика);

- таълим-тарбия жараёнида ўз ҳиссиётини ва кайфиятини жиловлай олиши ва турли ножўя таъсирларга берилмаслик;

- мукамал ижтимоий персептив қобилиятларга (диққат, кузатувчанлик, хаёл) эгалиги;

- нутқ техникасини (нафас олиш, овозни бошқариш, нутқ темпи) билиши ва ўз ўрнида қўллай олиши.

Педагогик техниканинг иккинчи гуруҳ компонентлари ўқитувчининг шахс ва жамоага таъсир кўрсатиш малакалари билан боғлиқ бўлиб, бу гуруҳ таълим-тарбия жараёнининг технологик томонини қамраб олади:

- ўқитувчининг дидактик, ташкилотчилик, конструктив, коммуникатив қобилиятлари;

- маълум бир режа асосида ўз олдида қўйилган талабларнинг бажарилишини назорат қилиши;

- таълим муассасасида ва ўқувчилар жамоасида таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган ижодий фаолиятни ташкил эта олиши;

- ўқувчилар билан педагогик мулоқот жараёнини бир мувозанатда сақлаб бошқара олиши.

Ўқитувчининг тарбияланувчи объектлар олдида ўз ҳаракатларини бошқаришида актёрлик санъатига хос бўлган хусусиятлари, яъни мимик ва пантомимик қобилиятлари муҳим рол ўйнайди. Актёр бир образни маълум бир муддатда тайёрлаб, бир ёки бир неча маротаба бир хил кўринишда сахнада намойиш этса, ўқитувчи бутун ўқув йили давомида, ҳар бир дарсда янги мавзунини ўтилган мавзулар билан боғлаб, замонавий инновацион усуллар воситасида ўқувчилар онгига етказиш учун чуқур тайёргарлик кўради, гуруҳ жамоасидаги ўзига хос педагогик ва психологик муҳитни, ҳар бир таълим олувчининг шахсий хусусиятларини эътиборга олиб педагогик фаолият кўрсатишга мажбур. Бундай улкан масъулиятни юқори савияда бажариш учун ўқитувчидан юксак педагогик техник тайёргарликка эга бўлиш талаб этилади.

Ҳозирги замон ўқитувчиси педагогик маҳорат тизимида педагогик техниканинг ролини беқиёс деб билади. Чунки у ўқитувчига ўз гавдасини тута билиши (мимика, пантомимика), хис-туйғуларини (эмоциясини) бошқара олиши, иштиёқ, қобилиятлар, нутқ техникасини эгаллаши ва уларни ўқув фаолиятида, ўқишдан ташқари таълим ва тарбиявий фаолиятлар жараёнида қўллаш йўллари тушунтиради.

Демак, педагогик техника ўқитувчи касбий фаолиятида шундай касбий ва шахсий малакалар йиғиндисики, у ўқитувчининг педагогик фаолиятига таъсир

кўрсатиши, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш ишларида асосий йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилади.

### **Педагогик техниканинг намоён бўлиш хусусиятлари**

Ўқитувчининг ташқи кўриниши педагогик техникасини намоён этувчи муҳим хусусиятларидан биридир. Ҳар қандай инсоннинг ташқи кўриниши атрофдагиларга эстетик маъно ва завқ касб этиб, доимий эътиборда бўлишини унутмаслик керак. Ўқитувчининг ташқи кўринишини асосан намоёниш этувчи муҳим хусусиятлари унинг чехрасидаги меҳрибонлик, жиддийлик, юришида босиқлик, табиийликдир. Ўқитувчи хонага кириши билан сўзсиз таълим олувчилар эътиборида бўлади, улар билан мулоқотга киришади.

Синф сахнасида бажарилаётган унинг хоҳ ижобий, хоҳ салбий хатти-ҳаракатлари таълим олувчиларга таъсир ўтказа бошлайди. Айниқса, ёш ўқитувчилар илк бор дарсга киришларидан олдин ҳис-ҳаяжонини, кўрқувини енгишлари, ўзларини эркин тутишлари, биринчи дарс пайтида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай муваффақиясизликдан ўзларини йўқотмасликлари лозим.

#### **2. Нутқ техникаси ва унинг ўзига хосликлари**

Педагогик техниканинг таркибий қисмларидан бири ўқитувчининг нутқ малакаларини, яъни саводли гапириш, ўз нутқини чиройли ва тушунарли, таъсирчан қилиб баён этиш, ўз фикр ва ҳис-туйғуларини сўзда аниқ ифодалаш малакаларини эгаллашдан иборат.

Ўқитувчининг нутқ маданиятига эга бўлиши, тўғри нафас олишни ишлаб чиқиши энг катта – энг асосий қийматдир. Оғзаки нутқ маҳоратини юксалтириш, нафақат ҳикоя ва тушунтириш, балки урғу берилган сўз ҳам педагогик таъсир усулларида яхшироқ фойдаланишга имкон яратади.

Педагог ўзининг овози ва кўринишини бошқаришни билиши, ташқи қиёфани, мимикани ушлаб туришни билиши зарур.

“Мен фақат “буёққа кел” сўзини 15-20 хилда гапира олганимдан, юз, ташқи қиёфа ва овозни 20 хил кўринишда бера олганимдан сўнггина ҳақиқий маҳорат эгасига айландим”, - деган А.С. Макаренко.

Ўқитувчининг такомиллашган нутққа эга бўлиши – ўқув материалларининг ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштирилишини таъминлаш гаровидир. Ўқувчилар ўқитувчи нутқига алоҳида эътибор берадилар. Бирор ҳарф ёки товуш нотўғри айтилиши кулгига сабабчи бўлади. Бир хил оҳангдаги нутқ ўқувчиларни тез чарчатади.

Айрим мутахассислар товуш ва унинг тембри туғма хусусият, дейдилар, лекин ҳозирги экспериментал физиология товуш сифатининг ўзгариши мумкинлигини тасдиқлайди. Нутқнинг ифодали, соф бўлиши устида ишлаш

фикрларнинг раво бўлишига таъсир қилади. Нутқ имо-ишора, мимика, ҳаракат билан бирга содир бўлади, узлуксиз ўзини тута билиш таъсирчан воситаларини танлашга муваффақиятли равишда тузатиш киритиб бориш имконини беради.

Бугунги кунда нутқ техникаси бўйича бир неча машқ комплекслари ишлаб чиқилган. Улар, асосан театр педагогикаси тажрибасига асосланган бўлиб, сўзлашиш пайтида нафас олиш, товуш ҳосил қилиш ва уни маъноли ифодалаш малакаларини такомиллаштиради, бу эса ўқитувчига ўз сўзи мазмунини ўқувчиларга янади тўлақонли қилиб етказишга имкон беради.

Нафас олиш организмга ҳаёт бағишловчи физиологик функцияни бажаради. Шу билан бирга у нутқ энергия базаси бўлиб ҳам ҳисобланади. Нутқ сўзлаётганда нафас олиш – фонцион нафас олиш дейилади (ренго-товуш). Кундалик ҳаётдаги нутқ асосан диалог шаклида бўлади. Шунинг учун ҳам нафас олиш ортиқча қийинчилик туғдирмайди. Дарс давомида ўқитувчи жуда кўп гапиради, янги мавзунини тушунтиради, маъруза ўқийди. Нутқ сўзлашда қайси мушакларнинг иштирок этишига қараб нафас олиш 4 турга бўлинади.

Юқори нафас – елкаларнинг кўтарилиб тушиши ва кўкрак қафасининг юқори қисми иштирокида ҳосил қилинади. Бу бўш юзаки нафас бўлиб, унда ўпканинг фақат юқори қисми иштирок этади.

Кўкрак нафас - қовурғалар ўртасидаги мушаклар ёрдамида ҳосил бўлади. Бунда кўпроқ нафаснинг кўндаланг ҳажми ўзгаради. Диафрагма иштирокидаги нафас - кўкрак нафаснинг бўйлама ҳажмини ошиши ҳисобига вужудга келади. Диафрагма - қовурғали нафас, диафрагманинг қисқариши қовурғалар оралиғидаги нафас мушаклари иштирокида вужудга келади.

Товуш – чиқарилаётган ҳаво ҳиққилдоқдан ўтиши пайтида овоз пардаларининг тебраниши натижасида вужудга келади. Товуш ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан характерланади:

Товуш кучи - товуш аппарати органларининг фаол ишлашига боғлиқ. Чиқарилаётган ҳаво оқимининг товуш тарқалишига бўлган босими қанча катта бўлса, товуш ҳам шунча кучли бўлади.

Овоз – томоқдан (ўпкадан) келаётган ҳавонинг овоз пайлари орқали ўтишида ҳосил бўлади ва оғиз бўшлиғи ёрдамида кучаяди. Овоз махсус машқ қилиниб турилмаса, баъзан йўқолиб кетади.

Овоз аппарати уч қисмдан иборат:

1. Генератор – овоз генерацияси овоз пайларида ҳосил бўлади, бунда оғиз бўшлиғининг роли кам. Овоз пайлари шовқин ва тонларни фарқлайди.

2. Резонатор тизими – бунда томоқ, ҳалқум, бурун бўшлиғи, оғиз бўшлиғи қатнашади ва улар овознинг кучини (статикасини) ва динамикасини таъминлайди.

3. Энергетика тизими - ўпкадан келаётган кучли нафаснинг миқдори ва тезлигини таъминлайди.

Педагогнинг нутқи учун авваламбор товушнинг кучи зарур. Бу ўпкадан келаётган нафаснинг кучига ва тезлигига боғлиқ.

Товушнинг юқорилиги – бу товушни узоққа етказа олиш ва юқори-пастлигини бошқара олишдир.

Товушнинг ҳаракатчанлиги ва ўзгарувчанлигини товушнинг мазмунига, шароитига, тингловчиларнинг кайфиятига қараб осон ўзгартира олиш мумкин. Ҳаракатчанлиги эса паст, ўрта, юқори типларга бўлинади.

Товуш парвози – товушнинг узоқ масофага узатилиши ва қаттиқлигини сошлаб олиш.

Товуш ихчамлиги ва ҳаракатчанлиги уни мазмунга тингловчи мослаб ўзгартира олиш имкониятини билдиради.

Диапазон – товуш ҳажми бўлиб, унинг чегараси энг юқори ва қуйи оҳанг билан белгиланади. Диапазон қисқариши нутқнинг бир оҳангли бўлиб қолишига сабаб бўлади. Бир оҳангда гапириш ахборотни идрок қилишни сусайтиради, уйқуни келтиради.

Тембр – товуш рангдорлиги, ёрқинлиги ҳамда унинг ёқимлилиги ва алоҳидалигидир.

Дикция – аниқ талаффуз қилиш. Талаффузнинг аниқлиги ўқитувчи нутқининг ўқувчилар томонидан тўғри тушунилишини таъминлайди.

Ритм – бу айрим сўз ва бўғинларнинг айтилиши муддати ва тўхташ, нутқ ва ифодаларнинг навбат билан ўз ўрнида ишлатилишини билдиради. Ритм нутқнинг энг асосий қисмидир, чунки, нутқ оҳанги ва тўхтамлар ҳам тингловчиларга беихтиёр ўзгача ҳиссий таъсир кўрсатади. **Сўзлаётганда образга кириш, овозни керакли жойда пастлатиш, оҳиста гапириш ўқитувчи маҳоратига боғлиқ.**

Онгли равишда овозни машқ қилдириш узоқ, мунтазам ва индивидуал давом этади. Кўп олимлар олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, паст овоз ўқувчилар томонидан яхши идрок этилади. Паст овоз уларга юқори овозга нисбатан ёқади. Юқори овоз ўқувчиларни ҳам, ўқитувчининг ўзини ҳам тез чарчатиб қўяди. Ўқитувчи касб касалликларининг 40,2 фоизини овоз касалликлари ташкил этади. Овоз касаллигининг сабаблари: а) юқори овозда гапириш; б) овоз аппаратларидан тўғри фойдаланмаслик; в) овоз гигиенасига амал қилмаслик; г) овоз аппаратининг туғма камчиликларидир. Турли хил овоз касалликларининг олдини олиш мақсадида ишдан сўнг педагог 2-3 соат давомида кам ва секин гапириши керак. 3-4 соат дарс беришдан сўнг бир соат овоз аппаратларига дам бериш керак.

Ўқувчиларнинг ўқитувчи нутқини яхши идрок этишлари учун ўқитувчи товуш, сўзларни аниқ ва ифодали талаффуз қилиши керак. Товуш, бўғин ва сўзларни тўғри талаффуз қилишда овоз аппарати: лаблар, тил, тиш, жағлар, танглай, кичик тил, ҳалқум, овоз пайлари қатнашади. Нутқдаги органик камчиликларни жарроҳлик ва логопедик услублар билан бартараф этиш мумкин.

Ноорганик камчиликлар эса: тўнғиллаб гапириш, соқовланиш, дудукланиш, баъзи бир товушларни талаффуз эта олмаслик, бурунда гапириш, тез гапириш, чала гапириш.

Буларни бартараф этиш учун нутқ органлари ҳаракатини артикуляция гимнастикаси орқали машқ қилдириш тавсия этилади. Бу икки йўл билан амалга оширилади: а) нутқ аппаратларини машқ қилдириш, б) ҳар бир унли ва ундош товушларнинг тўғри артикуляциясини машқ қилиш.

Нутқнинг тезлиги, алоҳида бўғинларнинг ва сўзларнинг жаранглаши, шунингдек, нутқ ритмидаги паузаларга риоя қилиш нутқнинг ритмини ташкил этади. К.С.Станиславскийнинг таъкидлашича, интонация ва паузанинг ўзи, сўздан ҳам ортиқроқ эшитувчига ҳиссий таъсир этар экан. Нутқ тезлиги ўқитувчининг индивидуал хусусиятларига, нутқ мазмунига ва мулоқот вазиятига қараб ўзгаради.

Педагогик техникани эгаллашнинг асосий йўллари: ўқитувчи раҳбарлигидаги машғулотлар (педагогик техникани ўрганиш) ва мустақил ишлаш (касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш)дир.

Педагог малакаларининг индивидуал-шахсий тусда эканлигини ҳисобга олиб, педагогик техникани эгаллашда ва уни такомиллаштиришда касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш, яъни тингловчининг ўзида моҳир ўқитувчига хос шахсий фазилатларни ва касбий малакаларни шакллантиришга қаратилган фаолият етакчи рол ўйнайди, деб айтиш мумкин.

Касбий тайёргарлик жараёнида педагогик техникани эгаллаш ўқитувчига ўзининг касб йўналишининг бошланишидаёқ кўпгина хатоликларнинг олдини олишида, ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг юксак самарадорлигига эришишида ёрдам беради.

**3. Мимика ва пантомимиканинг  
ўқитувчи педагогик маҳоратида  
тутган ўрни**

Ўқитувчининг ташқи кўринишида, педагогик техникаси тизимидаги мимик, пантомимик ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчининг

ҳатти-ҳаракатини бевосита намоёиш этувчи мимик ва пантомимик ифодаси,

Ўқитувчининг имо-ишорасида, маъноли қарашларида, рағбатлантирувчи ёки истехзоли табассумида намоён бўлади ва улар ўқитувчи-тарбиячининг педагогик таъсир кўрсатишида, машғулотларни самарали ва мазмунли ўтишида пухта замин тайёрлаб беради.

**Пантомимика** – бу гавда, қўл ва оёқларнинг ҳаракатидир. У асосий фикрни ажратиб кўрсатишга имкон беради. Ўқитувчи ўз гавдаси, қўли, оёқ ҳаракатларининг ҳолати орқали ҳар қандай педагогик маълумотларнинг образини “чиза” олса, таълим олувчилар бундан завқланадилар, улар ички ҳис-туйғулари, ташқи ҳиссиётлари билан қўшилиб бутун онгини ўқув материаллари мазмунини ўзлаштиришга қаратадилар. Пантомимика гавдани рост тутиб юра билиш, қўл ва оёқ ҳаракатларининг бир-бирига мослиги, фикрларини аниқ ва тўлиқ баён қилиб қўлини, бошини турли ҳаракатларда ифодалаш ўқитувчининг ўз билимига, кучига ишончини билдиради. Шунинг учун ўқитувчининг таълим олувчилар олдида ўзини тута билиш ҳолатини тарбиялаши лозим (оёқлари 12-15 см. кенгликда, бир оёқ сал олдинга сурилган ҳолда туриш). Ўқитувчининг юриши, қўл ва оёқ орқали имо-ишоралари ортиқча ҳаракатлардан ҳоли бўлиши керак. Масалан: аудиторияда орқага олдинга тез-тез юриш, қўллари билан турли имо-ишоралар қилиш, бошини ҳар томонга ташлаш ва ҳоказо. Бундай ҳолатлар дарс давомида ўқувчиларнинг эътиборини бўлиб, ғашини келтиради ва ўрганилаётган фанга, ўқитувчига нисбатан ҳурматсизлик кайфиятини уйғотади.

Ўқитувчининг пантомимик ҳаракатлари тизимида ўз ҳиссий ҳолатини бошқара олиши муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи таълим олувчилар билан мулоқот жараёнида қизгин кузатув остида бўлади. Унинг кайфиятидаги ўзгаришлар пантомимик ҳаракатларида намоён бўлади. Шу туфайли таълим олувчиларга таълим-тарбиявий таъсир кўрсатиш жараёнида (дарсда, дарсдан ташқари машғулотлар пайтида, тарбиявий ишлар жараёнида) ўз ҳиссиётини бошқара олиши, жиддий бўлиши, умидбахшлик, хайрихоҳлик кайфиятида бўла олиш қобилиятларига эга бўлиши зарур. Пантомимик ҳаракатлар тизими ўқитувчига бирданига пайдо бўладиган кўникма эмас. Бунинг учун ўқитувчи ўз устида тинимсиз ишлаши, илк педагогик фаолияти даврида камчиликларини тезда топиб бартараф эта олиши даркор. Чунки, йиллар давомида ўқитувчи ўзининг ҳар бир ҳаракатига мослашиб уни одат қилиб олиши мумкин. Мукамал пантомимик малакаларга эга бўлган ўқитувчи ўз-ўзини назорат қила олади, кўп йиллик фаолияти давомида соғлом асаб тизимини ўзида тарбиялаб асабийлашишдан, ҳиссий ва аклий зўриқишлардан ўзини сақлай олади.

**Гавда тутуш эстетикаси** олдинга-орқага тебраниш, оғирликни бир оёқдан иккинчи оёққа ўтказиб туриш, стул суянчиғига таяниб туриш, бошни қашлаш, бурунни артиш, кулоқ кавлаш каби зарарли одатларга йўл қўймайди.

Ўқитувчи гавдасининг ҳаракати чегарали ва босиқ бўлиши, ортиқча силкиниш ва кескин ҳаракатлардан ҳоли бўлиши шарт.

**Мимика** - юз мускуллари орқали ўз сезгиси, фикри, кайфиятини ифодалашдир. Ўқитувчининг юз ифодаси ва қараши баъзан ўқувчиларга сўздан ҳам қаттиқроқ таъсир кўрсатади. Мимика ахборотнинг хусусий аҳамиятини оширади, уни пухтароқ ўзлаштирилишини таъминлайди. Ўқувчилар ўқитувчи кайфияти ва муносабатини унинг юзидан уқиб оладилар. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг юзи унинг сезгирлигини ифодалаши билан бирга уларни яшириб туриши ҳам лозим. Оила ташвишлари, ташқаридаги келишмовчиликларни ўқитувчи ўзининг юз ифодасида билдирмаслиги керак. Юз ифодаси ва ҳаракатлар фақат дарс мақсадига, ўқув-тарбиявий ишни яхшилашга йўналтирилиши лозим. Юз ифодасида кўзлар муҳим ўрин тутди. Жозибасиз кўзлар маъносиз қалбни акс эттиради. Ўқитувчи юз мускуллари ва кўзларини тез-тез ҳаракатлантириш билан бирга уларни бирдай қотиб қолишидан эҳтиёт бўлиши лозим. Ўқитувчи нигоҳи таълим олувчиларга қаратилган бўлиши, бевосита кўриш контактини вужудга келтириши зарур, барча таълим олувчиларни диққат марказида ушлаб туришга интилиши лозим.

Мимик ҳаракатлар, ифодалар маълумотларнинг ҳиссий аҳамиятини кучайтириб, уларни чуқур ўзлаштириш имкониятини беради. Таълим олувчилар ўқитувчининг муомаласи ва хатти-ҳаракатига қараб кайфиятини, муносабатини тезда «уқиб» оладилар. Шунинг учун оиладаги баъзи нохушликлар, ҳиссиётга берилиш, ғам ва ташвишнинг ўқитувчи чеҳрасида ва мимик белгиларида ифодаланиши мумкин эмас. Чунки ушбу нохушликлар ўқитувчининг педагогик фаолиятига дарс машғулотларини мукамал бажаришида ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Ўқитувчининг чеҳрасида, мимик белгиларида фақат дарс машғулотларига хос бўлган, таълим олувчиларга таълим ва тарбиявий топшириқларни ечишга ёрдам бера оладиган кўринишларни ифодалаш лозим.

Ўқитувчининг чеҳрасидаги ифода, нутки, ўқувчилар билан ўзаро муносабати унинг индивидуал характериға мос бўлиши керак. Ўқитувчи чеҳра кўринишидаги мимик ифода, таълим-тарбия қонуниятларига мос ишонч, маъқуллаш, таъқиқлаш, норозилик, қувонч, фахрланиш, қизиқувчанлик, бефарқлик, иккиланиш каби хусусиятларни ифодалаши мумкин. Бунда овоздаги турли ўзгаришлар, нутқнинг тушунарли баён этилиши муҳим аҳамиятга эга. Мимик ифоданинг асосий белгиларини намоиш этишда қош, кўз, чеҳра кўриниши иштирок этади.

Инсон ҳис туйғулари унинг юзида – юз мушакларини қисқариши ва бўшашиши натижасида – намоён бўлади. Юз мушаклари ҳолатини бошқариш унчалик қийин бўлмаганлиги учун одамлар ҳақиқий ҳисларини яширишга ҳам уринадилар.

Юз мушаклари ҳаракатлари симметриклиги ушбу инсоннинг самимийлигидан далолат беради. Инсон сўзларида қанчалик ёлғонни кўп қўшса, симметрия шунчалик бузилади.

Ҳақиқатни билдирувчи мимика жуда тез, сездирмасдан намоён бўлиши мумкин ва уни тўғри талқин қилиш учун тажриба ёки ҳаттоки махсус машқ керак. Яна бир хусусият: ижобий ҳиссиётлар салбийга қараганда осонроқ англанади.

Айниқса, инсон лаблари ҳиссий ифодалилиги билан ажралиб туради (масалан, лабларни тишлаш – ҳаяжонни, бир томонга қийшайган лаблар ишонқирамаслик ёки истехзони англантиши мумкин)

Табассум одатда дўстона муносабат ёки қўллаб - қувватлашга бўлган эҳтиёжни билдиради. Эрақак киши учун табассум у ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тута олишини намоёниш қилиши бўлса, аёл табассуми кўпроқ ҳақиқий кайфиятини билдиради.

Табассум турли ҳиссиётларни англаганлиги учун уларнинг баъзи турларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

- 1) ортиқча кўп жилмайиш – қўллаб қувватланишга эҳтиёж;
- 2) қийшиқ кулиш – назорат қилинаётган асабийлик;
- 3) кўтарилган қошлар ва табассум - бўйсунушга тайёрлик;
- 4) пастга туширилган қошлар ва табассум – ўзини катта олиш;
- 5) табассум билан бир пайтда пастки қовоқларнинг кўтарилмаслиги – самимиятсизлик;

б) табассум билан бир пайтда кўзларнинг олайиши – кўрқитиш.

Турли ҳислар кечираётганда юз мимикасини билиш фақатгина бошқаларни тушунишдагина эмас, балки ўз имитация маҳоратини ўстириш учун ҳам зарурдир.

Одамнинг ички кечинмалари ҳақида энг тўғри маълумотни кўзлар намоён қилади:

- 1) кўзнинг одатий ифодасидаги ўзгариш;
- 2) кўзларнинг беихтиёр ҳаракатлари – ҳаяжон, орият, ёлғон, кўрқув, асабийлашув;

3) ёниб турган нигоҳ – қизишиш;

4) қотиб қолган нигоҳ – ўйга чўкканлик ёки ҳолсизлик;

5) қорачиқларнинг каттайиши қизиқиш ва қабул қилинаётган ахборотдан, атрофдагилардан, таомдан ва бошқа шунга ўхшаш омиллардан қониқиш ҳис этаётганлиги ёки қаттиқ оғриқ: маълум дори-дармон ёки наркотик қабул қилганлиги;

б) қорачиқларнинг кичрайиши – ғазабланиш ёки маълум турдаги наркотикларни қабул қилганлиги ва бошқалар.

Мулоқот давомида кўпроқ эшитаётган одам суҳбатдоши кўзига қараб туради. Мулоқотнинг умумий вақтининг учдан биридан камроқ вақт ичида кўзингизга қараб турган инсоннинг сизга нисбатан самимийлигига шубҳаланинг; бутун диалог давомида тикилиб қараётган инсон ёки сизга нисбатан катта қизиқиш билдирмоқда ёки (агар қорачиғи кичрайган бўлса) унинг сизга нисбатан адовати бор, ёки сизни ўзига тобе қилмоқчи.

Инсоннинг ички ҳолати ҳақида унинг статик ҳолати маълумот бериши мумкин. Шуниси қизиқки, агар маълум бир туришлар (поза) инсон учун одатий бўлиб қолган бўлса бу унинг характеридаги турғун сифатлардан далолат беради.

Қуйида бир неча позанинг психологик нуқтаи назардан талқинини кўриб чиқамиз:

1) кўллар орқада, бош юқори кўтарилган, ияк олдинга сурилган – ўзига ишонч, ўзини бошқалардан устун кўйиш;

2) тананинг юқори қисми олдга интилган, кўллар белда – дадиллик, ўзига ишонч ва фаол ҳаракатларга тайёрлиги, тажовузкорлик, ўз фикрини охиригача ҳимоя қилишликка тайёрлик;

3) кўллар билан стол ёки стулга таяниш – суҳбатдоши билан тўла контакт йўқлиги;

4) кўллар тирсаклар очилган ҳолда бош орқасида қовушган – ўзини бошқалардан устунлигини ҳис этиш;

5) бош бармоқларини белбоғ ёки чўнтакларга солиб туриш – тажовуз, ўзига ишонганликни ифодалайди;

6) бош бармоқни чўнтаклардан чиқарган ҳолда туриш – ўзини катта олишлик;

7) кўл ва оёқлар алмаштирилган ҳолда – суҳбатдошига нисбатан ишонқирамаслик ва ўзини ҳимоялаш;

8) кўл ва оёқлар алмаштирилмаган ҳолда, пиджак тугмалари ечилган – ишониш белгиси;

9) бошнинг четга эгилиши – қизиқиш уйғонганлиги;

10) бошнинг қуйи эгилганлиги – салбий муносабат;

11) бошнинг сал ортга эгилганлиги – тажовуз белгиси;

12) стул четида ўтириш – ҳар қайси моментда туриб кетишга тайёргарлик: чиқиб кетиш учун ёки ҳаракат қилиш учун, ўзига эътиборни қаратиб, суҳбатга қўшилиш учун ёки қизишган инсон ўзини кўлда тутиш учун қилган ҳаракати.

Инсонлар ҳис-туйғуларини аниқлашда фақат беихтиёр кўл ҳаракатларига диққатни қаратиш лозим. Ҳар хил одамларда бир хил кўл ҳаракатлари турли маънога эга бўлиши мумкин, лекин маъноси ўхшаш ҳолатлар ҳам мавжуд:

- 1) кўлларнинг фаол ҳаракати – кўпинча ижобий эмоциялар, дўстона муносабат ва қизиқишни англатади;
- 2) ортиқча кўл ҳаракати – ҳаяжон, ўзига ишончсизлик белгиси;
- 3) кафтлар очиқ – очиқлик ифодаси;
- 4) кўлларни мушт қилиш – ички кўзғалиш, тажовуз;
- 5) сўзлаётганда оғизни кўл билан тўсиш – ҳайрон бўлиш / ёлғон сўзлаш / суҳбатдошига маълумотни ишониб етказиш;
- 6) сўзлаётганда бурунга тегиб туриш – айтаётган сўзларига ишонқирамаслик / ёлғон / янгидан-янги далиллар излаш;
- 7) қовоғини бармоқ билан ишқаламоқ – ёлғон / ишонқирамаслик; сўзлаётганда юзининг турли қисмларини ишқалаш – ташвиш, уялиш, ўзига ишонмаслик;
- 8) иягини силлаш – қарор қабул қилиш;
- 9) кўлларнинг беихтиёр ортиқча ҳаракатланиши (бирор нарсани айлантириш, бураш, кийимининг деталларига тегиш) - огоҳлик, асабийлашганлик, уялиш;
- 10) кийим ёқасини тортиш – ёлғони ошқор бўлганлигини сезган одам ёки ғазабдан ҳаво етишмаслиги;
- 11) бирор нарсага таянишга бўлган интилиш – вазиятнинг мураккаблигини ҳис қилиш, ушбу вазиятдан чиқиб кетиш йўлини топа олмаётганлигидан далолат беради.

**4. Педагогик фаолиятда  
актёрлик ва режиссёрлик  
маҳорати**

Педагогик ва актёрликнинг ўзаро ўхшашликлари кўп. Бу ушбу фаолиятларнинг моҳиятидан келиб чиқади. Ҳар иккала фаолият негизида ҳам

инсонлар онгига таъсир этиш масаласи ётади. Актёр сахнадаги роль орқали, педагог турли педагогик таъсир воситалари ёрдамида инсон онгида олдиндан кўзланган ўзгаришларни амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Бу касбларни бир-бирига яқинлаштирувчи яна бир нарса – бу ҳар иккаласи ҳам оммага қаратилиб, омма нигоҳида амалга оширилишидир.

Ўқитувчининг ўқув-тарбиявий машғулот, тадбирлар “сценарий”сини ишлаб чиқиши, унда тингловчилар фаолиятини бошқариши бу касбни режиссёр касбига яқинлаштиради.

Ўқитувчилар тингловчилар диққатини жамлаш, эътиборини вақт давомида йўналтириб туриш қанчалик қийинлигини яхши биладилар. Шунда ўқитувчиларга актёрлик маҳорати катта ёрдам беради. Буюк рус драматурги К.С.Станиславскийнинг актёрлар билан ишлаш тизими педагогнинг актёрлик маҳоратини оширишга катта имкон беради.

Ушбу тизимнинг асосий мақсади – актёрнинг бор қобилиятларини очиб беришдир. Бу албатта, ўқитувчи учун ҳам зарурдир. К.С.Станиславский тизимининг биринчи тамойили ҳаёт ҳақиқатидир. Саҳнада ёлғон бўлиши мумкин эмас (ўқитувчи ҳаракатларида самимиятсизлик, иккиюзламачиликка ўрин йўқ).

Иккинчи тамойил – буюк масала тамойили. Буюк масала бу артистнинг асосий – яъни, инсонлар онгига муайян ғояни сингдиришнинг асосий мақсади. Ўқитувчи ҳам ўз фаолиятида педагогик буюк масалани доимо ёдда тутиши керак: “Нима учун меҳнат қиляпмиз? Пировард натижада нимага эришамиз?”

Учинчи тамойил – фаоллик ва ҳаракат тамойили. Айнан ҳаракатда инсоннинг жисмоний ва психик моҳиятининг бирлиги намоён бўлади. Педагогик ҳаракат ўқитувчининг маълум мақсадга йўналтирилган онгли ҳаракатидир. Ушбу ҳаракатда жисмоний ва психик моҳият бирлиги мавжуд бўлса, ўқитувчи юқори натижаларга эришади. Педагог шахси ҳаракатда намоён бўлар экан, ҳаракат асосланган, мақсад йўналтирилган ва маҳсулдор бўлиши керак.

Ўқитувчи ижодкордир, унинг ижоди тингловчиларга бевосита амалга оширилаётган эмоционал таъсирда, жонли нутқ, жонли ҳаракатда намоён бўлади. Педагог ҳам актёр каби ўзининг психик-жисмоний яхлитлик ҳолатида фаолият воситаси ролини ўйнайди. Шунинг учун у ўз организмни созлаши, уни зарур пайтда тўғри ҳаракатни амалга ошира олишини таъминлаши керак.

## **5. Педагогик техникани эгаллаш йўллари**

Ўқитувчи педагогик фаолиятида педагогик техниканинг кўникма ва малакаларини мукамал такомил-лаштирган ҳолда ўз маҳоратини ошириш учун қуйидаги

жараёнларни билиши лозим:

1. Ўқитувчи ўзлаштириши лозим бўлган педагогик техниканинг муҳим таркибий қисмларидан бири унинг нутқ техникасидир (нутқ темпи, дикцияси, товуш оҳангини баланд, ўрта, паст қила олиши ва ҳоказо).

Дарс жараёнида ўқув материалларини идрок қилишда ўқитувчининг нутқи муҳим рол ўйнайди. Олимларнинг фикрича, ўқувчилар томонидан 1/2 фоиз ўқув материални тафаккур орқали идрок қилиш ва ўзлаштириш ўқитувчиларнинг нутқига ва унинг сўзларни тўғри талаффуз қилишига боғлиқ. Ўқувчилар ўқитувчининг нутқини ниҳоятда кузатувчанлик ва қизиқиш билан тинглайдилар. Паст оҳангда гапирадиган ўқитувчининг дарси таълим олувчилар учун зерикарли бўлади, ниҳоятда баланд гапириш, оддий суҳбат чоғида овозни баланд қилиб сўзлашиш ўқувчиларни дарсдан бездиради ва чарчатади. Таълим олувчиларнинг бундай ўқитувчи таълимидан кўнгиллари

совийди. Шунинг учун ўқитувчи саводли гапириши, ўз нутқини чиройли ва тушунарли, таъсирчан қилиб баён қилиши, ўз фикр ва ҳис-туйғуларини сўзда аниқ ифодалаш малакаларига эга бўлиши лозим.

Чиройли, саводли, таъсирчан гапирувчи ўқитувчиларнинг нутқлари таълим олувчилар онгига тез таъсир этади, ўқув материалларини осон ўзлаштириб олишига катта имконият яратади, таълим олувчилар бундай ўқитувчиларнинг дарсларини тоқатсизлик билан кутадилар. Ўқитувчилар ўз нутқлари устида тинимсиз ишлашлари, сўзларнинг чиройли, маъноли, таъсирчан бўлиши учун машқ қилишлари, овоз диапазонларининг кучи, нутқ тембрининг ҳаракатчанлиги ва дикциясини доимо машқ қилиб боришлари лозим.

Овоз диапазони чегараси баланд ёки паст гапириш тони билан белгиланади. Диапазоннинг қисқариши товушнинг паст тонлигига олиб келади. Паст оҳангда сўзлашиш ўқитувчининг идрокини бўшаштиради ва сусайтиради.

Ўқитувчи товуш диапазонини, унинг тембри билан боғлаб ишласа, гаплари чиройли, майин, жозибали чиқиб, тингловчиларни ўзига жалб этади ва ўқув материаллари мазмуни янада яхши идрок қилинади.

Ўқитувчининг нотиклик техникаси сўзларни аниқ, тўғри, тиник эшитиларли ва тушунарли баён қилишида намоён бўлади. Тўғри ва мукамал овоз дикциясига эга бўлган ўқитувчи сўзларни ифодали баён қилади. Ифодали гапиришда тил, лаб, кичик тилча, пастки жағ иштирок этади. Ўқитувчи ифодали гапириши, сўзларни талаффуз қилиши учун юқоридаги органларни доимо машқ қилдириши лозим. Шундай қилиб, педагогик техникада нутқ малакалари муҳим аҳамият кашф этар экан, ўқитувчи доимо гапириш темпи, ритми, дикцияси, овоз кучи, диапазони, ҳаракатчанлиги устида машқ қилиши зарур.

2. Педагогик техника малакаларини мукамал эгаллаш учун аввало, ўқитувчи ўз фанини, ўқитадиган предметининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорликда билиши, педагогик ва ахборот технологияларини, педагогика ва психология фанлари асосларини давр тараққиёти даражасида билиши, касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялай оладиган бўлиши зарур. Чунки педагогик техника ўқитувчиларнинг индивидуал шахсий хусусиятларига ҳам боғлиқ. Ҳар бир ўқитувчи ўз тафаккурига, фикрлаш қобилиятига, ўзининг касбий йўналиши, касбий лабораториясига эга бўлиши керак. Бу йўналиш ва лабораторияни ўқитувчиларнинг ўзлари мустақил фикр юритишлари, мустақил билим олишлари, педагогик маҳоратини ошириб боришлари орқали қўлга киритадилар ва моҳир ўқитувчига хос фазилатларни тарбиялайдилар ҳамда касбий идеал сари ҳаракат қиладилар.

3. Педагогик техника сирларини мукаммал билиш ўқитувчининг ташкилий - методик малакаларни эгаллашига ҳам боғлиқ. Бу малакалар зарур билимлар бўйича маърузаларни тинглаш, махсус адабиётларни ўқиш орқали қўлга киритилади. Ташкилий-методик малакалар айтилган йўл-йўриқлар, кўрсатмаларни ўзининг индивидуал касбий тажрибасида синаб, кўникма ҳосил қилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ташкилий-методик малакаларнинг индивидуал хусусиятлари, жамоа ва гуруҳ бўлиб ишлаш, ўқиш, фаолият кўрсатиш асосида қурилгани маъқул. Чунки гуруҳ ёки жамоа бўлиб ўқиш, ишлаш ҳар бир ўқитувчига рефлексив қобилиятлари асосида, ўзини бошқалар кўзи билан кўришни ва баҳо беришни, фаолиятидаги нуқсонларни сеза билишни, муомала ва хулқ-атворнинг янги шакллари излаб топиш ва синаш имкониятини беради. Бу эса ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини тарбиялаш учун асос бўлади ва педагогик вазифаларнинг янги усуллари текшириб кўриш, назарий масалаларини ҳал қилиш учун тажриба майдонини ташкил қилишга замин яратади. Демак, ташкилий-методик малакаларни эгаллашда гуруҳ, жамоа фаолияти, машғулотлар педагогик техника асосларини эгаллаш имкониятини беради.

4. Педагогик техникани бир маромда эгаллашда, ҳар бир ўқитувчининг ўз индивидуал дастурини ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этади. Бундай дастурни тузишдан олдин ўқитувчи ўзида педагогик техника малакаларини шаклланганлигининг бошланғич даражасини аниқлаб олиши зарур. Яъни, ўқитувчининг дастлабки ўқув-тарбия ишларидаги натижаларида, нутқ маданиятининг тўғри ёки нотўғри қўйилишида, ҳаракатидаги мимик ва пантомимик ҳолатларда рўй берадиган нуқсонлар эътироф этилади. Бунда натижа яхши бўлса, келажакда педагогик техникани эгаллаш анча осон бўлади.

Ушбу фаолият натижасида кўникма ва малакалар янада ривожлантирилади. Индивидуал дастур педагогик техника малакаларининг етишмайдиган жиҳатларини тўлдириш учун хизмат қилади. Бу дастур маълум машқлар ёки машқлар мажмуини ўз ичига олади.

5. Шунинг ҳам унутмаслик лозимки, педагогик техникани намойиш этишда ўқитувчининг умумий маданияти, маънавий ва эстетик дунёқараши муҳим ўрин тутди. Агар ўқитувчининг ташқи кўриниши қашшоқ, сўзларни талаффуз қилиш қобилияти паст, эстетик жиҳатдан оми, бўлар-бўлмас воқеаларга нисбатан ўз ҳиссиётига эрк берадиган бўлса, тарбияланувчиларнинг эътиқодига, ақл-идрокига, билиш ва англаш тафаккурига салбий таъсир кўрсатади. Демак, ўқитувчи ўзидаги ана шу нуқсонларни қайта тарбиялаши лозим.

Таъкидлаш жоизки, педагогик техниканиннг кўникма ва малакаларини эгаллаш йўллари тўғрисида билдирилган фикрларга эътибор бермаслик, педа-

гогик фаолият жараёнида уларнинг беқиёс аҳамиятига етарлича баҳо бермаслик, шунингдек, педагогик техника малакаларини танқидий, ҳар бир ўқитувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олмай иш юритиш педагогик маҳоратни эгаллашга салбий таъсир кўрсатади ва ўқув-тарбиявий жараёнда ўқитувчиларнинг таълим-тарбиявий фаолиятида нуқсонларнинг кўпайишига олиб келади.

Педагогик техникани эгаллашнинг асосий йўллари ўқитувчининг малака ошириш курсларига иштироки, устоз мураббийлар раҳбарлигидаги машғулотлар (улардан педагогик техника сирларини ўрганиш) ва мустақил (касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш) ишлашдир. Педагогик техника кўникма ва малакаларини эгаллаш индивидуал-шахсий салоҳият эканлигини ҳисобга олиб, педагогик техникани эгаллашда ва уни такомиллаштиришда касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш, яъни тингловчилик йилларида ўзида тажрибали ўқитувчиларнинг шахсий фазилатларини ва касбий малакаларини шакллантиришга қаратилган фаолият етакчи рол ўйнайди, деб айтиш мумкин. Касбий идеал сари интилишда бу ҳаракат педагогик техникани эгаллашда муҳим рол ўйнайди.

Ташкилий-методик жиҳатдан педагогик техника машғулотлари индивидуал, гуруҳ ёки кетма-кетликда ўтказилади. Масалан, зарур билимлар маърузаларда ёки тегишли адабиётларни мустақил ўқиш асосида, интеграцион билимларни эгаллаш, портал, компьютер технологиялари ёрдамида эгалланиши мумкин. Автоматлаштиришга доир айрим оддий ҳаракатлар (турли артикуляция, фонцион нафас олиш усуллари, релаксация усуллари ва шу кабилар) ўқитувчи томонидан мунтазам машғулотлар асосида эгалланади. Тегишли кўникмаларни ишлаб чиқиш, индивидуал ишлашни дастлаб ўқитувчининг назорати ва раҳбарлигида, кейин эса мустақил ишлаш талаб қилади.

Педагогик техника малакаларини шакллантиришда ўқитувчининг жамоада фаолият олиб бориши ва машғулотларда ўз-ўзини назорат қилиши алоҳида рол ўйнайди. Педагогик техника машғулотларининг бу шаклини анча батафсилроқ очиб бериш мақсадга мувофиқдир, чунки у ҳозирга қадар ўқитувчилар учун мўлжалланган ўқув ва методик адабиётларда маълум даражада кўрсатиб берилмаган.

Ҳар қандай жамоада, хоҳ ўқитувчилар, хоҳ ўқувчилар жамоаси бўлсин, ўқитувчи улар олдида ўзини бошқа кишилар кўзи билан кўриши, ҳулқ-атвор ва муомаланинг янги шаклларини излаб топиши ва синаб кўриши, ўзининг жамоа билан бирга бажарадиган иши хусусиятларини англаши лозим. Шундагина педагогик фаолиятнинг индивидуал услубларини онгли равишда шакллантириш имконияти пайдо бўлади. Жамоа шахсининг ўз-ўзини билиши ва

ўз-ўзини тарбиялаш лабораторияси, педагогик вазифаларни ҳал қилишнинг янги усулларини текшириб кўрадиган, назарий ва амалий масалалар, турли муаммолар муҳокама қилинадиган тажриба майдони бўлиб қолиши мумкин.

Психологлар педагогик техниканинг кенг имкониятларини жамоа бўлиб ўрганишни, ўқитувчилар орасида бундай жамоаларнинг энг қулай миқдорини 10–14 кишидан иборат этиб белгилашни таъкидлаб ўтадилар. Қатнашчиларнинг худди шундай миқдори улардан ҳар бирининг бошқа ўқитувчилар билан бирга фаолият олиб боришда индивидуал психологик муаммоларини жуда тўлиқ равишда аниқлаб ҳал этиш, рефлексив ва эмпатик даражасини жиддий ошириш, касбий педагогик фаҳм-фаросатини ривожлантириш, бошқаларга таъсир этиш воситаларининг кенгайтириш имкониятларини очиб беради.

Шу нарса муҳимки, гуруҳ қатнашчилари, бўлажак ўқитувчилар касбий ҳамкорлик жиҳатидан бирга ишлаш малакаларини эгаллашга фаол интилишлари, ўз-ўзини билиш ва касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш бўйича муваффақиятли фаолият олиб боришга психологик жиҳатдан тайёр бўлишлари керак.

Барча ҳолларда ҳам индивидуал, ҳам гуруҳий машғулотлар бошланишидан олдин педагогик техникани эгаллашнинг индивидуал дастури тузиб чиқилиши лозим. Бундай дастурни тузиш учун аввало педагогик техника малакаларини шакллантиришнинг бошланғич даражасини аниқлаб олиш зарур. Бироқ, тажрибаларнинг кўрсатишича, одатда, мазкур босқичда фақат малакалар ҳақидагина эмас, шу билан бирга дастлаб автоматлаштирилган (таълимни бошлаш вақтига келиб) кўникмалар ҳақида ҳам мулоҳазалар олиб бориш мумкин. Масалан, нафас олиш ва овознинг табиий бир ҳолатга қўйилиши, сўзларни тўғри талаффуз қилиш, бундан олдинги тарбиявий методларнинг натижаси бўлган саводли, ифодали нутқ, мимик ва пантомимик ҳаракатлар бўлиши мумкин.

Бундай кўникма ва малакаларнинг мавжудлиги педагогик техника имкониятларини мукамал шакллантиришни анча осонлаштиради. Шунга қарамасдан барча ҳолларда ана шу кўникмаларни тегишли малакалар таркибига киритиш юзасидан муайян фаолият олиб борилиши зарур. Педагогик техника малакаларини шакллантиришнинг бошланғич даражасига қараб уни эгаллашнинг индивидуал дастури етишмайдиган малакаларни шакллантиришга қаратилган айрим машқларни ёки уларнинг тўлиқ мажмуасини ишлаб чиқиш лозим.

Педагог ва психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўз фаолиятини эндигина бошлаётган ўқитувчилар дуч келадиган қийинчиликларнинг асосий сабаби айнан педагогик техникага оид маълумотларни билмаслиги оқибатида содир бўлмоқда. Педагогик техника

тўғрисида юқорида айтиб ўтилган фикр ва мулоҳазаларга эътибор қилмаслик, педагогик фаолиятда назарий ва амалий тажрибаларнинг йўқлиги, ўз фаолиятига танқидий назар билан баҳо беролмаслик оқибатида ҳамда ўқитувчида индивидуал педагогик техникани ривожлантириш, таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган педагогик фаолиятнинг йўқлиги мазкур қийинчиликларнинг асосий сабабларидан бири эканлигини унутмаслик керак.

?

## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Педагогик техника деганда нимани тушунасиз?
2. Педагогик техниканинг қандай тамойиллари мавжуд?
3. Педагогик техниканинг таркибий қисмларига нималар киради? Нима учун улар икки гуруҳга бўлинади?
4. Педагогик техниканинг усул ва воситалари ҳақида нималарни биласиз?
5. Ёш ўқитувчилар фаолиятида йўл қўядиган педагогик техникага доир хатоларни таҳлил этинг.
6. Мимика ва пантомимиканинг ўқитувчининг педагогик маҳоратида тутган ўрни қандай?
7. Ўқитувчининг пантомимик ҳаракатлари тизимида қандай психологик ҳолатлар ўз аксини топади?
8. Педагогик фаолиятда актёрлик маҳоратига оид мисоллар келтиринг.
9. Педагогик фаолиятда режиссёрлик маҳоратининг ўрни ҳақида маълумот беринг.
10. Педагогик техникани эгаллаш йўллари тушунтиринг.
11. Педагогик қобилиятда диққат, кузатувчанлик, ҳаёлнинг ўрни ҳақида маълумот беринг.
12. Нутқ техникасида нафас олиш, овозни бошқариш, нутқ темпи масалалари изоҳланг.
13. Педагогик қобилиятда дидактик, ташкилотчилик, конструктив, коммуникатив қобилиятларнинг ўрнини тушунтиринг.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Савельева С.С. Педагогические условия формирования профессиональной компетентности учителя в образовательном процессе ВУЗа: Монография / – Коломна.: Позитив, 2012.

2. Холиқов А.А. Педагогик маҳорат. Дарслик. –Т.: Тафаккур бўстони, 2011.

3. Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, Curriculum and Culture. – Routledge, USA, 2012.

4. Булатова О.С. Педагогический артистизм: учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. – М., 2001.

### **3 - МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ТАКТ, ПЕДАГОГИК НАЗОКАТ ВА ОДОБ - АХЛОҚ**

#### **РЕЖА:**

1. Педагогик такт ахлоқий тушунча сифатида.

2. “Педагогик одоб” тушунчаси ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари.

3. Ўқитувчининг муомала одоби.

4. Ўқитувчи назокатида дилкашлик.

**Таянч тушунчалар:** педагогик такт, педагогик таъсир, таъсир мезони, педагогик одоб, педагогик тактика, касбий ахлоқ қоидалари, ўқитувчилик шаъни ва кадр-қиммати, педагогнинг маънавий қиёфаси, муомала одоби, педагогик этика, экстраверт, интроверт, ўқитувчи назокати, дилкашлик.

#### **1. Педагогик такт-ахлоқий тушунча сифатида.**

Такт ахлоқий тушунча бўлиб, у инсонларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш, тартибга солиш, инсонпарварлик ғояларига асосланган

бўлиб, андишали ҳуққ, ҳар қандай зиддиятли вазиятларда ҳам инсон ҳурмати сақланиб қолишини талаб қилади. Ҳар бир инсондан, айниқса ўқитувчидан андишали бўлиш талаб қилинади.

Бошқача қилиб айтганда, педагогик такт бу ўқитувчининг таълим олувчилар олдида ўзини тутишни билиши, таълим олувчининг ҳолатини, интилишлари, қизиқишларини тушуна олиши ва энг самарали таъсир йўлини топа олишидир.

**Педагогик такт** – ўқитувчи касбий маҳоратининг асоси бўлиб, тингловчиларга барча демократик талаблар асосида педагогик таъсир ўтказиш, мулоқотни инсонпарварлик туйғулари асосида ўрнатиш ўлчови, тингловчиларда мустақил фикр юритишни ҳамда онгли интизомни таркиб топтириш кўникмаларини ҳосил қилиш шаклидир. Педагогикада ўқитувчининг тингловчилар билан муносабати уларнинг ёш хусусиятларига қараб белгиланиши ва бу қонуниятга амал қилиниши қатъий талаб қилинади. Шундай экан, ўқитувчи таълим–тарбия жараёнида ҳали тўлиқ шаклланмаган, таъсирларга ва

рухий кечинмаларга тез берилувчи, ота–онасининг севимли фарзанди бўлган мурғак қалб эгалари билан мулоқот қилаётганлигини асло унутмаслиги керак.

Тингловчилар билан мулоқотда педагогик тактга зид бўлган қўполлик, адолатсизлик, қўрқитиш, ҳақорат, менсимаслик, педагогикага зид бўлган жазолаш усулларини қўллаш ва бошқа улар шахсига салбий таъсир қиладиган турли жаргон сўзлар ишлатиш тингловчилар қалбини умуман тузалмайдиган даражада жароҳатлаб қўйиши, ёки ўқитувчининг обрўсига путур етказиши мумкин. Ўқитувчи ва тингловчи ўртасидаги бундай қарама-қаршилиқлар, кўпинча, дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда содир бўлади. Бунда айниқса ёш ўқитувчиларнинг педагогик такт сирларини билмаслиги, тажрибасизлиги панд беради.

Ўқитувчининг тактик маҳорати бирданига шаклланиб қолмайди, у йиллар давомида педагогик фаолиятда, устозлар тажрибасини ўрганишда, дарс жараёнида, синфдан ташқари фаолиятда ва тарбиявий соатларда тингловчилар билан мулоқотда такомиллашиб боради. Дарс жараёнида педагогик маҳоратнинг асоси бўлмиш педагогик тактга эга бўлиш ўқитувчи учун жуда зарурдир.

Шундай қилиб, педагогик такт бу ўқитувчининг таълим олувчиларга нисбатан амалга оширадиган таъсирининг мезонидир.

### **Тактикани танлаш ва уни қўллаш қоидалари**

Тактика танлаш турли вазиятларда хилма-хил ролларни бажариш билан боғлиқ. Бу ҳақида маълумотни психотерапевт А.Б.Добрович китобларидан олиш мумкин. Бу тўртта позиция бўлиб, улар қуйидагича: “юқоридан пастга”, “пастдан юқорига”, “ёнма-ён” ва “аралашмаслик” позицияси.

“Юқоридан пастга” позициясида ўқитувчи мустақил ҳал этишни намоён этиши, масъулиятни ўз зиммасига олади. Бу позиция “ота-она” позицияси.

“Пастдан юқорига” позицияси тобелик, шахснинг ўзига ишонмаслиги. А.Б.Добрович сўзи билан айтганда, бу “таълим олувчи” позицияси.

“Ёнма-ён” позициясида фаросатлилиқ ва вазминлик, вазиятга қараб иш тутиш, бошқаларнинг ҳам манфаатини ўйлаш, ўзи ва улар ўртасида масъулиятни тўғри тақсимлаш ифода этилади. Бу “катта одам” позицияси.

«Аралашмаслик» позицияси – аралашмаслик, фаолликни намоён этмаслик.

Ҳар бир позициянинг қўлланиши вазият талабига мос танланади. Мулоқот икки томонлама жараён бўлганлиги учун ўқитувчи таълим олувчи ролини ҳам инобатга олиши шарт. Ўқитувчининг одатий позицияси бу ҳамкорликда иш олиб бораётган “катта одам”, яъни ишга алоқадор даражани талаб қилувчи позициядир. Бу позиция таълим олувчида тенг ҳуқуқли

шерикликни шакллантиради, ўзаро ишонч муҳитини яратади. Бунда қуйидаги жумлаларни қўллаш мумкин: “Сизлар билан маслаҳатлашмоқчи эдим”, “Келинглари, ўйлаб кўрайлик” ва ҳоказо.

Педагогик таъсирнинг етакчи методи – педагогик талабдир. Педагогик талаб илтимос, рағбатлантириш, маъқуллаш, фаолиятга ундаш, таълим олувчига нисбатан ишончни намойиш қилиш ва бошқа шаклларда ифодаланади.

Инсонпарварлик педагогикасида педагог тарбияланувчилар биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолиятда қуйидаги тамойилларга амал қилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган:

- 1) тарбияланувчиларга меҳрли бўлиш, ўз меҳрини кўрсата олиш;
- 2) таълим олувчилар ҳатти-ҳаракатларининг “ички рағбатлантирувчи кучларини” кўра олиш;
- 3) вазиятни тўғри баҳолай олиш;
- 4) мақсадга мувофиқ таъсир этиш усулини танлаш;
- 5) таълим олувчилар билан самарали мулоқотни ташкил этиш.

Педагог ва таълим олувчи позицияларининг тўғри келмаслиги кўп конфликтларга сабаб бўлади, шунинг учун конфликт вазиятларда қўлланиладиган синалган қуйидаги қоидаларни билиш керак:

Биринчи қоида. Конфликт вазиятини ўз қўлига олиш. Бу эмоционал тарангликни бартараф этишни англатади. Бунинг учун ортиқча жисмоний зўриқишдан, ортиқча ҳатти-ҳаракатлардан ҳалос бўлиш керак. Мимика, поза, жестлар фақатгина одамнинг ички кечинмаларини ифодалаб қолмай, унга таъсир ҳам кўрсатади. Шундай қилиб, ташқи вазминлик ва хотиржамлик!

Иккинчи қоида. Ўз ҳатти-ҳаракатлари билан шеригига таъсир кўрсатиш. Бунда иштирокчининг юзини диққат билан ўрганиб чиқиш ёрдам беради, фикрни жамлайди ва унинг ҳолатини аниқлашга имкон яратади.

Учинчи қоида. Ҳамсуҳбатнинг ҳатти-ҳаракатлари мотивларини тушуна олиш. Ақлий таҳлилнинг ишга солиниши эмоционал қизишни пасайтиради. Яхшиси ҳолатнинг мураккаблигини тушунганлигини ифода этиш (Мен сизнинг ҳолатингизни тушуниб турибман...), ўз ҳолатини тушунтириш (Шу мени ўйлантиряпти...) Яъни ҳатти-ҳаракатни дарров баҳоламанг, олдин туғилган вазиятга бўлган муносабатингизни билдиришга ҳаракат қилинг.

Тўртинчи қоида. Мақсадни мувофиқлаштириш. Таълим олувчи билан сизни бирлаштирувчи нарсани тезроқ англаш ва уни кўрсатиш.

Бешинчи қоида. Самарали ечим борлигига ишонишингизни намойиш қилинг. Ва ниҳоят, конфликт ҳал қилинганидан сўнг уни таҳлил қилиб чиқинг (сабаби ва олдини олиш йўллари).

## **2. “Педагогик одоб” тушунчаси ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари**

Одоб деганда, расм-таомил, хулқ-одатлар мажмуи, ижтимоий-иқтисодий тузум тақозоси билан турмуш шароитининг алоҳида тарзи, анъаналари негизида

одамлар ўртасида пайдо бўлган муомала-муносабатларнинг хусусиятлари тушунилади. Одоб кишиларнинг амалий хатти-ҳаракатлари, муомала-муносабатлари ҳам деб қаралади.

Педагог одоби умуминсоний ва миллий ахлоқнинг қонуниятлари, вазифалари, тамойиллари, тушунчалари, талаблари, мезонларини таълим-тарбия жараёнида ойдинлаштириб, педагогнинг таълим олувчилар, касбдошлари, ота-оналар, таълим муассасаси раҳбарлари билан муносабатларида намоён бўладиган касбий-ахлоқий хусусиятлари йиғиндисиدير.

Педагог одоби энг аввало, тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Бироқ бундай ёндашув бир қадар чекланган нуқтаи назар эканлигини таъкидлаш жоиз. Зеро, тарбиячининг касбий ахлоқи фақат тарбияланувчилар билан мулоқоти жараёнидагина намоён бўлмайди, балки унинг бутун фаолияти давомида биринчи даражали эҳтиёж сифатида ифодаланади. Бошқача айтганда, педагог одоби тушунчаси тарбиячи дунёқарашининг ҳаётий тизимини англатади. Педагог одоби тушунчасининг мазмуни ахлоқийлик билан бирга иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Ахлоқий таълим-тарбиянинг таркибий қисми сифатида педагог одоби фазилатларини шакллантиришда икки йўналишдаги алоқадор тушунчаларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир: биринчиси – жамиятнинг ўқитувчи шахсига муносабати; иккинчиси – ўқитувчи шахсининг жамиятга муносабати.

Ўқитувчи одобининг моҳияти, асосий мазмуни педагогик фаолият учун муҳим бўлган ахлоқий сифатларда ифодаланади. Умуминсоний ва миллий-ахлоқий фазилатлар барча кишилар, ҳамма касб эгалари, жумладан, ўқитувчи-тарбиячилар учун ҳам жуда зарурдир.

Ахлоқий фазилатлар меҳнат жараёнида кишининг хулқи, феъл-атворини тартибга солиб турувчи ахлоқий қоидалар, нормалар, талаблар, мезонлар шаклида ифодаланади. Ахлоқ нормалари давлатнинг турли қонунлари билан амалга ошириладиган ҳуқуқ нормаларидан фарқ қилиб, оммавий одат ва намуна кучи, жамоатчиликнинг фикри таъсирида юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий воқелик шахс олдида маълум ахлоқий талаблар қўяди, бу талаблар ахлоқ нормаси, ахлоқий фазилатлар шаклида ифодаланади. Жамият ўз фаолияти ва истиқболи учун хизмат қиладиган ахлоқ нормалари, талаблари, мезонларини белгилайди.

Ўқитувчи умуминсоний ва миллий-ахлоқий фазилатларни ўзлаштириб олиши, тажрибада қўллаши, ўзининг дунёқараши, мафқураси ва ахлоқий тажрибаси билан таққослаш лозим. Фикрлаш ва ҳис этиш, турмушда синаб кўриш натижасида умуминсоний ва миллий-ахлоқий сифатлар, қоидалар, нормалар ўқитувчининг ўз ахлоқий фазилатига, эътиқодига айланади. Булар муаллимнинг дунёқараши, фикр ва мулоҳазалари билан қўшилиб, бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш шароитида унинг ўрни ва ролини белгилайди.

Ўқитувчи одобининг нормалари ҳар бир муаллимнинг шахсий фикрига, ахлоқий фазилати ва эътиқодига айланиши лозим. Ахлоқий эътиқод ва сифатлар ўқитувчининг дарс бериш жараёнида, тарбиявий ишларида, тингловчилар, ота-оналар ва бошқа кишилар билан муомала, муносабатларида, кундалик турмушда ўзининг шахсий намунаси билан ахлоқий таъсир ўтказишида кўзга ташланади. **Педагогик такт ўқитувчи ахлоқининг амалий кўринишларидан биридир.** Муаллим хулқининг натижалари унинг ёшларга ахлоқий таъсирининг самарадорлигида, ахлоқий тарбия соҳасида эришган ютуқларида намоён бўлади.

Ўқитувчи одобининг асосий сифатлари умуминсоний ва миллий-ахлоқий фазилатлар, тушунчаларига мос келади ва уларни педагогик фаолият билан боғлиқ тарзда бир қадар ойдинлаштиради, аниқлайди. Инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий ғурур, байналмилалчилик, адолат, яхшилик қилиш, бурч, кадр-қиммат, масъулият, виждон, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик, талабчанлик каби ахлоқий фазилатлар ўқитувчи одобида педагогик фаолияти билан боғлиқ равишда таҳлил қилинади. Таълим олувчиларга яхшилик қилиш, ўқитувчилик бурчи, ўқитувчилик шаъни, кадр-қиммати, ўқитувчилик масъулияти, ўқитувчилик виждони, талабчанлик ва адолатли бўлиш, ўқитувчининг маънавий қиёфаси ҳалоллиги, поклиги, ростгўйлиги кабилар ўқитувчи ахлоқининг муҳим фазилатлари ҳисобланади. Уларни чуқур ва пухта ўзлаштириш бўлажак ўқитувчи учун катта амалий аҳамият касб этади.

### **3. Ўқитувчининг муомала одоби**

Муомала одоби ўз табиати, моҳиятига кўра ижтимоий ҳодисадир. Ижтимоий қонуниятлар педагогик жараёндаги муомала одобида намоён бўлади. Педагогик одоб жамиятда қабул қилинган маънавий, умуминсоний ва миллий ахлоқий қадриятларга асосланади. Ижтимоий муносабатлар педагогик жараёнда қатнашувчилар ўртасидаги муомала одобини тартибга солиб, бошқариб боради. Ижтимоий муносабатларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга, мезонларга эга. Бу хусусият ва мезонлар ижтимоий фаолиятнинг соҳаси, шахсларо алоқаларнинг характери билан белгиланади. Муомала одоби киши

бажариши лозим бўлган ахлоқий қоидалар билан шахс уларни қай даражада қабул қилиши ўртасидаги, шахсий ва ижтимоий манфаатлар орасидаги боғланишларга асосланади.

Муомала одоби бевосита баҳо берувчанлик хусусиятига ҳам эга. Ахлоқий баҳо эса кишиларнинг хулқини, хатти-ҳаракатларини назорат қилади, тартибга солади. Муомала-муносабатлар киши ўз хулқи ва фаолиятида ахлоқий принциплар, қоидалар, талаблар, анъаналарга, урф-одатларга қай даражада амал қилаётганига қараб баҳоланади.

Педагогик жараёнда содир бўладиган муомала одобида муаллимнинг ахлоқий маданияти, тарбияланганлик даражасида акс этади. Муаллимнинг педагогик касб эгаси сифатида ўзига, ўз касбига, тингловчиларга, касбдошларига, ота-оналарига муамоласини белгиловчи асосий қоидалар, талаблар мавжуд. Бу мезонлар жамият, давлат ўқитувчига, таълим-тарбия ишларига нисбатан қўяётган ахлоқий талабларига, педагогик фаолиятнинг ахлоқий характери ва хусусиятларига асосланади. Педагогик жараёнда муомила одоби ўқитувчининг фаолиятида намоён бўлади. Ўқитувчилик фаолиятида қўйиладиган ахлоқий талаблар, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ёш авлодни умуминсоний ва миллий-анъанавий, маданий кадриятлар руҳида тарбиялаш соҳасида кун тартибига қўяётган вазифаларига боғлиқ. Улар педагогик жараёндаги муомала одобида, унда қатнашаётган кишиларнинг хулқи, хатти-ҳаракатларида ифодаланади. Бу хатти-ҳаракатлар педагогик жараён қатнашчиларининг таълим-тарбия мақсади, вазифалари, усул ва воситаларини, ахлоқий кадриятларни қай даражада қабул қилишлари шаклида намоён бўлади.

Муомала одобининг тузилиши жуда мураккабдир. У педагогик фаолиятда субъект-объект муносабатлари шаклида ифодаланади. Субъект-объект муносабатлари муаллим ўзининг профессионал бурчини бажараётганида тингловчилар, касбдошлари, ота-оналар, жамоат ташкилотларининг вакиллари билан ўқитувчи ўртасидаги алоқаларда вужудга келади. У ўзаро ҳурмат даражаси, ишонч, талабчанлик, хайрихоҳлик ташаббускорлик, ўзаро ғамхўрлик, ҳар бирларининг инсон сифатида кадр-қимматини эъзозлаш кабиларда намоён бўлади. Улар ўқитувчининг педагогик фаолиятида бошқалар билан муамаласининг характерини баҳолашда хизмат қилади. Ўзаро таъсирлар ўқув ишида, турмушда, дам олиш пайтларида, оиладаги муомала-муносабатларининг хусусиятларини аниқлашга имкон беради.

Педагогик жараённинг ўзида ҳам фаолиятнинг турли соҳаларида турлича муомала-муносабатлар мавжуд. Масалан, ўқув ишлари соҳасида, жамоат топшириқларини бажаришда тингловчилар, билан синфдан ташқари ишларда, дам олиш пайтларидаги муомала, шунингдек, ўқитувчининг Ватанга, халққа

бўлган муносабати ўзига хос хусусиятларга эга. Унинг моҳияти шундан иборатки, агар ўқитувчининг бу муомала муносабати ўз профессионал вазифасини бурчини бажариш жараёнида содир бўлса, жамият ўқитувчининг педагогик касбининг ижтимоий мавқеини, унга маълум бир ҳуқуқ ва ваколатлар берилганлигини назарда тутди.

Педагогик этикада муомала одобининг бирор жиҳати, масалан, ўқитувчининг ўз касбига муносабати, бурчи алоҳида таҳлил этилиши мумкин. Ўқитувчилик касби кишига маълум талабларни қўяди, лекин муаллим бу талабларни қандай бажараётгани бу талабларда ҳали акс этмайди. Ўқитувчининг педагогик фаолияти натижаларини халқ таълими бўлимлари, мактаб маъмурияти, методик бирлашма ходимлари баҳолайди. Ўқитувчининг педагогик жараён қатнашчилари билан муомаласи-бу кишиларнинг ўзаро бир-бирларига бўлган шахсий инсоний муносабатлари сифатида ҳам қаралади, улар педагогик жараён қатнашчиларининг хатти-ҳаракатларида, ҳуқида, иш шакли ва усулларида намоён бўлади. Улар ўртасидаги ўзаро ахлоқий баҳолашлар ҳам муҳим рол ўйнайди.

Педагогик жараёнда ўқитувчи ахлоқий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади. У педагогик жараённинг асосий кишиси-фигураси сифатида тингловчилар, касбдошлар, ота-оналар билан муомалада бўлади. Педагогик муомала одоби тизимида ўқитувчи асосий фигурадир. Тингловчилар, касбдошлари, ота-оналар, педагоглар жамоаси ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ўқитувчи учун педагогик муомала-муносабатларнинг объекти ҳисобланади. Улар билан бўладиган алоқалар ёш авлодга таълим-тарбия бериш вазифаларини бажариш жараёнида содир бўлади. Бу муомала жараёнида иштирок этадиган кишилар бир-бирларига нисбатан хайрихоҳ, ижобий ҳиссиётда бўлишлари, бир-бирларининг фазилатларини ўзаро баҳолашлари, кадрлашларини назарда тутди.

Педагогик муомала-муносабатларда ҳиссиёт аралашгани учун уларнинг ахлоқий ва руҳий жиҳатларини бир-биридан ажратиш қийин бўлади. Шунинг учун ҳам бундай ҳодисалар ҳақида гапирганда, одатда, педагогик жамоадаги ахлоқий-руҳий вазият тушунчаси ишлатилади.

Демак, ўқитувчининг муомала одоби -у алоқа қиладиган одамлар, муассасалар билан ўз профессионал вазифасини бажараётганда содир бўладиган ахлоқий муносабатлар мажмуидир. Бу ёндошув асосида педагогик муомала одобини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: ўқитувчи билан тингловчилар ўртасидаги муомала; ўқитувчи билан педагогик жамоа ўртасидаги муомала; ўқитувчи билан ота-оналар ўртасидаги муомала; ўқитувчи билан мактаб раҳбарлари ўртасидаги муомала.

Муомала одобида ўқитувчининг ахлоқий онги, ахлоқий фаолиятининг етуклик даражаси, ахлоқий эҳтиёжлари ва ахлоқий йўналишлари, сўзи билан ишининг бирлик даражаси, хуллас, муаллимнинг фаол ҳаётий нуқтаи-назари намоён бўлади.

Демак, ҳозирги кунда таълим-тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, ўқувчиларни эркин, мустақил фикр юритишга ва онгли интизомга ўргатиш, интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ўқитувчидан чуқур билимга, касбий малака ва кўникмаларга, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлишни талаб қилади. Шу жиҳатдан ўқитувчининг ўқувчилар билан муносабатида “Педагогик такт” муҳим педагогик қобилият сифатида эътироф этилади.

Такт сўзи азалдан педагогикада тарбиявий таъсир этиш маъносини билдиради ва таълим олувчилар билан ўзаро муносабатни бошқаришга ёрдам берувчи ахлоқий категория сифатида таърифланади. Таълим олувчилар билан мулоқот жараёнида рўй берадиган энг оғир вазиятларда ҳам педагогик такт ўқитувчидан мутлақо босиқликни, суҳбатдошига нисбатан ҳурмат ва эҳтиромни талаб қилади.

#### 4. Ўқитувчи назокатида дилкашлик

Педагогикада ахлоқ ва одобнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлмиш дилкашлик инсоннинг атрофдаги одамлар билан барқарор, яқин муносабатда бўлишга интилиши деб таърифланади. Бу интилиш ўқитувчининг таълим олувчилар ва атрофидаги кишилар билан тез алоқа ўрната олиши ва белгиланган мақсадга эришишини таъминлайди. Албатта бу жараён бирданига содир бўлмайди, айниқса ёш ўқитувчилардан психологик билим, кишилар билан мулоқотда хушмуомалалик, эҳтиёткорлик талаб қилинади. Психологлар ўқитувчининг дилкашлик хусусияти икки тоифадаги одамлар характерида мужассамлашган деб таъкидлайдилар:

Биринчиси, *экстраверт* шахслар: Улар барча ишларда фаол, жиддий ва вазмин, осойишталикка ва ташқи таъсирчанликка мойил кишилардир.

Иккинчиси, *интроверт* шахслар: Улар фақат ўз ички оламига берилувчан, атрофидаги одамларга аралашмайдиган, ўз-ўзини назорат қилишга, доимо ички хавотирга мойил кишилардир.

Педагог олимлар ўқитувчининг дилкашлиги экстраверт ёки интроверт хусусиятларга эга бўлган шахслар характерининг бирлашувида пайдо бўлишини таъкидлайдилар. Бироқ, *кўпинча педагогикада экстраверт тундаги шахслар дилкаш инсонлар сифатида эътироф этилганлар*. Ўқитувчида ушбу ҳислатларнинг мавжудлиги, унинг педагогик назокат қоидаларига риоя қилиб

дилкашлик хусусиятларини ривожлантириши педагогик маҳорат сирларини такомиллаштириш замини ва шартидир.

Дилкашлик муносабатини доимий равишда ўз касбий фаолиятида мужассамлаштирган ўқитувчи қуйидагиларни унутмаслиги керак:

- гуруҳ жамоасига нисбатан бир қолипдаги фикрларнинг муайян тизимга эга бўлиши;

- таълим олувчилар билан доимо эркин мулоқот қила олиши, ҳар бир таълим олувчиларга индивидуал шахс сифатида ёндашиши;

- бирорта ҳам таълим олувчиларнинг ёмон бўлишига, уларнинг ҳурмат эътиборини қозонмаслиги мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилиши;

- бирор таълим олувчига нисбатан ишончсизлик, салбий муносабат синф жамоаси билан ўзаро яхши муносабатни йўлга қўйилишига халақит қилишини билиши;

- таълим олувчилар билан мулоқотда ҳаддан ташқари масофани (субординация) сақлаш мумкин эмаслиги;

- гуруҳ жамоасида содир бўладиган кулгили вазиятларда ўқитувчининг ўта жиддий ва қатъий бўлиши жамоадаги қалтис аҳволни мураккаблаштириб юборишини унутмаслиги;

- ҳар бир таълим олувчига бериладиган ҳолисона ва адолатли баҳо (ижобий ёки салбий) ўқитувчи ва таълим олувчи орасидаги муносабатни мустаҳкамлайдиган кўприк эканлигини унутмаслик.

Ўқитувчининг касбий педагогик фаолиятида дилкашлик фазилати таълим олувчилар жамоаси билан қизғин, муваффақиятли мулоқотга киришиб кетишида намоён бўлади. Аввало, ўқитувчи ўзининг касбий-педагогик дилкашлик фазилати ҳақида ва унинг нима эканлигини ва таркибий қисмлари нималардан иборатлиги тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиши лозим. Аввало ўқитувчи ўзининг касбига хос бўлган шахсий фазилатлари нуқтаи назаридан эътибор бериб, дилкашликнинг қандай жиҳатларини ўзида шакллантириш лозимлигини аниқлаши, ва ўз-ўзида коммуникатив ҳислатларни тарбиялашнинг шахсий режасини тузиши керак.

Педагогик коммуникациянинг ўқитувчи касбий фаолиятидаги аҳамияти шундан иборатки, унда ўқитувчининг юксак коммуникатив маданияти қай даражада эканлиги намоён бўлади. Ўқитувчининг коммуникатив маданияти ўз навбатида турли педагогик вазиятларда пайдо бўладиган оддий инсоний дилкашлик хусусиятига таянади. Ҳар биримизда, ўз шахсий мулоқотимизнинг ва ўзгаларнинг биз билан олиб борадиган ширин хушмуомалали мулоқотидан кўплаб ажойиб таассуротлар хотирамизда сақланади. Ўзаро муомалада дилкашлик фазилатларини намоёиш этадиган кўплаб педагог устозларни

биламиз. Улар ҳар қандай вазиятларда кишилар билан бемалол мулоқотга киришиб кета оладилар. Бироқ, мулоқотда бутун суҳбат жараёнини фақат ўзига қаратиб, коммуникациянинг қоқ марказида фаолият кўрсатишни истовчи ўқитувчиларни ҳам бор. Ҳаётда яна шундай ўқитувчилар учрайдики, улар мулоқотда камгап, суҳбатда истар-истамас иштирок этишади, мутлақо фаол коммуникатив ролни бажаришмайди. Фақат коммуникатив хулқи билан суҳбатдошини қўллаб туради. Баъзан ҳеч ким билан умуман мулоқотга кириша олмайдиган тунд тоифали ўқитувчилар ҳам учрайди. Аммо, педагогик фаолиятда мулоқотдаги хушмуомалалилик нафақат инсоний фазилат сифатида, балки ўқитувчилик касбини танлаган ҳар бир кишининг **касбидаги юксак шахсий фазилати** сифатида намоён бўлади. Хушмуомалалилик, Шарқ мутафаккирлари ижодида юксак одоб намунаси сифатида тасвирланган. Дилкашлик, ўқитувчи учун ажойиб безак ҳисобланади ва муошарат одоби сифатида талқин қилиниб, ўқувчилар онгига сингдирилган.

Ўқитувчининг хушмуомалалиги ва дилкашлиги ўзида бутун бир глобал инсонпарварлик жараёнини қамраб олувчи, кўплаб таркибий қисмлардан иборат бўлган ажойиб фазилатларидан биридир. Ўз педагогик касбидан воз кечган собиқ ўқитувчилар билан суҳбат жараёнида шу нарса маълум бўлдики, уларнинг кўпчилиги қўпол, мулоқотда назокатсиз кишилар. Одамлар билан мулоқотга киришиш, улар учун қизиқарли эмас. Шу сабабли ўқитувчи сифатида касбий ҳислатлари ҳам шаклланмаган. Мулоқот жараёни – доимий, узок вақт давомида шаклланувчи, кенг қамровли жараён. Зеро, шунинг учун педагогик фаолият – муомалада қўпол, назокатсиз ўқитувчиларни чарчатади, иш жараёни унинг ғашига ва асабига тегади, таълим муассасасидаги фаолиятига путур етказди.

Хушмуомалалилик ва дилкашлик шахсининг инсоний фазилати сифатида ўқитувчининг ҳам касбий фаолиятидаги юксак фазилатларидан бирига айланиб, ўқитувчининг педагогик мулоқоти унумдорлигини таъминлайди. Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни касбга йўналтиришда, хушмуомалалилик ва дилкашликни шакллантириш учун махсус тайёргарликдан ўтишни тақозо этади. Ўқитувчининг дилкашлиги – учта таркибий қисмни бирлаштирувчи жараён:

- мулоқотда заруриятнинг мавжудлиги;
- мулоқотдан кейин, мулоқот пайтида, мулоқотгача яхши кайфият;
- коммуникатив кўникма ва малакаларга эга бўлиш.

Ушбу таърифда мулоқотнинг ўқитувчи касбий фаолиятидаги ижодий жиҳатлари кўрсатилган. Бироқ, мулоқот учун зарурият ҳамиша мавжудлиги – умуминсоний хусусият бўлиб, у барча касб эгаларига тааллуқлидир.

Рус олими А.В.Мудрик ўз илмий тадқиқотларида ўқитувчининг хушмуомалалилик билан мулоқотга киришиши ва унга кўникма ҳосил қилишга нисбатан қобилиятини аниқлайдиган қуйидаги мезонларни ажратиб кўрсатади:

- инсон тафаккурининг ўзига хос хусусиятларга мувофиқлиги;
- нотиклик санъатини мукамал эгаллаганлик ёки нутқда эркинлик;
- хушмуомалалилик ва ширинсуханлик;
- эмпатия ва ўз-ўзидан пайдо бўладиган ўткир зехнга эга бўлиш;
- маълум бир мақсадга қаратилган аниқ ижтимоий муносабат (масалан, мулоқот жараёнининг натижаларига эмас, балки ўзига нисбатан қизиқувчанлик);
- коммуникатив маҳоратда – вақтни, суҳбатдош ички дунёсини, муносабатни, вазиятни аниқ мўлжалга олиш.

Ушбу нуқтаи назардан таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг касбий фаолиятида мавжуд бўлган педагогик дилкашлик ҳам ўзига хос мазмунга эга ва унинг қуйидаги таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- таълим ва тарбиянинг турли шароитларида таълим олувчилар билан доимий мулоқотда бўлиш учун барқарор заруриятнинг мавжудлиги;
- ўқитувчининг шахсий ва касбий жиҳатдан дилкашлик ва хушмуомалалик фазилатларини намоён қилишда узвийликнинг доимийлиги;
- дилкашлик ва хушмуомалаликнинг барча босқичларида руҳий хотиржамликни ҳис этиш;
- мулоқотнинг самарадорлиги ва педагогик фаолиятнинг турли таркибий қисмларига ижобий таъсир этиши;
- педагогик коммуникация жараёнини амалга оширишда қобилиятнинг мавжудлиги;
- ўқитувчининг педагогик коммуникатив кўникма ва малакаларни доимий эгаллаб бориши.

Ҳозирги кунда таълим-тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, таълим олувчиларни эркин, мустақил фикр юритишга ва онгли интизомга ўргатиш, интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ўқитувчидан чуқур билимга, касбий малака ва кўникмаларга, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлишни талаб қилади. Шу жиҳатдан ўқитувчининг таълим олувчилар билан муносабатида “Педагогик такт” муҳим педагогик қобилият сифатида эътироф этилади.

1. Такт деганда нимани тушунаси?
2. Педагогик тактика тушунчасига таъриф беринг.
3. Педагогик тактикани танлаш усулларини айтиб беринг.
4. Педагогик тактикани қўллаш қоидаларига нималар киради?
5. Педагог одоби деганда нима тушунилади?
6. Педагог одобининг ўзига хосликлари нималарда намоён бўлади?
7. Педагог одоби фазилатларига нималар киради?
8. Педагогик таъсир ва таъсир мезонлари ҳақида маълумот беринг.
9. Ўқитувчилик шаъни ва кадр-қиммати деганда нимани тушунаси?
10. Педагогнинг маънавий қиёфасини таърифлаб беринг.
11. Касбий ахлоқ қоидаларига нималар киради?
12. Педагогик этика тушунчасини изоҳланг.
13. Экстраверт, интроверт шахс хусусиятлари ҳақида гапиринг.
14. Ўқитувчи назокати, дилкашлик тушунчалари маъносини тушунтиринг.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Муслимов Н.А. ва б. Касбий малака ва педагогик маҳорат. Узлуксиз малака ошириш йўналиши бўйича ўқув материаллари. –Т., 2009.

2. Савельева С.С. Педагогические условия формирования профессиональной компетентности учителя в образовательном процессе ВУЗа: Монография / – Коломна.: Позитив, 2012.

3. Занина Л.В., Меньшикова Н.П. Основы педагогического мастерства. – Ростов-на-Дону, 2003.

4. Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Т.: Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона, 2007.

#### **4-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ. ПЕДАГОГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ. ПЕДАГОГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ УСУЛЛАРИ.**

##### **РЕЖА:**

1. Педагогик мулоқот ва унинг функциялари.
2. Педагогик мулоқотнинг тузилиши.
3. Педагогик мулоқот услублари.

4. Коммуникатив қобилият ва унинг тузилиши.
5. Коммуникатив таъсир кўрсатиш методлари.

**Таянч тушунчалар:** Педагогик мулоқот, коммуникатив қобилият, коммуникатив таъсир кўрсатиш методлари, мулоқот услублари, талаб, истиқбол, ишонтариш ва уқтириш, жамоатчилик фикри, педагогик таъсир.

### **1. Педагогик мулоқот ва унинг функциялари**

Психологик луғатларда мулоқот тушунчасига икки хил таъриф берилади: 1) мулоқот – ҳамкорликдаги фаолият эҳтиёжи билан тақозоланган алоқа ўрнатиш ва уни ривожлантириш жараёни; 2) мулоқот – белгилар тизими орқали субъектларнинг ўзаро таъсирлашуви.

Мулоқот – таълим олувчи психологик ва ижтимоий ривожининг муҳим омилларидан бири бўлиб, биргаликдаги фаолиятда умумий натижаларга эришиш, шахслараро муносабатларни йўлга қўйиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг ўзаро ҳаракати. Мулоқот мотивлари таълим олувчининг асосий эҳтиёжлари билан тифиз боғланган бўлиб, ана шу асосдан келиб чиқиб уларни уч муҳим категориясини ажратиш кўрсатиш мумкин: билиш, ишбилармонлик, шахсий.

Психологияда мулоқотни таҳлил қилишда унинг турли жиҳатларига эътибор қаратилади: “коммуникация” (ахборот алмашув), “ижтимоий перцепция” (инсонни инсонни идрок этиши ва тушуниши), “интеракция” (биргаликдаги ҳаракат). Амалий мулоқот мазкур таркибий қисмларнинг йиғин-диси сифатида юзага чиқади. Педагогик жараёнда мулоқот фақат бир функ-ция – ахборот бериш билан чегараланади. Бироқ мулоқотнинг барча таркибий қисмлари – ахборот алмашув ва вазифаларни амалга ошириш, ўзаро муносабатларни ташкил этиш, бола шахсини билиш ва унга таъсир кўрсатишдан фойдаланиш зарур.

Педагогик мулоқот деганда педагог ва тингловчилар жамоаси ўртасида ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг мазмунан ахборот айирбошладан, ўқув-тарбиявий таъсир кўрсатиш ва ўзаро ҳамжиҳатликни ташкил этишдан иборат тизими, усуллари ва малакалари тушунилади. Педагог ушбу жараённинг ташаббускори сифатида майдонга чиқади ва уни ташкил этади ҳамда унга бошчилик қилади.

А.Н.Леонтьев педагогик мулоқотнинг тарбиявий-дидактик аҳамиятини баҳолар экан, қуйидаги фикрларни билдиради: фаол педагогик мулоқот – ўқитувчининг, умуман олганда педагогик жамоанинг таълим-тарбия жараёнида тингловчиларни билиш ва ўрганиш калити ва ўқув фаолиятининг ижодий

характери, тингловчи шахсининг шаклланиши учун энг яхши шароит яратадиган, таълим-тарбияда макбул бўлган эмоционал муҳитни таъминловчи, жумладан, рухий психологик тўсиқларнинг пайдо бўлишини олдини оладиган, таълим олувчилар жамоасида ижтимоий-психологик жараёнларни тўғри йўлга солиб бошқаришни таъминлайдиган ва ўқув тарбиявий жараёнда ўқитувчининг ўз педагогик маҳоратидан оқилона фойдаланиши учун имкониятлар яратадиган муҳим воситадир.

Педагогик фаолиятда мулоқот тингловчиларга замон талаблари асосида таълим бериш вазифаларини ҳал қилиш воситаси, тарбиявий жараёнларни ижтимоий-педагогик жиҳатдан таъминлаш тизими сифатида намоён бўлади.

Педагогик мулоқот ижтимоий-психологик жараён сифатида қуйидаги функциялар билан характерланади: шахсни ўрганиш (билиш), ахборот алмашиш ва фаолиятни ташкил этиш.

Мулоқотнинг ахборот алмашиш функцияси маънавий бойлик ва янгиликлар билан ўртоқлашиш жараёнини ривожлантириш учун ижобий иштиёқлар, ҳамкорликда ишлаш ва фикрлаш учун шароитлар яратишдан иборат.

Роллар алмашилиши ёрдамида мулоқот ўрнатиш эса уларда у ёки бу ижтимоий шаклланиб қолган хатти-ҳаракатни дастурлайди. Ўқитувчилар ўқув-тарбиявий жараёнда шахс-рол шаклидан фойдаланадилар: дарснинг айрим элементларини бажаришга тингловчиларни таклиф қиладилар. Бунда тингловчилар томонидан ўз шахси (мен)ни, ўз қадр-қимматини, шахсини муносиб баҳолаш ва келажагини тасаввур эта билиш учун интилишларини таъминлаш имконияти туғилади.

Мулоқотнинг энг муҳим функцияларидан бири – ҳамдард бўлишдир. У бошқа киши ҳиссиётларини тушуниши, бошқалар нуқтаи назарини маъқуллаш қобилиятини шакллантириши жараёнида амалга ошади ва жамоадаги муносабатларни меъёрга келтиради. Бунда тингловчига унинг истакларини тушуниш ва булар асосида тингловчига таъсир этиш зарурлигини англаш ўқитувчи учун жуда муҳимдир.

## **2. Педагогик мулоқотнинг тузилиши**

Педагог фаолиятининг дидактик ва хусусан тарбиявий вазифаларини ўқитувчи билан тингловчилар жамоаси ўртасидаги сермахсул мулоқот жараёнини ташкил этмасдан туриб, етарли даражада унумли тарзда амалга ошириб бўлмайди. Шу тариқа педагог фаолиятида мулоқот:

биринчидан, хусусан ўқув вазифаларини ҳал этиш воситаси сифатида;  
иккинчидан, тарбиявий жараённи ижтимоий-психологик жиҳатдан таъминловчи тизим сифатида;

учинчидан, ўқитувчилар ва тингловчилар ўртасида таълим ва тарбиянинг муваффақиятли олиб борилишига имкон берадиган ўзаро муносабатларнинг муайян тизимини ташкил этиш усули сифатида;

тўртинчидан, бусиз тингловчининг индивидга хос хусусиятларини тарбиялаб бўлмайдиган жараён сифатида майдонга чиқади.

Педагогик мулоқот педагогик жараён мантиғига мос келадиган динамик тавсифга эга. Педагогик мулоқотнинг тузилишида қуйидаги босқичлар алоҳида ажратиб кўрсатилади: 1. Моделлаштириш (башоратга доир) – педагогик вазифаларга мос ўзаро ҳаракатнинг коммуникатив тузилишини ўзига хос тарзда режалаштиришни амалга ошириш. 2. Бевосита мулоқотни ташкил этиш (коммуникатив ҳужум) – педагог ташаббускорликни ўз қўлига олади, гуруҳни тезлик билан ишга жалб этиш технологияси 3. Мулоқотни бошқариш – қўлланиладиган таъсир кўрсатиш методларининг коммуникативлигини таъминлаш (тингловчиларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш, тингловчиларнинг ташаббус кўрсатишини ташкил этиш, диалогик мулоқотни йўлга қўйиш, ўз мўлжалини реал шароит билан уйғун тарзда коррекциялаш. 4. Амалга оширилаётган педагогик мулоқот технологиясининг бориши ва натижаларини таҳлил этиш. Мазкур босқич кўпинча ўзининг мазмунига кўра мулоқотда қайта алоқа босқичи деб номланади ҳамда коммуникатив вазифани ҳал этишнинг якуний босқичига мос келади.

Педагогик мулоқотда учрайдиган камчиликлар қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) эҳтиётсизлик, шахсиятпарастлик, суҳбатдошни ортиқча мажбурлаш; 2) пассивлик, ўзини юқори қўйиш; 3) ҳаддан ташқари жонбозлик кўрсатиш

### **3. Педагогик мулоқот услублари**

Психологияда турли типдаги бошқарувчиларнинг ижтимоий психологик портрети ишлаб чиқилган бўлиб, унда уларнинг бошқарувида

бўлган жамоа билан мулоқоти техникаси таҳлил қилинган. Ўқитувчи ҳам педагогик жараёнда мулоқотнинг энг кенг тарқалган уч туридан фойдаланади: авторитар, демократик ва либерал.

**Авторитар услуб.** Таълим олувчилар фаолиятига тегишли барча масалаларни, ҳаттоки ким қаерда ўтиришигача ўқитувчи яқка ўзи ҳал қилади, таълим олувчилар томонидан кўрсатладиган барча ташаббусни тақиқлайди. Бу услубни қўлловчи ўқитувчининг мулоқот методлари сифатида буйруқ, кўрсатма бериш ва танбеҳ хизмат қилади.

**Демократик услуб.** Бунда ўқитувчи жамоа фикрига таянган ҳолда иш тутади, фаолият мақсадини барча таълим олувчига етказишга ҳаракат қилади, фаолиятнинг кечишини муҳокама қилишга барчани жалб этади; ўз вазифасини

фақат назорат ва мунофиқлаштириш деб билмай, тарбия билан ҳам шуғулланади; барча таълим олувчиларни рағбатлантиради ва уларда ўз-ўзига ишончни шакллантиради; жамоада ўз-ўзини бошқариш ривожланади. Бу услубни қўлловчи ўқитувчи барча жамоа аъзоларининг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда улар ўртасида вазифаларни тенг бўлишга ҳаракат қилади; ташаббус ва фаолликни рағбатлантиради. Бундай ўқитувчининг мулоқотда қўллайдиган методлари – илтимос, маслаҳат, ахборот беришдир.

Либерал услуб – бошқача қилиб айтганда, анархик. Ўқитувчи жамоа ҳаётига умуман аралашмасликка ҳаракат қилади, фаоллиги суст, муаммоларни юзаки кўриб чиқади, бошқаларнинг таъсирига осон тушиб қолади. Маъсулиятдан ўзини олиб қочади ва ўз авторитетини йўқотади.

В.А.Кан-Калик педагогик мулоқотни муносабатлар ва ўзаро таъсир услублари ташкил этишини таъкидлаб, уларни қуйидаги тарзда туркумлайди:

1) ҳамкорликда олиб бориладиган ижодий ишга бўлган қизиқишга асосланган мулоқот. Ҳамкорликда олиб бориладиган *ижодий ишга бўлган қизиқиш асосидаги* мулоқотда педагог таълим олувчилар ва ишга нисбатан ижобий ёндашади;

2) дўстона муносабатлар асосида қурилган мулоқот. *Дўстона муносабатлар асосида* қурилган мулоқот юқорида кўриб чиқилган мулоқот турига яқиндир. Айрим педагоглар дўстона мулоқотни нотўғри тушуниб, чегарадан чиқиб кетишади. Ўқитувчи ва тингловчи ўртасида маълум бир масофа бўлиши керак. Ушбу масофани аниқлашда ўқитувчининг маданияти, педагогик такти муҳим рол ўйнайди;

3) ўқитувчи ва таълим олувчиларни маълум масофада ушлаб турувчи мулоқот. Маълум масофада ушлаб турувчи мулоқотни ҳам самарали деб бўлмайди. Шунга қарамасдан бу кенг тарқалган услубдир. Бунда педагог ва тарбияланувчилар ўртасида маълум чегара мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича таърифлаш мумкин: “Мен биламан – сизлар билмайсизлар”; “Мени айтганимни қилинглари – менинг ёшим каттароқ, тажрибам кўпроқ, бизни тенглаштириб бўлмайди”. Бу услуб кўпроқ авторитарга яқинроқ бўлиб, у ташқаридан қараганда тартибли фаолиятни амалга оширишга ёрдам бергандай бўлади, лекин юқори самарани бермайди;

4) кўрқитишга асосланган мулоқот. Ўқитувчи ва таълим олувчиларни маълум масофада ушлаб турувчи мулоқотнинг юқори даражадаги кўриниши бу кўрқитишга асосланган мулоқотдир. У ўзида таълим олувчиларга салбий муносабат ва авторитар бошқарувни мажассам этади. Ушбу услубни ёрқин ифодаси сифатида қуйидаги гапларни келтириш мумкин: “Қунт билан

тингланглар, бўлмаса икки кўяман”, “Ҳали кунларингни кўрсатаман”. Бундай услуб машғулот пайтида салбий муҳитни юзага келтиради.

#### **4. Коммуникатив қобилият ва унинг тузилиши**

Бугунги кунда мустақил республикамиз дунё ҳамжамияти томонидан тан олинаётган экан, унинг

келгусидаги ривож, гуллаб-яшнаши бугунги кун ёшларига боғлиқдир. Демак, бугунги ёшлар ҳар томонлама ривожланган, ўзига, бошқа инсонга, жамиятга, табиатга ва меҳнатга ўз тўғри муносабатини билдира оладиган, мустақил фаолият кўрсата оладиган, ижодкор, ташаббускор ва тадбиркор бўлмоғи лозим. Тингловчида ана шу хусусиятларнинг ривожланиши сўзсиз ўқитувчига, унинг ўқув-тарбия жараёнини тўғри бошқара олишига ва тингловчилар билан ўрната оладиган муомала ва муносабатларига боғлиқ.

Коммуникатив қобилият - бу педагогик ўзаро ҳаракат соҳасида махсус кўринишга эга бўлган мулоқотга қобилиятлиликдир.

Психологик адабиётларда коммуникатив қобилиятларнинг бир қанча турлари ажратиб кўрсатилади: 1) инсоннинг инсонни тушуна олиши (инсонни шахс сифатида, унинг алоҳида жиҳатларини, мотив ва эҳтиёжларини баҳолаш, ташқи хулқ-атворини ички олами билан боғлиқликда кўриб чиқиш, юз, қўл, гавда ҳаракатларини “ўқиш” кўникмаси) 2) инсонни ўз-ўзини англай олиши (ўз билими, қобилияти, ўз характери ва бошқа қирраларини баҳолаш, инсон бошқалар томонидан қай тарзда қабул қилиниши ва атрофдагилар кўзи билан баҳолаш); 3) мулоқот вазиятини тўғри баҳолай олиш кўникмаси (мавжуд ҳолатни кузатиш, унинг намоён бўлиш белгилари ҳақида кўпроқ ахборотларни ажарата олиш, уларга эътиборни қаратиш, юзага келаётган вазиятнинг ижтимоий ва психологик моҳиятини тўғри идрок этиш ва баҳолаш).

Таҳлил этиш гносеология, психологияда билиш ва амалий фаолиятга доир барча ҳаракатларни ўз ичига олади, педагогикада эса, тадқиқ қилинаётган нарса-ҳодисаларнинг алоҳида таркибий қисмларга ажратиш қонуният ва усулларини ўзида акс эттирувчи билиш жараёни сифатида ифода этилади. О.О.Кашченконинг фикрича, ўз-ўзини таҳлил этиш фалсафа ва психологияда ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини баҳолашнинг таркибий қисми сифатида акс эттирилса ҳам мустақил категория сифатида ишлатилмайди. Бироқ ўз-ўзини англашнинг шаклланиши ва ривожланиши ўз-ўзини таҳлил этиш асосида амалга ошишини эсда тутиш зарур. Чунки айнан педагогик воқеликда ўз-ўзини таҳлил этиш кўникмаларини ривожлантиришнинг аҳамияти уларнинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари, қизиқишлари, мотив, эҳтиёжлари тизими сифатида тушуниладиган “Мен-концепцияси”нинг ривожланишига ундовчи ички омилларнинг энг асосийларидан биридир.

Ўз-ўзини таҳлил этиш усуллари қуйидагиларга эътибор қаратишни талаб этади:

1) ижтимоийликка йўналтирилган ўзаро ҳаракат вазиятларидан шахсий хулқ-атвор, тарбияланувчи шахси, унинг ўзига хосликлари, кадриятлари тизими кабиларни объект сифатида кўриб чиқиш;

2) ўз хулқ-атвори, шахсий фазилатларини таҳлил этиш мезонлари тизимини аниқлаш;

3) номаълумдан маълумни ажратиб олиш;

4) қарама-қаршиликларни аниқлаш.

Ўз-ўзини таҳлил этиш ўз-ўзини англашдан аввал келиб, айнан унинг асосида шахснинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари умумлашган кўринишга ўтади. Ўз-ўзини англаш натижасида шахсда ўзининг кимлигини англаш, ўзининг жамиятдаги ўрнини тушуниб етиш, бошқаларнинг кўз ўнгида ким сифатида гавдаланишини ҳис этиш кабилар шаклланади. Ўз-ўзини англаш ўз-ўзига муносабат сифатида шаклланувчи ҳиссий ва мантиқий жиҳатларни ўзида акс эттиради.

Маълумки, ўз-ўзини англаш усуллари ҳам мантиқий, ҳам эмоционал даражада ўз-ўзини таҳлил этиш натижасида олинган ахборотларни аниқлаштириш ва умумлаштиришни талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, ўз-ўзини таҳлил этиш ва ўз-ўзини англаш педагогда ўзи ва бошқаларнинг у ҳақидаги тасаввури сифатидаги касбий “Мен қиёфаси”нинг шаклланишига олиб келади.

## **5. Коммуникатив таъсир кўрсатиш методлари**

Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи томонидан педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий методларига қуйидагилар киради: талаб, истиқбол, рағбатлантириш ва жазолаш, жамоатчилик фикри.

Талаб - таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчининг тарбияланувчига нисбатан шахсий муносабатларида намоён бўлади. Тингловчининг у ёки бу хатти-ҳаракати ўқитувчи назоратида бўлиб, ижобий жиҳатлари рағбатлантириб борилади ёки аксинча ноҳўя хатти-ҳаракати тўхтатиб қўйилади.

Истиқбол – таъсирчан педагогик усул бўлиб, тингловчиларда мустақил фикр юритишни, маълум бир мақсадга, орзуга эркин интилиш ҳиссини такомиллаштиради. Бу мақсадлар уларнинг шахсий интилишларида, қизиқиш ва муддаоларида намоён бўлади. Ушбу усул мактаб тингловчиларини шахс сифатида энг муҳим инсоний фазилатларидан бири бўлган мақсадга интилувчанликни ривожлантиради.

Рағбатлантириш ва жазолаш – тарбиявий таъсирнинг энг анъанавий усули бўлиб, тингловчилар хулқ-атворига ижобий таъсир этишдан иборат. Яхши

хулқ, фойдали меҳнат ва хатти-ҳаракат, ахлоқий ҳислат, топшириқларнинг сўзсиз бажарилиши учун тингловчи рағбатлантирилади. Номқбул хатти-ҳаракат, тартиббузарлик, ўз бурчини бажармаслик жазолаш орқали бартараф этилади. Ушбу усул ахлоқий таъсир кўрсатишни таъминлайди, уни қўллаш жараёнида ўқитувчидан ниҳоятда эҳтиёткорлик, сезгирлик ва хушёрлик талаб этилади.

Жамоатчилик фикри – тарбиявий таъсир кўрсатишнинг энг муҳим усули бўлиб, тингловчиларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини бажарилиш натижаларига қараб мунтазам рағбатлантириб боришда намоён бўлади. Жамоанинг тарбиявий вазифаларини маълум бир йўналишда амалга оширилишини таъминлайди, тингловчиларнинг бир-бирларига дўстона муносабатини шакллантиради.

Мулоқотнинг ижтимоий-психологик назарияси ва педагогик тажрибаларини ўрганиш педагогик таъсир этишда икки метод: ишонтириш ва уқтиришдан кенг фойдаланиш лозимлигини кўрсатади.

Ишонтириш – тингловчиларга хатти-ҳаракатларнинг тўғрилиги ва зарурлигини, шунингдек, айрим хулқ-атворларнинг нотўғрилигини тушунтириш ва исботлашдир. Ишонтириш жараёнида тингловчиларда янги билим, кўникма, малака ҳамда ахлоқий сифатлар шакллантирилади. Булар эса тингловчилар ва уларнинг атрофидагилар учун меъёр (мезон) бўлиб хизмат қилади.

Ўқитувчининг ҳар қандай тарбиявий таъсир кўрсатиши, оқибат натижада тингловчи руҳиятига ҳар томонлама таъсир кўрсатишга, яъни тингловчиларда ижобий ҳиссиётларни: хулқ-атвор, муносабатлар, хатти-ҳаракатларни шакллантириш ва мустақкамлашга йўналган бўлади. Лекин ишонтириш ва уқтиришнинг технологик механизмлари турличадир.

Ўсиб бораётган ёшлар ижтимоий муҳит ва табиат билан ҳам ўзаро таъсирланадилар. Бу ўзаро таъсир натижасида уларда ишонч, янги билимлар ва муносабатлар, ахлоқий меъёрлар мажмуи вужудга келади.

Ишонтириш ҳақиқий ва сохта бўлиши мумкин. Ҳақиқий ишонч реал воқеликка мос келади ва шахснинг жамият олдигаги кадр-қимматини оширади. Ўзининг ҳақиқий ишончига содиқ бўлиши учун киши ҳатто ўлимига ҳам рози бўлади. Масалан, Ватанга содиқлик руҳида тарбияланган аскарларимизнинг жанг майдонида кўрсатган матонатлари.

Сохта ишонч эса, аввало гуруҳ жамоаси, қолаверса, жамият учун зарарли бўлган одатларнинг шаклланишига олиб келади. Сохта ишонч тингловчиларнинг ўзи ва атрофидагилар таъсирининг умумлашуви натижасида вужудга келади.

Айрим тингловчиларда сохта ишонч ҳосил бўлишининг сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин:

1) фақат аъло баҳога ўқиш - бу билим олишда кўр-кўроналик, қурук ёдлашга олиб боради;

2) ўзини ўта итоаткорона тутиш - бу тингловчи фаолиятини ниҳоятда паст бўлишига олиб келади. Меъёрдаги тингловчи ўқитувчидан баъзан танбех олиб туриши керак;

3) ўқитувчини алдаш-бу тингловчини ўта ақлли ва топқирлигидан далолат беради;

4) мактаб ички тартиб-қоидасини бузиш фақат кучли характерга эга бўлган тингловчигагина хос бўлиб, у ўқитувчи томонидан танқид қилиб турилади;

5) ҳаддан ташқари кўп меҳнат қилиш - бу керак бўлмаган тиришқоқликдир.

Юқорида келтирилган ишончнинг бундай тури тингловчида шаклланиб, аста-секин боқимандалик, ўқиш ва меҳнат фаолиятида сусткашлик кайфиятини содир қилади.

Сохта ишончни бартараф қилиш учун ўқитувчи қуйидаги уч йўналишда иш олиб бориши керак:

1. Гуруҳ жамоасида соғлом ижтимоий фикрни шакллантириш.

2. Муҳим аҳамият касб этувчи шахсий ҳаётини тажриба яратиш.

3. Сохта ишончни асосий тарзда инкор қилиш.

Сохта ишончни ўзгартиришнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1) тингловчини ўзини бошқалар билан таққослашга ундаш. Унинг фикрига қарама-қарши фикрда бўлган киши билан яқиндан танишиш (масалан, бола ўқишни хоҳламайди, лекин унинг таниш ўртоғи кўп ўқийди ва билади, аммо ўзини “қурук ёдловчи” ёки “ўта билимдон” қилиб кўрсатмайди);

2) нотўғри қарашлар ва ишонч оқибатда нималарга олиб келишини кўрсатиш (масалан, ана шундай хислатларга эга бўлиб, ўз ҳаётини барбод қилган, ўз эрки, ғурури ва виждонини йўқотган кишилар ҳақида сўзлаб бериш. Бунинг учун ҳаётини мисоллар, бадиий асарлар, кинофилмлар ва бошқалардан фойдаланиш мумкин);

3) сохта ишончни ёқлаб, ҳимоя қилувчи тингловчи фикрини мантиқий ривожлантириб, уни ҳайратга солувчи ҳолатга етказиш. Масалан, барча тингловчилар ўқитувчиларни алдаш, ички тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик нималарга олиб бориши мумкин).

Ишонтиришнинг бирон ташкил этувчисига амал қилмаслик ҳам тарбиявий иш самарадорлигини пасайтириб юборади. Бундай ҳолатда тингловчида фақат билиш шаклланган холос. Инсон ўзини қандай тутиши

лозимлигини билиши, айнан шундай тутиши лозимлигини тушуниши, лекин ўзини бунга мажбур қилолмаслиги мумкин.

Демак, бу унинг иродавий сифатлари ривожланмаганлигини, хулқ-атвор қоидаларига амал қилиш малакаси таркиб топмаганлигини англатади.

Ишонтириш билимлар, қарашлар ва хулқ-атвор меъёрлари тизими бўлиб қолмай, балки уларни шакллантириш усуллари ҳамдир. Ишонтириш ёрдамида янги қарашлар, муносабатлар шаклланади ёки нотўғри фикрлар ўзгаради.

Мунозара, тортишув, суҳбат, ўқитувчи ҳикояси ва унинг шахсий ибрат намунаси ишонтириш шакллари бўлиб ҳисобланади. Ишонтириш тингловчиларга таъсир этиш методи сифатида юқори самара бериши учун у куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1) ишонтиришнинг шакли ва мазмуни, тингловчилар ёш даврига мос бўлиши лозим (кичик мактаб ёшида эртак, ривоят ва фантастик ҳикоялар мисолида, сўнгра эса борлиқ дунёни ўрганиш инсон маънавий дунёсини ўрганиш);

2) ишонтириш тингловчиларнинг индивидуал хусусиятларига мос бўлиши лозим. Бунинг учун тингловчининг ҳақиқий ҳаёт тарзини ўрганиш зарур;

3) ишонтириш умумий тарздаги қоида ва принциплардан ташқари аниқ далил ва мисолларни ҳам ўз ичига олиши зарур (ўқитишдан кўргазмалиликка эътибор бериш);

4) ишонтириш жараёнида баъзи ҳолатларда барча бир хил хабардор бўлган далил ва хулқ-атворни муҳокама қилишга тўғри келади. Бу, ўз навбатида далилнинг ҳаққонийлиги тўғрисидаги иккиланишларни йўққа чиқаришга ва умумий тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради;

5) бошқаларни ишонтирар экан, ўқитувчи ўз фикрига қатъий ишониши зарур.

Ишонтириш жараёнини ташкил этишда тингловчи руҳий қиёфасининг ўзига хослигини эътиборга олиш лозим. Бунинг учун педагог тингловчи олий асаб тизимининг типини, унинг таълим-тарбия ва камолотининг ривожланиш доирасини билиши зарур. Масалан: бола кучли мувозанатлашган (сангвиник) асаб тизими типига эга бўлсин. Унда тормозланиш жараёнига нисбатан кўзғалиш жараёни кучлироқ бўлади. Бу ҳолда ўқитувчи ишонтириш жараёнини тингловчи асаб тизимини ортиқча кўзғалишига йўл қўймайдиган, қўшимча ҳиссиёт содир қилмайдиган тарзда олиб бориши керак.

Фикр, сезги ва иродавий хислатлар бир бутун яхлитликни ташкил этгандагина, ишонтириш методи ҳақиқий ҳаракатлантиручи кучга айланиши мумкин. Бу методни қўллашда ишонтириш таркиби билиш, сезги, ҳиссиёт, хулқ-атворга амал қилиш мақсадга мувофиқ.

Ишонтириш натижаси ўқитувчининг сўз мулкига ҳам боғлиқдир. Педагогнинг сўзи ва иши ҳам бир бўлиши керак. Сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш ўқитувчининг маданий савиясида ва тингловчи мулоқотида муҳим аҳамият касб этади. Чунки инсоннинг “ақл-заковати, фикр-туйғулари, билими ва маданият савияси, тафаккури маълум даражада сўзда ифода этилади. Муомала маданиятида сўз ақлдан куч, тилдан ихтиёр олади” (Азиз Юнусов). Сўз билан оғзаки таъсир ўтказишни амалда ўз педагогик фаолиятида қўлловчи ўқитувчи ўз хиссиётларини, ижодий таъсирланишини бошқариш кўникмаларига эга бўлиши ва ўз хис-туйғуларини фақат таълим–тарбиявий мақсадни амалга ошириш учун ифодалаш ҳамда тингловчи қалбини ноўрин сўзлар билан жароҳатлаб қўймаслиги, сўзларни аниқ ифодалашда педагогик такт нормаларидан чиқиб кетмаслиги лозим. Сўз қудрати ҳақида Р.Декартнинг қуйидаги фикрлари ўқитувчиларга ҳам бевосита тааллуқлидир: “Сўзларнинг маъноларини, қудратини одамларга аниқ ифодалаб тушунтириб беринг, шунда сиз инсоният оламини барча англашилмовчиликларнинг ярмидан халос қилган бўласиз”.

Ўқитувчининг имо-ишоралари ва юз ҳаракатлари сўз билан оғзаки таъсир қилишни кучайтиради. Юз ҳаракатлари ва имо-ишоралар нутқда овознинг баланд-пастлиги билан мос келиши керак. Огоҳлантирувчи сўзлар, нотиклик санъати асосида таъсир этиш, вазифани ижро этишга ундовчи буйруқлар, таъқиқланган ибораларни ишлатмаслик, ҳазил орқали фикрини англайтиш, тингловчининг эркин мулоҳазаларини маъқуллаш ёки ножўя ҳаракатлари учун айблаш сўзнинг оғзаки таъсир этувчи компонентларидир. Сўз билан имо-ишоранинг ва юз ҳаракатларининг бирлиги маълум қилинаётган ахборот ҳажмдорлиги ва таъсирчанлигини кучайтириши лозим. Ҳар қандай шароитда ўқитувчи тингловчилар билан синфда учрашишга махсус ҳозирлик кўриши лозим.

Ишонтириш методини қайта тарбиялаш, яъни қараш ва муносабатларни шакллантиришда қўллаш, у ёки бу хислатларни намоёни қилиш зарур бўлган махсус вазиятлар яратиш орқали амалга оширилиши ҳам мумкин. Тасодифий вазиятлар қуйидаги йўллар билан яратилади: дарсда тингловчига кутилмаган савол бериш, дарсдан ташқаридаги нотўғри хатти-ҳаракатига иқроор бўлишига мажбур қилиш, ўйинда эса ҳаракат қилишга ундаш. Мактаб ҳаётида тасдиқланганидек, баъзан тингловчи ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга шароит бўлмагани учун ҳам тарбияси оғирлар қаторига қўшилиб қолар экан. Ундан дарсда онда-сонда сўрашади: ўқитувчи унинг билимига ишонмайди, дарс пайтида унга эътибор беришга вақтдан қизғанади. Агар тингловчига тез-тез мурожаат қилинса, унга ўз фикрини баён қилиш таклиф этилса, унинг ҳулқида шаклланиб қолган стереотиплар аста-секин ўзгара бошлайди.

Уқтириш – кишиларнинг мулоқот фаолияти жараёнида ўзаро таъсир этишлари воситаларидан биридир. Уқтиришнинг ўзига хослиги, инсон руҳиятига унинг ўзига сездирмасдан таъсир этиши, шахс психикаси, таркибий тузилишига беихтиёр кириб бориш ва кундалик ҳаётдаги қилиқлар, интилишлар, мотивлар ва йўл- йўриқларда акс этишидир.

Ҳар қандай педагогик таъсир этишда уқтириш элементи мавжуд бўлади. Тўғри ташкил этилган уқтириш тингловчиларнинг онгли равишдаги фаоллигини оширишга бевосита таъсир кўрсатади.

Сўз ёрдамида тингловчида тетиклик ёки қўрқув, хурсандлик ёки хафалик, ўзига ишонч ва ишонмаслик, қизиқувчанлик ёки зерикиш, бошқаларга ишониш ёки улардан ҳадиксираш каби сезгиларни вужудга келтириш мумкин. Ўқитувчининг ёмон кайфияти тўлқин каби бир зумда тингловчиларни қамраб олишини ҳам фақат уқтириш билангина тушуниш мумкин. Ёки асабийлашган характерга эга бўлган гуруҳ раҳбари тез орада асабий ҳолат гуруҳда мулоқот меъёрига айланиб қолганлигидан таажжубланади.

Педагогик уқтириш самарадорлигини оширишнинг умумий шартлари қуйидагилардан иборат:

- ўқув материалининг мазмуни;
- уқтириш амалга оширилаётган вазият;
- уқтириш натижасида ўқитувчининг ишончи;
- тингловчиларнинг ўқитувчига муносабати (ҳурмат қилиши);
- тингловчиларнинг ёш даврлари ва индивидуал хусусиятлари эътиборга олиниши;
- тингловчиларнинг уқтириш техникасини эгаллаганликлари;
- уқтириш натижасида қарор топган хислатларни рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш.

Уқтиришни туркумларга ажратиш учун қуйидагилар асос қилиб олинади.

1. Уқтириб таъсир этиш манбалари бўйича: а) бошқа киши томонидан уқтириш; б) ўз-ўзини уқтириш - бундай уқтириш объекти ва субъекти бир-бири билан устма-уст тушади

2. Уқтириш объектининг ҳолати бўйича: а) уйғоқ ҳолатда уқтириш; б) табиий уйқу ҳолатида уқтириш; в) гипноз ҳолатида уқтириш. Замонавий дидактикада гипноз ҳолатда уқтириш ва табиий уйқу ҳолатида уқтириш (туш кўраётганда чет тилини ўрганиш – гипнопедия) ҳам қўлланилишидан қатъи назар, биз педагогик муносабатлар истиқболини белгиловчи уйғоқ ҳолатда уқтиришни ўрганамиз.

3. Ўқитувчининг мақсади бўйича: а) олдиндан мўлжалланган уқтириш; б) олдиндан мўлжалланмаган уқтириш. Олдиндан мўлжалланган уқтиришда

ўқитувчи ўз мақсадига эришиш учун тингловчига онгли ва изчиллик билан рухий таъсир кўрсатиб боради.

4. Уқтириб таъсир кўрсатиш унинг оқибатига қараб: а) ижобий (одатлар, қизиқишлар, қарашлар, муносабатлар); б) салбий (ўз-ўзини паст баҳолаш, масъулияцизлик, журъацизлик ва ҳоказолар) кўринишлар бўлиши мумкин.

5. Уқтириш мазмунига қараб икки турга бўлинади: а) очикдан-очик уқтириш, бунда уқтириш мақсади унинг шаклига мос келади. Уқтирувчи тўғридан-тўғри ва очик ҳолда тингловчини баъзи хатти-ҳаракатларини бажаришга ёки бундан ўзини тўхтатишга чақиради. «Сен бундан кейин доим дарсни тайёрлаб келсан, сенга ишонаман» (аниқ шахсга йўналтирилган фикр); б) ёпиқ (воситали) уқтириш. Бунда таъсир этиш мақсади «ниқобланган» бўлади. Тингловчи уқтирувчини кучга эга эканлигини кўп ҳолларда англамайди. Бу ҳолда сўзловчи тингловчида айнан ўзидаги тасаввур, қиёфа ва сезгиларни гавдалантиради. Натижада унинг олдида тўла ишонч қозонади. Уқтириш кишиларнинг мулоқотда ўзаро таъсир этиш жараёни сифатида ихтиёрий ва ихтиёрсиз тўғридан-тўғри кўринишга эга бўлиши мумкин.

?	<b>НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР</b>
---	--

1. Педагогик мулоқотнинг ўзига хосликлари нимада?
2. Коммуникатив вазифа деганда нимани тушунасиз?
3. Педагогик мулоқот босқичларини санаб беринг.
4. Сиз таҳсил олган таълим муассасасида ўқитувчилар қандай мулоқот услубидан кўпроқ фойдаланишар эди?
5. Сизнинг фикрингизча, таълим муассасаларида мулоқотнинг авторитар услубини қўллаш лозим бўладими?
6. Коммуникатив қобилият деганда нимани тушунасиз?
7. Коммуникатив қобилиятнинг қандай турлари мавжуд?
8. Ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини таҳлил этиш тушунчаларини қандай изоҳлаш мумкин?
9. Педагогик таъсир кўрсатишнинг самарали методларига нималар киради?
10. Ишонтириш методининг афзалликлари нимада?
11. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти деганда нимани тушунасиз?
12. Ўқитувчининг фикр алмашуви билан боғлиқ хусусиятлари?
13. Тарбиявий жараёнда тақлид қилишнинг аҳамияти ҳақида?
14. Ўқувчи онгига таъсир этишнинг асосий манбалари?
15. Педагогик таъсир кўрсатиш тушунчасини изоҳлаб беринг?

16. Ўзбекистон Республикасида ёш авлод тарбиясидан кутилган асосий мақсад?
17. Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари?
18. Синф жамоаси билан бўлғуси мулоқотга тайёргарлик шартми?
19. Педагогик муносабатда муваффақият гарови нималардан иборат?
20. Хушмуомалаликда ёш ўқитувчи амал қиладиган мезонлар нима?
21. Сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш компонентлари ҳақида мулоҳазаларингиз?
22. Ишонтириш методини қўллашда қандай қоидаларга риоя қилиш лозим?

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Omonov N.T. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – T.: “Iqtisod–moliya”. 2009. – 240 b.
2. Педагогика. (Под ред. П.И. Пидкасистого).- М.: Педагогическое общество России, 2003.- 608 с.
3. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм: Педагогика назарияси. (М.Х.Тохтаходжаева ва б.) – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007. – 380 б.
4. Раченко И.П. Диагностика развития педагогического творчества учителя. – Пятигорск, 1992.- 196 с.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-амалий машғулот: Ўқитувчининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш йўллари. Педагогик қобилиятнинг асосий сифатлари ва хусусиятлари.**

**1-топшириқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Қайси бири қийин – машғулотнинг бошланишими ёки якуни?

а) ўқитувчи учун; б) тингловчилар учун.

2. Машғулот жараёнида пауза давомий бўлиши мумкинми?

3. Ишлаш учун нима самарали: ўқитувчи бутун гуруҳга савол билан муурожаат қилишими ёки алоҳида ўқувчига?

4. Машғулотни қандай ташкил этиш маъқул: тингловчиларни фикрий фаолиятини битта тор доирадаги саволни муҳокама қилишга қаратишими ёки уларни хилма-хил фаолият турларига жалб этишими?

5. Агар тингловчилар ўқув материални биринчи мартанинг ўзида англаб ва тушуниб олишган бўлса, уни бир неча мартаба ўқиб чиқишга йўналтириш керакми?

**2-топшириқ. Ўқитувчи диққатининг йўналганлигини аниқланг:**

- янги материални тушунтириш жараёнида;

- билимларни текшириш жараёнида;

- тингловчиларнинг мустақил ва назорат ишларини бажаришлари жараёнида;

- яхлит тарзда машғулотни ўтказиш жараёнида.

Тингловчилар фаолиятидаги қандай ташқи белгилар ўқитувчига машғулотнинг ҳар бир босқичида педагогик хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

**3-топшириқ. Қуйида келтирилган диққатнинг ҳар бир сифати учун унинг намоён бўлишини тасвирлашга доир таълим муассасаси ҳаётидан аниқ мисоллар ва далилларни излаб топинг.**

Диққат сифатлари

Фаоллик: ихтиёрий (онгли), ихтиёрсиз (англанмаган).

Йўналганлик: ташқи (атроф-муҳитга нисбатан), ички (ўз-ўзига).

Қамров доираси: ҳажми (катта, кичик), тақсимланиши (узун, қисқа).

Кўчиши (осон, қийин).

Барқарорлиги (барқарор, барқарор эмас).

#### **4-топширик. “Ўзгалар фикрини ўқиш”.**

Дафтарингизга ёзма тарзда гуруҳ аъзоларидан бирининг кайфиятини ёзинг. Тавсифномада ким ҳақида ёзаётганлигингизни ошкор қилманг.

#### **Касбий-педагогик фантазияни фаоллаштиришга доир топшириқлар**

**1-топшириқ.** Қуйида келтирилган сўзлардан имкони борича кўпроқ гап тузинг: “дарахт”, “уй”, “таълим олувчилар”, “дераза”. Ҳар бир гапда мазкур сўзларнинг барчаси иштирок этиши лозим.

**2-топшириқ.** Қуйида келтирилган сўзлар асосида қисқа ҳажмли ҳикоя тузинг: “кабинет”, “калит”, “шляпа”, “қоровул”, “ёмғир”, “қайиқ”, “атиргул”, “тимсоҳ”.

**3-топшириқ.** А) фантастик дарахт; б) фантастик ҳайвоннинг расмини чизинг. Қандай воситалар ёрдамида янги образ яратилганлигини аниқланг. Унга ном беринг.

**4-топшириқ.** Қуйида келтирилган ҳикояни давом эттиринг. “Чет тили ўқитувчиси Нигора Бобоқуловна синф хонасига кирди. Ҳаммаси одатдагидек, тингловчилар партани олдида тик туриб, унга салом бериб қарши олишди. Доскада феъл сўз туркумига оид плакат осийлиқ турибди. Тўсатдан...”.

**5-топшириқ.** Образ яратишга ҳаракат қилинг (масалан, кишлоқ кўчаси: қум, товуклар, болачалар югуриб юришибди). Сўнгра сизга яратган образни рассом, бастакор, ёзувчи, ўқитувчи қандай кўришини изоҳланг.

**6-топшириқ.** “Истикболдаги таълим муассасаси” қандай бўлиши ҳақида ўйланг ва уни ёзма баён этинг. Мазкур таълим муассасаси ўқитувчилари ва тингловчиларини сиз қандай тасаввур этасиз? Унинг ўзига хосликлари ва фарқли жиҳатларини ажратинг.

**7-топшириқ.** Малака оширишда бирга ўқиган курсдошларни йигирма йилдан сўнг табрикланг. Мазкур табрик учун асос бўлган ностандарт вазиятни ўйлаб топинг.

**8- топшириқ.** Қуйидаги мавзулар асосида режа тузинг ва ўзингизнинг фикр – мулоҳазаларингизни билдириб, “Мустақил иш” ёзинг:

1. “Педагогик таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш”

2. “Дарс жараёнида ўқитувчининг компьютер технологияларидан фойдаланиши”.

## **2- амалий машғулот: Ўқитувчининг мимик, пантомимик, актёрлик ва режиссёрлик маҳорати.**

### **Педагогик техникага доир топшириқлар**

**1-топшириқ.** Қуйида келтирилган вазиятлар билан танишинг ва берилган вазиятга мос мимик, пантомимик кўринишни ифода этиб беринг.

1-вазият. Ўқитувчининг хонага кириб келиши. Саломлашиш. Ўзини таништириш ва гуруҳ билан танишув.

2-вазият. Ўқитувчининг аудиторияга кириши. Саломлашиш. Тасодифан эшик тақиллаши. Ҳаракатланинг ва муносабат билдиринг.

3-вазият. Ўқитувчининг аудиторияга кириб келиши. Саломлашиш. Қуйидаги тарзда ҳикояни бошлаш: “Тингловчилар мен сизларга қуйидаги ҳақида айтмоқчиман...”. Ҳикояни давом эттириш (фан билан боғлиқ ёки қизиқарли бирор воқеага тааллуқли). Ҳикоя қилувчининг вазифаси – тингловчиларнинг диққатини воқеага жамлаш, аудитория билан контактга киришиш, ўзининг ташқи кўриниши ҳақида ўйлаш.

### **2-топшириқ. Умумий мимик реакцияни аниқлашга доир топшириқ.**

Дарс бошланди. Сиз ўқитувчи столини олдида сиз. Эшик очилди. Кириб келган тингловчига қаранг:

Талабчанликка доир: “Кириш, тезроқ ўтириш”.

Ҳайратланишга доир: “Мен сиздан буни кутмаган эдим”.

Сўроқ оҳангида: “Тушунмадим, нимадир содир бўлдимми?”

Норози оҳангида: “Рухсат, сизга! Дарсга халақит қилманг?”

Хурсанд оҳангида: “Ва ниҳоят келдизми?”

### **3-топшириқ. Индивидуал реакцияни акс эттиришга доир топшириқ.**

Сиз доскага ёзпасиз. Тингловчилар сиз билан бирга дафтарларига ёзиб боришлари керак. “Тўсатдан” қанақадир шовқин эшитилди, орқага қарадингиз, қуйидагиларни ифода этинг:

Ҳайрат билан: “Тушунмадим, нимадир бўлдимми?”

Мулоҳаза билан: “Ким, шу шовқин қилаётган? Ҳалиям ёзишни бошламадизми?”

Талабчанлик билан: “Шовқин қилманг, тинч ўтириб ёзинг”.

Зарда оҳангида: “Жим, ёзаётган вақтда шовқин қилмаслик керак”.

Қайғуриш оҳангида: “Мен тушунмайман, ёзаётганда вақтда ҳам шовқин қилиш мумкин-ми?!”

**4-топшириқ.** Овоз бузилишларининг 4та сабабини изоҳланг.

1. Ҳар кунги овоз зўриқиши

2. Овоз апаратининг заифлиги

3. Гигиена қоидаларини билмаслик

4. Овоз апаратининг туғма заифлиги.

**3- амалий машғулот: Ўқитувчи фаолиятида педагогик такт масалалари.**

**Ўқитувчи имиджи.**

**КЕЙС**

**Мавзу: “Ўқитувчи имиджи ва педагогик назокат”**

*Ушбу кейснинг мақсади:* Ўқитувчи имиджининг аҳамияти, кийиниш маданияти ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш; муаммоли вазиятларни таҳлил этиш ва асосланган қарорларни қабул қилиш, ташқи кўриниш, хусусан, кийиниш маданияти ва муомала маданиятининг уйғунлигини таҳлил қилиш, бўлажак ўқитувчиларда юксак дид, мулоқот компетенциясини шакллантириш бўйича амалий кўникмаларни таркиб топтириш.

*Ўқув фаолиятдан кутиладиган натижалар:*

1) муомала маданиятининг асосий коммуникатив сифатлари ҳақида маълумотга эга бўлиш;

2) Ўқитувчи имиджи ва кийиниш маданияти ҳақидаги билимларини таҳлил қилиш;

3) ташқи кўриниш, хусусан, кийиниш маданияти ва муомала маданиятининг уйғунлиги ҳақида фикр юритиш;

4) юксак дид, мулоқот компетенциясини шакллантириш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш.

*Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун* мулоқот маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, коммуникатив сифатлари, педагогик такт, педагогик назокат, ўқитувчининг муомала одоби коммуникатив компетентлик, кийиниш маданиятининг этик ва эстетик жиҳатлари ҳақидаги билим, кўникма, малакаларга эга бўлишлари лозим.

*Ахборот манбалари:*

1. Муслимов Н.А., Муталипова М.Ж., Абдуллаева Қ.М. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологияси. Методик қўлланма. –Т., 2014.

2. Головкин Е.А. Технология формирования коммуникативной компетентности молодых специалистов на этапе адаптации к педагогической деятельности. Ставрополь, 2004.

*Кейснинг ўзига хос белгиларига кўра тавсифномаси:* Ушбу кейс сюжетсиз кейслар категориясига киради ва аниқ топшириқлар асосида баён этилган. Кейснинг объекти кийиниш маданияти билан боғлиқ мулоқот компетенциясининг мақбул вариантларини ишлаб чиқишга йўналтирилган. Ҳажми ўртача, тренинга мўлжалланган. Мавзу юзасидан кўникма ва малакаларни эгаллашга йўналтирилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни тақдим қилиш, уларни ҳал этиш, таҳлил этиш, уни амалиётга татбиқ этиш технологиясини яратиш ва баҳолашга йўналтирилган.

## КИРИШ

### **Саломатликка таҳдид солаётган «мода»**

Оила мустақамлигининг муҳим омилларидан бири фарзандлар соғломлигидир. Бунинг учун эса аввало она соғлом бўлиши керак. Хўш, бугунги кунда қизларимизнинг — эртанги оналарнинг соғлигига етарлича эътибор беряпмизми? Уларни чиройли кийинтириб, барча орзу-истакларини бажо келтиришга уринамиз, келажакка тайёрлаб, рўзгор ишларини ўргатамиз. Бир сўз билан айтганда, замонавий қилиб тарбияляпмиз. Аммо ўша «замонавийлик»нинг шартлари қизларимизнинг эртанги масъулиятларига зид келмаяптимикин? Боз устига агар қизларимиз ўқитувчилик касбини танлаган бўлсачи?

Кийимнинг вазифаси нималардан иборат? Танани иссиқ-совуқ, ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш ва қулайлик яратишдир. Афсуски, сўнгги пайтларда либос ўз моҳиятини йўқотиб боряпти. Чиройли кийинишга интилиш асносида қулайлик, саломатликка фойдали томонлари назардан четда қоляпти. Ҳозирги «мода»нинг энг «оғриқли» жойи — торлиги. Қизнинг шими этига терисидек ёпишган. Шифокорларнинг таъкидлашича, мунтазам ва айниқса тор шим кийиш организмда модда алмашинувини издан чиқаради, гинекологик ва эндокринологик касалликларга сабаб бўлади, бепуштликни рағбатлантиради. Бунинг устига, ҳозирги кийимларнинг аксарияти табиий эмас, сунъий матолардан тайёрланмоқдаки, бу танани бир нечта қулайликлардан бебаҳра қилади. Замонавий қизимизнинг ташқи оламига назар ташладик. Ўйга толдик: кийинишидаги зўрма-зўракилик, сунъийлик ички оламидаги нозик ҳилқат — кўнгилга дахл қилмасмикин, ишқилиб?

Ҳамма қизлар чиройли бўлишни исташади. Шу ўринда бир мисол: Ҳолливуд актёрлари билан махсус ички (маънавий) ва ташқи (жисмоний) гўзаллик мутаносиблиги тўғрисида суҳбатлар ўтказилар экан. Чунки маънавий қиёфа ҳаммаша инсоннинг юз кўринишида акс этади: золим, тафаккурсиз одам ҳеч қачон «истарали» бўлмайди. Шу боис актёрлар зулм, жоҳиллик қилмасликка уринадилар. Демак, энг асосий пардозимиз қалбда бўлиши керак.

**Матн: “Мулоқот маданиятининг асосий коммуникатив сифатлари.”**

Ўқитувчининг бирламчи ва асосий қуроли нутқ бўлса, ҳар қандай таълимнинг асосий ва етакчи шакли дарсдир. Дарснинг мукамаллиги ва натижага эришишини таъминлашда ўқитувчининг педагогик маҳорати ва шахсий фазилатининг кўзгуси – сўздир. Ўқитувчининг маҳорати фақат ўқитишнинг хилма-хил методларини ўринли ва тўғри қўллай олишдангина иборат эмас, балки талаба билан мулоқотда тилдан усталик билан фойдалана олиши билан белгиланади.

Тил маданияти тилнинг маданийлашганлик, адабийлашганлик, меъёрлашганлик даражасини, луғат таркиби, потенциал ифода имкониятларининг кўламдорлигини ифода этади (Э.Бегматов). Нутқ маданияти эса тилдан бемалол, мақсадга ўта мувофиқ ва таъсирчан бир тарзда фойдалана олишни таъминлайдиган кўникма, малака ва билимларнинг жами демакдир (Н.Маҳмудов). Бошқача айтганда, нутқ маданияти тилда мавжуд бўлган хилма-хил ифода шаклларида фикр учун энг уйғунларини танлай билиш ва шу асосда расо нутқ туза олиш маҳоратидир. Нутқнинг таъсирчанлигини ташкил этувчи тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, ифодалилиги, бойлиги, софлиги, жўялилиги маданий нутқ, шу ўринда мулоқотчанликнинг асосий коммуникатив сифатлари сирасига киради.

Педагогик мулоқот – бу ўқитувчининг талабалар билан дарсда ва дарсдан ташқари фаолиятда энг қулай психологик муҳитни вужудга келтириб, ижобий руҳий иқлимни яратиши учун имконият берувчи касбий муносабатидир.

Ўқитувчининг талабалар билан ўзаро яқин мулоқотидан асосий мақсад:

- салбий ҳолатларни вужудга келтирувчи барча жараёнларга барҳам бериш;
- талабаларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- талабаларни фаолликка, эркин фикрлашга, ўз фикр-мулоҳазаларини чўчимасдан баён қилиб унга таянишга ўргатиш;
- талабаларнинг яширин қобилиятларини уйғотиш.

*Тавсия этилаётган кейси ечиш қуйидаги натижаларга эришишга имкон беради:*

1) муомала маданиятининг асосий коммуникатив сифатлари ҳақида маълумотга эга бўлиш;

2) кийиниш маданияти ҳақидаги билимларини таҳлил қилиш;

3) ташқи кўриниш, хусусан, кийиниш маданияти ва муомала маданиятининг уйғунлиги ҳақида фикр юритиш:

4) юксак дид, мулоқот компетенциясини шакллантириш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш.

Кейсда ҳозирги ёшларнинг кийиниш маданиятидаги номақбуллик, қулайлик, саломатликка фойдали ва зарарли жиҳатлари ҳақида, шунингдек, мулоқотчанликнинг асосий коммуникатив сифатлари, педагогик мулоқот ҳақида сўз юритилган. Бу маълумот ёзма нутқнинг илмий ва публицистик услубларида баён этилган.

*Кейсдаги асосий муаммо:* Ўқитувчи имиджининг бир қисми бўлган кийиниш маданиятида дидсизлик масалаларига барҳам беришда коммуникатив компетентликнинг ўрни.

*Кейсни мустақил ечиш учун кўрсатмалар  
Баҳолаш мезонлари*

Ишни ташкил қилиш босқичлари	Тавсиялар	Баҳолаш мезонлари (максимал)
1. Кейс билан танишиш	Аввалига кейс билан танишиш керак. Ўқиб чиқиш пайтида кейсни таҳлил қилишга уринманг	-
2. Берилган вазият билан танишиш	Берилган ахборотни яна бир бор ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим кўринган бўлим қисмларини ажратинг. Кийиниш маданияти, мулоқот компетентлиги бўйича маълумотларнинг асосий жойларини ўзингизга белгилаб олинг.	-
3. Муаммо ва ундан келиб чиқувчи вазифаларни шакллантириш	Муаммони шакллантиришда ўтилган мавзулар бўйича назарий билимларингиздан фойдаланинг	3 балл
4. Ёшларнинг замонавий кийиниш маданияти ва у билан боғлиқ нутқ маданиятини таҳлил қилиш ва ташхис қўйиш	Муаммони ақс эттирувчи асосий хусусиятлар: 1. Кийиниш маданиятида меъёрнинг аҳамияти. 2. Нутқ маданиятининг коммуникатив сифатлари таҳлили 3. Белгиланган вазифаларни бажариш имкониятларининг мавжудлиги	1 - 1 балл 2 - 2 балл 3 - 1 балл

5. Ечимни ишлаб чиқиш ва асослаб бериш	Берилган топшириқларни бажариш (пастда келтирилган жадвални тўлдириш) ва тавсиялар ишлаб чиқиш	3 балл
--	--	--------

*Кейс билан ишлашни баҳолаш мезонлари*

86-100% / 8,6 - 10 баллгача – «аъло»

71-85% / 7,1 – 8,5 баллгача – «яхши»

55-70% / 5,6- 7 баллгача – «қониқарли»

*Гуруҳларнинг ишлашни баҳолаш жадвали*

Гуруҳ	Баҳолаш мезонлари	
	Тақдимот (мазмун, маъноси ва хулосаларнинг исботи учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5	Муаммоли масаланинг ечими (тўғрилиги ва ечимнинг кетма-кетлиги учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5 балл
1.		
2.		

Мазкур муаммонинг келиб чиқиш сабаблари ва ҳал этиш йўллари топамиз:

Муаммо тури	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Оқибатлари	Муаммони ҳал этиш йўллари
Ўқитувчи имиджи ва кийиниш маданиятида дидсизлик	Оилада шахсий ибратнинг йўқлиги; кийиниш маданиятининг шаклланмаганлиги; юксак дид ҳақидаги тасаввурнинг пастлиги	Атрофдагиларга кулгилик кўриниш; дидсизлигини намойиш этиш; обрўга путур етиш	Маънавиятимизга хос бўлган ижобий фазилятлар, этик ва эстетик тарбияни ёшлар онгига сингдириш; коммуникатив компетентликка оид сифатларни ишга солиб, кийинишдаги дидсизликка барҳам

			бериш ва ўқитувчининг ўзига хос имиджини яратишга кўмаклашиш.
--	--	--	---

Кейс муаммосини ҳал қилишда “Қадам – бақадам” ва “Контакт” тренинглardan фойдаланамиз.

**“Қадам – бақадам”** тренингининг мақсади: юксак дид ва коммуникатив компетентликни эгаллаганлик даражаларини аниқлаш.

**Тренингдан кутиладиган натижа:** талабалар бир-бирларига мулоқотнинг коммуникатив сифатлари ва уларга қарама-қарши сўзлар билан танишадилар, уларнинг нутқдаги ўрнини аниқлайдилар, бу сўзларнинг маъносини тушунган ҳолда ўз фаолиятларида қўллаш даражасини белгилайдилар.

*Машғулотни ўтказиш тартиби.* Машғулот қадам-бақадам усули асосида ташкил этилади, яъни машғулот давомида амалга оширилиши керак бўлган ҳар бир иш бир қадам деб олинади ва ҳар бир қадамда талабалар бирон-бир топшириқни бажарадилар.

*1-қадам* – талабалар ўқитувчи томонидан тарқатма материалда ёзилган сўзларни диққат билан ўқиб чиқишлари ва ҳар бир сўзнинг қаршисига аҳамияти бўйича қарама-қарши бўлган сўзларни ёзишлари зарур:

- Нутқнинг тўғрилиги –
- Нутқнинг аниқлиги –
- Нутқнинг мантиқийлиги –
- Нутқнинг ифодалилиги –
- Нутқнинг бойлиги –
- Нутқнинг софлиги –
- Нутқнинг жўялилиги –
- Нутқнинг таъсирчанлиги –

*2-қадам* – ҳар бир сўзга таъриф бериш лозим.

*3-қадам* – кичик гуруҳларга бўлиниб, мазкур сўзлар маъносига мос келадиган мисоллар (адабиётдан, ҳаётдан) келтириш ва кичик ҳикоячалар тузиш.

*4-қадам* – гуруҳлар тузган ҳикоялар, келтирилган мисоллар бўйича савол-жавоб ўтказилади.

*5-қадам* – гуруҳ ишлари баҳоланади.

*6-қадам* – ўқитувчи машғулотни якунлайди.

**“Контакт”** – жамоавий ҳикоя тузиш тренингининг мақсади: ижодий муҳит ва мулоқотчанликни юзага келтириш орқали эстетик дидни шакллантириш ҳамда оғзаки нутқни ривожлантириш.

*Машғулотни ўтказиш тартиби:* Машғулот аввалида рақамлар ёзилган қоғозлардан биттадан оладилар ва доира шаклида стулларга ўтирадилар. Ўқитувчи талабалар билан тузиладиган ҳикоянинг мавзусини белгилаб олади. Бугунги мавзу: “Кийиниш маданияти”.

Машғулот талабалардан бирининг шу мавзу асосидаги ҳикоясидан бошланади. Талаба ҳикоянинг энг қизиқарли жойида сўзлашдан тўхтаб, “Ҳикоянинг давоми ... рақамли талабада” дейди. Рақами кўрсатилган талаба ҳикояни тўхтаган жойидан мавзудан чиқмаган ҳолда давом эттиради. Бу талаба ҳам аввалгиси каби ҳикоянинг энг қизиқарли жойида “Ҳикоянинг давоми ... рақамли талабада” дейди. Мос рақам кўрсатилган талаба ҳикояни жойидан бошлаб давом эттиради. Ҳикояни давом эттириш даврадаги талабаларнинг ҳар бири иштирок этмагунча давом этади.

Ўқитувчи талабаларнинг ҳикоялари бир-бирига мантиқан боғлиқ ва мазмунга эга бўлишини кузатиб боради ҳамда мавзудан, мазмундан четга чиқса, тўғрилаб боради.

Ҳикоя тўлиқ тузилгач, ўқитувчи миннатдорчилик билдиради ва керакли тавсияларни беради.

#### *Кейс юзасидан якуний хулоса*

Педагогнинг имиджида ташқи кўриниши ҳам, ички дунёси ҳам уйғун бўлиши керак. Кийиниш маданиятига ҳар доим эътибор берадиган нозик дид соҳиблари – педагоглар муомала маданиятига ҳам катта аҳамият бериши шак-шубҳасиздир.

## **4- амалий машғулот: Педагогик таъсир кўрсатиш – коммуникатив қобилиятнинг асосий усули сифатида. (4с.)**

### **1-топшиқ. Ёш ўқитувчиларга тавсияларни ўқинг, яна нималарни қўшиш мумкинлигини ўйлаб кўринг.**

1. Ўқувчилар билан алоқа боғлашга жамият манфаатларидан келиб чиқиб талаблар қўйиб бориш.

2. Ўқувчилар билан самарали ўзаро ҳамкорлик қилиш учун ўз шахсини улар билан тенг қўйиши.

3. Ўқитувчи ва ўқувчилараро муносабатларда ўзаро ҳурматга асосланган мақсадли алоқа ўрнатиш лозим. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчи шахсини ҳурмат

қилиши, ўз тенгдошлари орасида ўзига ишонч ҳосил қилиши ва ўқувчиларда яхши сифатларни ривожлантириши муҳим.

4.Ўқитувчи баъзан ўз мавқеини, имкониятини, ғамхўрлигини намоиш қилиши ҳам зарур.

5.Ўқитувчининг ўқувчилар билан алоқасини самараси доимо ўқувчилар нутқ фаолиятини ўстириш, ўз нутқини ривожлантириш, фойдасиз вақт сарфини камайтириш, алоқалар сонини кўпайтириш (савол, жавоб) асосида олиб борилса мақсадга мувофиқ.

6.Арзимаган камгина муваффақият учун болаларни саҳийларча мақташ зарур (ўқувчилар жамоасида мақташ, камчиликларни эса ўқувчининг ўзига алоҳида айтиш).

7.Агар сиз ўқувчилар билан ишни бошлаганингиздан кейин ҳам умидли ўзгаришлар бўлмаса ҳам, уларга ўзларининг камчиликларни ва эътирозингизни айтмаслигингиз даркор. Сизнинг асосий вазифангиз – ўз мўлжалингизга оналарни ҳам йўлдош қилишга ва ҳамфикр бўлишга қаратилиш керак.

8.Ёш ўқитувчи ўқувчи ёки ота-она билан ўзаро бир фикрга кела олмаслик малакаси етишмаслиги ёки бир масала тўғрисида бир фикрга кела олмаслиги ё малакасиз суҳбатлар асосида самарага эриша олмайди. Шунинг учун суҳбат икки томонга ҳам қизиқарли бўлиши ва вазифани ҳам ўқитувчи ўзи ҳал этиши керак.

### **Коммуникатив қобилиятни ривожлантирувчи машқлар.**

Мулоқот-ҳаракат туйғу, фикр-мулоҳаза, ички кечинмаларни ўзгалар билан ўртоқлашиш демакдир. У шахс фазилатлари, ички “мен”ининг энг яхши қирраларини намоён қилувчи ижод шаклидир. Айрим кишилардаги ўзига хосликлар у билан мулоқотни осон ва ёқимли қилиши, бошқалари эса аксинча одамларни ўзидан бездириши сир эмас. Қуйидаги матнда айнан мулоқот маданияти ҳақида сўз юритамиз.

**2-топшириқ.** Матнни ўқинг. Матндаги таянч сўзларни ажратиб ёзинг.

Мулоқот пайтида ўзини тутиш, нигоҳ, овоз, нутқ оҳанги, ҳаракат, имо-ишоралар, оралиқ масофа, вазиятга тўғри баҳо бериш каби унсурларга аҳамият беришингиз лозим. Мулоқот ва суҳбат чоғида ўзингизни эркин, шу билан бирга сипо ва ҳушёр тутишингиз керак. Сизнинг *ҳолатингиз* ички ҳаяжон, сиқилиш ва ўзига бўлган ишончсизликни кўрсатмаслиги керак. Ҳаёлан атрофингизда 45 сантиметр радиусли айлана чизиб олинг ва ҳаракатларингизни шу доирадан чиқмаслигига интилинг.

Мулойим назар билан суҳбатдошингизга эътибор бераётганингизни билдиринг. Бунда *нигоҳингиз* ҳамсуҳбатингиз юзининг юқори қисми – қошидан

бироз тепарокқа қаратилиши, ора-орада унинг кўзларига ҳам назар ташлаб туриш лозим.

Мулоқотда *овознинг* аҳамияти жуда катта. Мабодо овозингиз баланд бўлса ҳам зинҳор шиддатли бўлмаслиги керак. Акс ҳолда суҳбатдошингизда кўзларини чирт юмиб, қулоқларини беркитиб олиш истаги туғилиши мумкин. Баланд тембрли овоз асабга тез тегади, у жаҳл аломати ҳисобланади. Шунинг учун имкон қадар паст овозда сўзлашга ҳаракат қилинг. Аммо жуда ишончсиз оҳангда ҳам гапирманг.

Вақти-вақти билан тин олиб, гапларингизни ўйлаб гапиринг. Суҳбатдошингизга қулоқ солаётганингиз ҳам кўриниб туриши керак, жуда тез гапириб уни маълумотларга кўмиб ташламанг. *Нутқ оҳанги* шиддатли ҳам, ҳаддан ташқари секин ҳам бўлиши керак эмас. Ҳеч қачон ҳовлиқманг – бу ҳар қандай вазиятда ёмон таассурот уйғотади. Аввал ўзингизни босиб олинг, кейин ичкарига хотиржам кириш ва у ердагилар билан сўрашинг. Буларнинг ҳаммасини шошмай, вазминлик билан бажаринг. Мулойим, очиқ, туйғуларини жиловлаб олган, ортиқча жаҳл ва манманликдан холи бўлган одам ҳар қандай даврада ҳам ижобий қабул қилинади.

Имо-ишораларнинг мулоқот чоғидаги аҳамияти катта бўлиб, биз истагандан кўпроқ маълумотларни ошкор қилиши мумкин. Имо-ишоралар гапингиз мазмуни ва суръатига ҳамоҳанг бўлиши лозим, зеро ортиқча ҳар бир ҳаракат дарҳол эътиборни тортади. Шунингдек, оралик масофа ҳар қандай мулоқотда эътибор бериш лозим бўлган унсурлардан биридир.

Унутманг, инсон қанчалик самимий бўлса, хатти-ҳаракатлари шунчалик табиий ва эркин чиқади. Бу эса ҳар доим қадрланади.

**3-топшириқ.** Матн мазмунидан келиб чиқиб, таянч сўзлардан фойдаланган ҳолда касб таълими ўқитувчисининг мулоқот маданияти ҳақида эссе ёзинг.

**4-топшириқ.** Ўқитувчи сифатида мулоқотчанлик-коммуникативликнинг қайси компоненти устида ишлашингиз зарурлигини ўзингизга белгилаб олинг.

**5-топшириқ.** Қуйидаги вазиятга эътибор беринг, таҳлил қилинг. Муаммо ва унинг ечими ҳақида фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.

Сиз талабалар учун энг яхши ўқитувчилардан бирисиз: ҳеч қачон овозингизни кўтармайсиз, талабаларнинг шахсий муаммоларига тушуниб ёндашасиз. Лекин бу ўқув ва тарбия жараёнига яхши таъсир қилмаяпти: талабалар борган сари ўз вазифаларини бажаришдан бош тортишяпти, талабларга қулоқ солишмаяпти.

- Бу муаммода гап овознинг баланд ёки пастлигида эмас, зеро паст овозда ҳам ҳаммага эшиттириб гапириш мумкин. Гап – ўзингиз ва қарорларингизга бўлган қатъий ишонч ва буни тасдиқловчи қатъий оҳангдадир.

Фаннинг фидойиси бўлиб жон куйдираётганингизга талабаларни ишонтиришингиз ўта муҳим: сиз талабаларнинг келгусида яхши мутахассис бўлиб етишишини ўйлаясиз, бунда сизнинг аниқ иш режангиз бор ва сиз унинг сўзсиз бажарилишини талаб қилмоқчисиз. Сиз ҳамма мактайдиган ўқитувчилар ҳақида нима дейишларини эсланг : “Одатда ҳамма маслаҳат сўраб, “ипакдай мулойим” устоз олдига эмас, балки қатъиятли ўқитувчи олдига боришади.

#### **6-топшириқ. “Жамоавий ҳикоя” методи**

Кичик гуруҳларга берилган расмлар асосида ҳикоя тузиш вазифаси берилади. Гуруҳ аъзолари раҳбар, расом, муҳаррир, матн тузувчини ўзлари танлайдилар. Бу метод ҳам мулоқот одоби, бир мақсадда биргаликда ишлаш, бир-бирининг фикрини эшитиш ва ҳурмат қилиш хислатларини тарбиялайди.

#### **7- топшириқ. “Тайёргарлик машқи” методи**

Гуруҳ жамоага бўлинади. Ҳар бир жамоа аъзосига шеърлар берилади ва қуйидаги тартибда ўқиб бериш вазифаси топширилади:

- пулемёт тезлигида;
- арига ўхшаб;
- совқотган одамдай;
- робот каби;
- ёш боладай;
- қаттиққўл ота-онадай;
- юмшоқ бувижондай;
- тошбақа тезлигида;
- йўлбарс каби (секин ва бирдан тезлашиш ва ҳ.)

Энг яхши декламация қилган жамоа аъзоси аниқланади.

#### **8-топшириқ. “Позицион мулоқот” ўйини методи**

Расмий ўйиннинг мақсади: бўлажак ўқитувчининг коммуникатив воситалари диапазонини кенгайтириш, талабалар билан педагогик мулоқотнинг самарали индивидуал услубини излаш.

Мазкур ўйинли технология 3 босқичда амалга оширилади:

1-босқичда ўқитувчи гуруҳдаги иккита талаба - катнашчини “ўқитувчи-талаба”нинг ўзаро муносабатига оид таниш вазиятлардан бирини кўрсатиб беришни сўрайди. Қолган талабалар ўқитувчи сифатида қолишади. Таниш вазиятлар қуйидагича бўлиши мумкин: “Талаба дарсга келмайди, ўқитувчи уни чақиртиради”, “Гуруҳда ўзлаштириш пасайиб кетди” ва ҳоказо.

Танланган вазият берилган коммуникатив позицияга мос намоёиш этилади: ўқитувчи қаттиққўл, расмий-хукмли услубда сўзлайди, “талаба” эса ўзини оқлашга ҳаракат қилади, ўқитувчининг танбеҳини жим эшитади.

Вазият кўрсатиб бўлингандан сўнг: талаба бундай суҳбатдан қандай ҳиссиёт ва таассурот олди, ўқитувчи ўзини қандай ҳис қилди, мазкур вазият гуруҳда қандай фикр уйғотди деган саволларнинг умумий муҳокамаси ўтказилади.

Аслида давомати ва ўзлаштириши яхши, лекин ушбу вазиятда “муаммоли талаба” ролида чиққан талаба кўпинча кескин таъсир чоралари, буйруқ оҳанги охир-оқибатда нофаоллик, тушкунлик ва баъзан жаҳлдорликка ҳам олиб келишини таъкидлайди.

Гуруҳ қатнашчилари талабалар билан фақат авторитар услубда мулоқот қилиш педагогик мақсадга эришиш учун самарасиз деган фикрга тўхталди.

2-босқичда ҳам ўқитувчи -талаба мулоқоти вазияти олинади, лекин роллар алмашади, коммуникатив позициялар ўзгаради. Гарчи талаба ўзини такаббур, манман ва ғашга тегадиган даражада тутса ҳам “Ўқитувчи” ролидаги қатнашчига овоз оҳангини ўзгартириш таклиф қилинади. 2-босқич натижаларининг жамоавий муҳокамаси ўқитувчининг талабага боғлиқлик вазияти нима сабабдан юзага келиши, уни қандай олдини олиш ва бартараф этиш мумкинлиги таҳлилига бағишланади.

3-босқичда юқоридаги вазиятлар мисолида талаба билан психологик тўлақонли мулоқотни ўрнатишга кўмаклашувчи усул ва воситаларни аниқлаш, шу билан бирга педагогик бошқарув позициясини амалга ошириш назарда тутилади.

Гуруҳ ўқитувчининг талабалар билан суҳбатини қандай бошлаши, қандай гапириши ва қандай фразалардан фойдаланиши, бу суҳбат қандай руҳда олиб борилиши зарурлигини муҳокама қилади.

### **9-топшириқ. “Консенсус” методи.**

Қатнашчилар 5-6 кишидан иборат экипажларга бўлинади. Қуйидаги мазмунда уларга педагогик вазият берилади: “Сизнинг кемангиз Тинч океанда талофатга учради. Экипаж кичик нарсаларни олиши керак (нарсалар рўйхати бўлади). Вақт зиқ, шошилиш ҳаракат қилинмаса, ҳамма нарса чўкиб кетиши мумкин”. Педагогик вазият бўйича топшириқлар:

1) 15 дақиқа ичида керакли нарсаларнинг индивидуал рўйхатини тузиш керак. Бунда энг кераклилигига қараб жойлаштирилади: (№1 – энг керакли нарса, №15 – энг бефойда нарса каби).

2) Кейинги 45 дақиқа ичида ягона жамоа рўйхати тақдим этилади: бунда овозга қўйиш ман этилади ҳар бир жамоа – экипаж аъзоси рўйхатдаги нарсалар, уларни зарурлигига самимий рози бўлади.

3) Якуний рўйхат муҳокамаси ўтказилади, жамоа вакили ҳар бир нарсанинг олиниш сабабини тушунтиради.

Ҳар бир гуруҳда рўйхат муҳокамасида иштирок этмайдиган битта кузатувчи бўлиб, у қуйидагиларга эътибор беради:

- ўзга фикрни эшитишяптими?
- ўзга фикрга самимий қўшилишяптими?
- ўз фикрида қатъий турибдими (бақирди, исботлади, босим ўтказди, алдади)?

### **10-топшириқ. “Менинг мулоқоти оғир талабам” тренинги**

Тренингдан мақсад: бўлажак ўқитувчиларнинг муомала одобига эга бўлмаган талабалар билан ишлашнинг самарали усуларини аниқлаш ва тажриба алмашиш.

Малакавий педагогик амалиёт даврида битирувчи курс талабалари мулоқот маданиятидан йироқ талабаларга дуч келишади. Бу муаммони жамоа бўлиб муҳокама қилиш учун гуруҳ доира шаклида ўтиради. Ҳар бир қатнашчи 10-15 дақиқа давомида талабалар билан педагогик мулоқотдаги энг қийин вазиятлар ҳақида ахборот беради. У бундай вазиятларда нимани ҳис қилгани, ҳаяжонлангани, шунингдек, у ёки бу таъсир методини қўллаганда қандай натижага эришганлигини гуруҳ аъзоларининг эътиборига ҳавола этади. Битта машғулот давомида реал касбий тажрибадан, шу ўринда малакавий педагогик амалиётдан олинган 4-5та вазият муҳокама қилинади.

Жамоавий муҳокамада қуйидаги мақсадларга эришилади: амалиётчи-талабалар ёки ўқитувчи ўз фаолиятидаги энг қийин вазиятлардан бири ҳақида гапирар экан, жамоадошларидан далда олади.

Жамоада, шунингдек, тажриба алмашилади. Педагогик фаолиятдаги шундай муаммоли вазиятларни муҳокама қилишда ўқитувчида нима гапириш керак, нима қилиш керак, қандай позицияда туриш керак деган аниқ педагогик вазифаларни ҳал қилиш учун педагогик-психологик тренингларни қандай қўллашни кўрсатиш имконияти пайдо бўлади.

**5-амалий машғулот. Ўқитувчининг педагогик фаолиятида касбий рефлексиянинг ўрни.(4с.)**

**1-топширик.** Қуйида берилган чизмага кўра ўқитувчининг касбий рефлексияси асосида педагогик маҳоратининг ривожланишини тушунтиринг.



**2-топширик.** Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Қадимги Рим файласуфларининг рефлексия тўғрисидаги қарашлари?
2. Рефлексияга ҳозирги замон фанлари нуқтаи назаридан таъриф?
3. Педагогика ва психология фанларининг рефлексияга нисбатан мулоҳазалари?
4. Рефлексияга таниқли олимлар қандай таъриф беришган?
5. И.Н.Семёнов рефлексиянинг қайси турларини шарҳлаб берган?
6. Педагогик рефлексияга таъриф беринг?
7. Ўқитувчи ўз-ўзини касбий жиҳатдан қандай такомиллаштиради?
8. Педагогикада “рефлексия” тушунчасига қандай ғоялар нуқтаи – назаридан ёндашилади?
9. Педагогик диагностиканинг мазмун-моҳиятига ва функциясига таъриф беринг?
10. Ўқитувчининг касбий профессиограммаси асосида унинг маҳоратини аниқланг?

11. Ўқитувчи педагогик маҳоратининг диагностик дастурини таърифланг?

12. Ёш ўқитувчилар дуч келадиган дидактик қийинчиликларни бартараф этиш йўллари?

**3-топшириқ.** Қуйидаги мавзулар асосида режа тузинг ва ўзингизнинг фикр – мулоҳазаларингизни билдириб, “Мустақил иш” ёзинг:

1. “Ўқитувчининг рефлексия асосида шахсий касбий фаолиятини такомиллаштириш”.

2. “Касбий педагогик рефлексиянинг ўқитувчи маҳоратини оширишдаги имкониятлари”.

**4-топшириқ. Мавзуга оид “Кичик эссе” ёзинг.**

**“Кичик эссе” учун таклиф этиладиган мавзулар:**

1. Педагогнинг ўз-ўзини баҳолаши.
2. Педагогнинг ўзини ўзи таҳлил қилиши.
3. Педагогнинг ўз-ўзини ривожлантириши

**5-топшириқ. “Индивидуал ривожлантириш дастури” бўйича ишланг.**

**Индивидуал ривожлантириш дастури**

<b>Билим, малака ва шахсий сифатлар</b>	<b>Мавжуд даража</b>	<b>Истиқбол вазифалар</b>
Педагогик билимлар		
Психологик билимлар		
Мутахассислик билимлари		
Дидактик малакалар: <ul style="list-style-type: none"> <li>- билишга оид (гностик) лойиҳалаш</li> <li>- ижодий-амалий (конструктив)</li> <li>- тадқиқотчилик</li> <li>- мулоқотга киришувчанлик</li> </ul> (коммуникатив) ташкилотчилик <ul style="list-style-type: none"> <li>- изчилликни таъминловчи (процесссуал)</li> <li>- техник-технологик малакалар</li> </ul>		
Тарбиявий ишларни ташкил этиш малакалари: <ul style="list-style-type: none"> <li>- билишга оид (гностик)</li> <li>- лойиҳалаш малакалари</li> <li>- ижодий-амалий (конструктив)</li> <li>- тадқиқотчилик</li> <li>- мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив)</li> </ul>		

<ul style="list-style-type: none"> <li>- ташкилотчилик</li> <li>- изчилликни таъминловчи (процесссуал)</li> <li>- техник-технологик малакалар</li> </ul>		
<p>Руҳиятнинг касбий аҳамиятга эга хусусиятлари ва шахсий сифатлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- педагогик фикрлаш</li> <li>- тизимлилик</li> <li>- мослашувчанлик</li> <li>- мобиллик</li> <li>- ижодкорлик</li> <li>- ҳозиржавоблик</li> <li>- ҳиссий ривожланганлик</li> <li>- педагогик рефлексия</li> </ul>		
Ўз-ўзини ривожлантириш мақсадлари		
Ўз-ўзини ривожлантириш учун топшириқлар		

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### Кейс №1. Семинар машғулотларини ташкил этиш

Ҳаммамизга яхши маълумки, олий таълимда семинар машғулотлари талабаларда ўрганилган материалларни мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларни таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эга. Семинар машғулотларини ўтказилиш тартибига эътибор қаратайлик. Одатда, семинар машғулотларини ассистент ўқитувчилар олиб боришади. Семинар машғулотларини ҳам ташкил этишда хилма-хил ёндашув мавжуд. Баъзи профессор-ўқитувчилар машғулот жараёнида тайёрланиб келган талабалардан сўрайди, уларни баҳолаб қўйиш билан чекланади. Кимдир оммавий тарзда савол-жавоб ўтказиш орқали мақсадга эришишга ҳаракат қилади. Бироқ рейтинг тизими қондасига кўра, ҳар бир семинар машғулотида талабаларнинг билимини текшириб, белгиланган мезон доирасида ҳамманинг балл олишига эришиш лозим. Лекин кўпчилик ўқитувчилар бунга эришиш имконияти йўқ, деб ҳисоблашади. Айримлар эса талабалар ёзиб келган конспект ва фаолликларига асосланган ҳолда балл қўйиб бериш мумкин, деб ҳисоблашади.

**Вазиятни баҳолаш учун саволлар:** Семинар машғулотларини ассистент ўқитувчилар самарали ташкил этмоқдалар дейиш мумкинми? Семинар машғулотини ташкил этиш самарадорлигини ошириш учун нима қилиш керак? Семинар машғулотларида кутилган натижага эришиш мақсадида ишни қандай тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқ? Семинар машғулотларида талабаларнинг ҳаммасини баҳолашга қандай эришиш мумкин?

Вазиятни ўрганиш ва вазиятни баҳолашга доир саволларни таҳлил этиш асосида мавжуд семинар машғулотларини ўтказиш юзасидан SWOT-таҳлилни амалга оширинг.

<b>Strength – кучли томонлар</b>	
<b>Weakness – заиф томонлар</b>	
<b>Opportunities – имкониятлар</b>	
<b>Threats – тахдидлар</b>	

## Кейс №2. Ўқув портфолиоси.

Олий таълим муассасалари олдида турган яна бир муҳим вазифалардан бири талабаларда ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини такомиллаштиришга барқарор доминантни яратиш, ўзида онгли ва мақсадга йўналтирилган тарзда шахсий сифатларни ривожлантиришдир. Бўлажак педагогларда келажакда рақобатбардош, сафарбар бўлишлари учун уларда мустақилликни шакллантириш жуда муҳим. Айнан талабаларда мустақилликни ривожлантириш, уларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогга “Портфолио” технологияси ёрдам беради. “Портфолио нима?” деган саволга олимлар хилма-хил таъриф беришган. Масалан 1) назорат воситаси (И.А. Кныш, И.П. Пастухова); 2) профессор-ўқитувчининг баҳолашга доир фаолияти воситаси (Г.Б. Голуб, О.В. Чуракова); 3) таълим натижаларини белгилаб берувчи муқобил восита ёки технология (Л.Ванюшкина, Т.Г.Новикова, М.А.Пинская, А.С.Прутченков); 4) талабанинг зарур ва истиқболли имконият ва қобилиятларини, унинг кучли ва кучсиз томонларини кўрсатиб бериш, шахсий, касбий ва ижодий салоҳиятини очиқ беришнинг объектив ва максимал равишда тўлиқ аниқлаш воситаси (И.А. Кныш, И.П. Пастухова); 5) талабаларнинг фақат ўқув фаолияти натижаларинигина эмас, балки уларнинг муваффақиятига туртки бўлган барча куч ва имкониятларни ҳар томонлама намоёни қилишга доир иш тўплами (И.Альджанова).

Ўқув портфолионинг хилма-хил турлари мавжуд: 1. “Хужжатлар портфолиоси”. Бундай турдаги портфолио индивидуал таълимий муваффақиятларнинг сертификатланган портфели: диплом, фахрий ёрлик, гувоҳнома ва бошқалар. 2. “Ишлар портфолиоси” ўзида турли хил ижодий ишлар, лойиҳалар, тадқиқот ишларини акс эттиради: рейтинг дафтарчаси, ижодий иш дафтари, электрон хужжатлар, моделлар, лойиҳалар, ижтимоий амалиётга доир ҳисоботлар. Мазкур портфолиода талаба мустақил ва гуруҳдошлари билан биргаликда тўплаган адабиётлар, даврий нашрларнинг ксеронусхалари, иллюстрациялар жойланади. 3. “Тақризлар портфолиоси”да талабанинг эришган ютуқларини баҳолашга доир хулосалар, тақризлар, резюмелар, эсселар, тавсиянома ва тавсифномалар тақдим этилади. 4. “Натижалар портфолиоси” белгиланган йўналиш бўйича эгалланувчи талабалар маҳоратини жамлаш учун қўлланилади; талабалар ёки педагоглар томонидан жамланган талабаларнинг энг яхши ишларини ўзида акс эттиради. Натижалар портфолиоси индивидуал ва гуруҳли бўлиши мумкин. Гуруҳ натижалари портфолиоси ғоясидан “Энг яхши талабалар гуруҳи” конкурсида фойдаланиш мумкин. 5. “Баҳоловчи портфолио” талабаларнинг эгаллаган билим ва кўникмаларини назорат қилиш учун йиғилади ва турли хилдаги назорат

материалларидан ташкил топади: назорат ишлари, тестлар, чизмалар, кроссвордлар ва бошқалар. Баҳоловчи портфолиони педагог мустақил равишда тузиши ва таълим олиш курси тугашигача бўлган вақтга мўлжаллаши мумкин.

Ҳозирги вақтда ўқув портфолиосидан олий таълимда фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Асосан, тилларни ўргатиш жараёнида ўқув портфолиосини қўллашга ҳаракат қилинмоқда.

**Вазиятни баҳолаш учун саволлар:** Сиз нима деб ўйлайсиз, ўқув портфолиосини олий таълим жараёнида қўллаш имконияти борми? Агар қўллаш мумкин бўлса, ўқув портфолиосининг қандай турларидан фойдаланиш мумкин? Ўз фанингиз билан боғлиқ ҳолда, ўқув портфолиосини қўллаш имкониятлари ҳақида фикр билдира оласизми?

Вазиятни ўрганиш ва вазиятни баҳолашга доир саволларни таҳлил этиш асосида мавжуд ўқув портфолиосидан фойдаланиш юзасидан SWOT-таҳлилни амалга оширинг.

<b>Strength – кучли томонлар</b>	
<b>Weakness – заиф томонлар</b>	
<b>Opportunities – имкониятлар</b>	
<b>Threats – таҳдидлар</b>	

## VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Педагогика</b>	Педагогика – таълим-тарбия бериш қонуниятлари ҳақидаги фандир	Pedagogy is the art or science of teaching and educational methods
<b>Педагогик маҳорат</b>	Педагогик жараёни билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш, педагогик жараёнинг юқори самара-дорлигини белгиловчи шахс-нинг иш сифати ва хусу-сиятлари синтези	It is an art of communicating a message with impact on audience.
<b>Метод</b>	Метод – энг умумий маънода мақсадга эришиш йўли, усули	Method – a way of reaching the goal in a systematic way
<b>Ўқитиш методи</b>	Ўқитиш методлари таълим мақсадига эришишга доир усул ва қоидалар йиғиндиси	Teaching methods – the principles and methods of instruction
<b>Акмеология</b>	Инсонни ўз тараққиёти динамикасида, такомил ҳамда ҳаёт фаолиятининг турли босқичларида ўзидаги энг кучли қобилиятларини намоён қилишнинг комплекс масалаларини ўрганадиган фан тармоғи	Acmeology is a new direction of interdisciplinary researches of the person. It is a science studying laws and mechanisms of development of the person during its maturity.
<b>Такт</b>	Такт ахлоқий тушунча бўлиб, у инсонларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш, тартибга солишни талаб этади	Tact is a verbal operant which is controlled by a nonverbal stimulus (such as an object, event, or property of an object) and is maintained by nonspecific social reinforcement
<b>Педагогик тактика</b>	Педагогик такт – ўқитувчи касбий маҳоратининг асоси бўлиб, ўқувчиларга барча демократик талаблар асосида педагогик таъсир ўтказиш, мулоқотни инсонпарварлик туйғулари асосида ўрнатиш ўлчови,	The pedagogical tact is the the base of professional skill of a teacher, which helps in communication with children in the most diverse fields of activity, the ability to choose the right approach to students

	Ўқувчиларда мустақил фикр юритишни ҳамда онгли интизомни таркиб топтириш кўникмаларини ҳосил қилиш шаклидир.	
<b>Нутқ</b>	Нутқ – тилдаги мавжуд ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда реалликка айланган фикрдир	Speech is the vocalized form of communication used by humans, which is based upon the syntactic combination of items drawn from the lexicon.
<b>Қобилият</b>	Қобилият – одам психикасининг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида акс этади	Possession of the qualities required to do something; necessary skill, competence, or power
<b>Коммуникатив қобилият</b>	Ўқитувчининг таълим олувчилар ва жамоа билан педагогик мақсадга қаратилган муносабатни ўрната олиш кўникмаси	Communication skills are the key to develop friendships and build a strong social support network with students and other group of people, in order to achieve a pedagogical aim
<b>Педагогик артистизм</b>	Педагогик артистизм – педагогик ижодкорликнинг барча босқичларида ўз аксини топувчи воқелиқдир.	Pedagogical artistry is the phenomenon functioning with varying degrees of activity in the process of pedagogical creativity.
<b>Артикуляция</b>	Нутқ органларининг муайян товушни талаффуз қилишдаги фаолияти.	Manner of articulation describes how the tongue, lips, jaw, vocal cords, and other speech organs are involved in making a sound make contact.
<b>Батгаризм</b>	ҳаддан зиёд тезлаштирилган нутқ. Бунда сўзлар ниҳоятда тез, ноаниқ талаффуз этилиши, фикрнинг изчил баён этилмаслиги кузатилади.	Pathologically accelerated rate of speech, in which there is an incorrect formation of the phrase, the words are pronounced indistinctly, do not agree.
<b>Вербал мулоқот</b>	икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг сўз, нутқий воситалар ёрдамида фикр алмашилишлари.	Verbal communication refers to the use of sounds and language exchange ideas
<b>Новербал</b>	ахборот, фикрни сўзлашув нутқидан бошқа тана хатти-	Forms of communication which do not rely on the

<b>мулоқот</b>	ҳаракати воситалари ёрдамида етказиш (имо-ишора, хатти-ҳаракат ва б.)	spoken or written word
<b>Интонация</b>	(лот. intonare-қаттиқ талаффуз қиламан), нутқнинг ритмик-мелодик томони, гапнинг синтактик маънолари ва эмоционал томонларини ифодалаш воситаси	intonation is variation of spoken pitch that is not used to distinguish words; instead it is used for a range of functions such as indicating the attitudes and emotions of the speaker
<b>Истиора (метафора)</b>	бир предмет-ҳодисага хос хусусиятни бошқа предмет-ҳодисага улар ўртасидаги ўхшаш белги асосида кўчириш.	Metaphor is a figure of speech that makes an implicit, implied, or hidden comparison between two things that are unrelated, but which share some common characteristics.
<b>Коммуникатив қобилият</b>	кишилар билан шахсий ва ишга оид муносабатларда қулайлик туғдирадиган шахсий қобилиятлар мажмуи; ўзгаларни тушуниш, қўллаб-қувватлаш, хайрихоҳлик ва хоказо.	A complex of personal skills which creates an easy way of communication in personal and professional contacts; understanding the others, supporting and so on.
<b>Коммуникатив малака</b>	кишилар ўртасида шахсий муносабатларни ўрнатиш усули.	The way of creating personal relationship
<b>Коммуникатив компетентлик</b>	равон, чиройли нутқ, нотиклик усулларида хабардорлик, ҳамсуҳбатга индивидуал ёндаша олиш малакаси. Алоқа ва муносабатлар ўрнатиш, мулоқотга мойиллик лаёқати.	A social knowledge about how and when to use utterances appropriately
<b>Коммуникатив маданият</b>	юксак даражадаги мулоқот кўникмаларига эгалик.	Ones having high level communication skills
<b>Коммуникатив технология</b>	шахсларнинг ўзаро мулоқотга киришишини таъминловчи технология.	Technology which helps people to communicate

<b>Лексика</b>	тилда мавжуд бўлган барча сўзлар ва иборалар йиғиндиси, яъни тилнинг луғат таркиби.	A lexicon is the vocabulary of a person, language, or branch of knowledge
<b>Логик урғу</b>	сўз маъносини кучайтириш, таъкидлаш мақсадида гапдаги бирор сўзни бошқаларга нисбатан кучлироқ талаффуз этиш.	Logical Stress serves to mark the semantic center of the utterance (a word or a word-group that carries new information important for the speaker).
<b>Мимика</b>	(юнон. mimikos-тақлид қилувчи) –турли ҳис-туйғу ва эмоцияларнинг юз мушаклари ҳаракатлари ва имо-ишоралар орқали ифодаланиши.	It is a form of non-verbal communication or non-vocal communication in which visible bodily actions communicate particular messages, either in place of, or in conjunction with, speech. Gestures include movement of the hands, face, or other parts of the body.
<b>Муомала маданияти</b>	атрофдагилар билан муносабатларини жамиятда ишлаб чиқилган инсонпарвар қадриятлар ва меъёрларга асосан олиб бориш	culture of speech is the correctly usage of words and sentences, following the standards of word usage and norms of literary language.

## VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. //Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент; “Шарк”, 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” //Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент; “Шарк”, 1997.
3. Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, Curriculum and Culture. – Routledge, USA, 2012.
4. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
5. Очилов М. Муаллим қалб меъмори. – Т.: Ўқитувчи, 2000.
6. Исаев И.Ф. Профессионально-педагогическая культура преподавателя: Учебное пособие для вузов / И. Ф. Исаев. – М.: Академия, 2002.
7. Холиқов А. Педагогик маҳорат. –Т., 2010.
8. Хошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005.
9. Ишмухамедов Р. ва б. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: Истеъдод, 2008.
10. Слостенин В.А. и др. Педагогика. Учеб. пос. 4-е изд. –М.: Школьная пресса, 2004.
11. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. Владос, 1999г.
12. Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика.//Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2004.
13. Маркова А.К. Психология профессионализма.–М.: Знание, 1996. – 308с.
14. Головкин Е.А. Технология формирования коммуникативной компетентности молодых специалистов на этапе адаптации к педагогической деятельности. Ставрополь, 2004.
15. Нурмонов А. Талабаларнинг тил компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари. “Маърифат” газ. 2014 й. 18-сон.
16. Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Т.: Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона, 2007.
17. Бегматов Э. Нутқ маданияти тушунчаси ҳақида. Ўзб.тили ва адабиёти, 1995, №5.
18. Муслимов Н.А., Муталипова М.Ж., Абдуллаева Қ.М. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологияси. Методик қўлланма. –Т., 2014.

19. Муслимов Н.А. ва б. Касбий малака ва педагогик маҳорат. Узлуксиз малака ошириш йўналиши бўйича ўқув материаллари. –Т., 2009.
20. Савельева С.С. Педагогические условия формирования профессиональной компетентности учителя в образовательном процессе ВУЗа: Монография / – Коломна.: Позитив, 2012.
21. Занина Л.В., Меньшикова Н.П. Основы педагогического мастерства. – Рос-тов-на-Дону, 2003.
22. Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, Curriculum and Culture. – Routledge, USA, 2012.
23. Булатова О.С. Педагогический артистизм: учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. – М., 2001.
24. Omonov N.T. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – Т.: “Iqtisod–moliya”. 2009. – 240 б.
25. Педагогика. (Под ред. П.И. Пидкасистого).- М.: Педагогическое общество России, 2003.- 608 с.
26. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм: Педагогика назарияси. (М.Х.Тохтаходжаева ва бошқалар) – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007. – 380 б.
27. Раченко И.П. Диагностика развития педагогического творчества учителя. – Пятигорск, 1992.- 196 с.
28. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. назария ва амалиёт. – Т., Молия нашриёти, 2003.
- 29.Самойленко Ф. Мастерство, педагогический такт – это авторитет учителя. – М.: Просвещение, 1990.- 254 с.
30. Селевко Г.К. Педагогические технологии авторских школ. – М.: НИИ школьных технологий, 2005. – 192 с.
31. Симонов В.П. Диагностика личности и профессионального мастерства преподавателя: Учебное пособие для студентов педвузов, учителей и слушателей ФПК.- М.: Межд. пед. академия, 1995.- 192 с.
32. Слостенин В.А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Общая педагогика: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.А.Слостенина. 2 ч.- М.: Гуманит. изд. центр. ВЛАДОС, 2003.- 256 с.
33. Турғунов С.Т., Мақсудова Л.А. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш. – Т.: “Фан”, 2009. – 168 б.
34. Ғайбуллаев Н.Р., ва бошқалар. Педагогика: Олий ўқув юртлари учун кўлланма. – Т.: ЎзМУ, 2005. – 176 б.
35. Husahov B. G’ulomov V. Muomala madahiyati. Dapslik. – Т.: “Iqtisod – moliya” 2009.- 156 б.

36. Якушева С.Д. Основк педагогического мастерства. Уч.пос. – Оренбург. 2004.

**Электрон таълим ресурслари:**

1. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
2. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
3. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
4. [tdpu-INTRANET. Ped](http://tdpu-INTRANET.Ped)
5. [www.technomag.edu.ru](http://www.technomag.edu.ru)
6. [www.hrea.org/pubs/tips.html](http://www.hrea.org/pubs/tips.html)